

Маҳзун руҳ ноласи

**(Бу тўпламда Тўрткўлда, Товоқсой ва Навоий зоналарида ёзган шеър ва ғазалларим
жамланган)**

Муаллиф

Саҳвий



2012 йил

Швеция

Кириш

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим

Бу тўпламдаги шеърлар баъзилари Тўрткўлда ёзилган ва баъзилари Товоқсой ЖИЭМ 64/3 ва Навоийдаги ЖИЭМ 64/46 сонли зоналарда жазо ўтаётган пайтимда ёзилгандир. Шунингдек, турмадан чиқиб уйга келгач, ёзган шеърларим ҳам бу тўпламдан ўрин олган. Қозоғистонга Остона шаҳрига ишлагани борганимда ёзган шеърларим ҳам шу тўпламга жамланди. Тўрткўлда 1995 йилдан олдинги пайтда ёзган кўп шеърларим йўқолиб кетган эди. Ўша даврда ёзилган баъзи бир шеърларни қайта тиклашга муваффақ бўлгандим халос. Ўшалардан ҳам бир иккитасини бу тўпламга киритдим. Тўпламдаги шеърлар ўша пайтларда дафтарга ручка билан ёзилганди. Бу дафтарлар кўп йиллар шу ҳолда сақланганди. Буларни Москвада пайтимда 2008 йилда электрон шаклда қайта кўчирдим. Швецияга келиб, электрон тўплам шаклида «Маҳзун руҳ ноласи» номли тўплам шаклида сайтимда чоп қилдим. Энди шу тўпламни қайта тўлдириб, уни ичига олдинги даврдаги шеърларни қўшиб, қайта чоп қиляпман. Бу тўплам номи ўша олдинги номда «Маҳзун руҳ ноласи» деб номланади. Биринчи қисмда Тўрткўлда ва Товоқсойда ёзилган шеърлар ғазаллар ва рубоийлар ва мухаммаслар жамланди. Иккинчи қисмда Навоийда ёзилган шеърлар ўрин олган. Бу тўпламга Можайск турмасида ёзилган шеърларим кирмади. Уларни ва Швецияга келганимдан кейин 2009, 2010 ва 2011 йилларда ёзган шеърларимга қўшиб, алоҳида тўплам қилдим. У китоб номи «Умид интиҳоси» деб номланади. 2012 йилдан то 2016 йилгача ёзган шеърларимни эса, «Хамса» (Беш китоб) номли тўпламда электрон шаклда чоп қилганман. Шу учта тўплам (Йўқолганларидан ташқари) менинг ёзган барча шеърларимни ўзида жамлайди. Бу тўпламдаги шеър ғазалларни ўқувчиларга ва муаллифга дунё ва охирати учун манфаатли қилишини Аллоҳу Таолодан сўраб қоламан.

Саҳвий.

2016 йил.

I - қисм

Тўрткўлда ва Товоқсойда ёзилган шеърлар ва ғазаллар

Бисмиллаҳир раҳмонир раҳим

Рубоий.

Тахаллусим «Саҳвий»-»Хатойй» бўлди,
Орзу ҳавасларим ҳавойй бўлди.
Мен ғазаллар ёздим яхшими, –ёмон?,
Бу йўлда устозим, «Навойй» бўлди.

Фард

Бепоеън юртимнинг саҳроларида,
Ўсади минг-минглаб доривор гиёҳ.
Баланд ўсган тиканларнинг остида,
Одамлар уларга ташлолмас нигоҳ.

Бу шеър 1986 йилда ёзилган. 1989 йилда Тўрткўлдаги «Коммунизм ғалабаси» номли район газетасида чоп қилинган.

Хайрлашув

Ишон қалбдан чиққан оҳима,
Сўзимни шеър билан айтай мен.
Раҳм этмадинг кўзда ёшима,
Агар қайтгин десанг, қайтай мен.

Нега эшитмадинг дил сўзим?!
Айбим сени севганимми айт?!
Йўллариңда зор эди, кўзим,
«Эй, севгилим» нечун дединг-қайт?!

Дардим учун, дармон эдинг сан,
Дармонимдан айрилдим энди.
Гўё танамда»жон»эдинг сан,
Мен»жоним»дан айрилдим энди.

Инонмассан айтсам севгилим,
Кеча-кундуз ўйлайман сени.
Сен билмайсан лекин, эй»гулим»,
Шеърларимда куйлайман сени.

Розидирман доим омон бўл,
Ёдинг билан ўтгайман энди.

Бахтинг сари очик бўлсин йўл,
Мен бу ердан кетгайман энди.

Алвидо!—»эй, менинг, қуёшим,
Энди сени бахтинг очилсин!
Менку, олиб кетарман бошим,
Бу сўзларим ёдингда бўлсин!

Зорман

Эшит сўзим жоним кўзинга зорман,
«Кўрсам» дейди, кўзим ўзинга зорман.
Сўзлар эдинг доим, майин-мулойим,
Дилга ором берар сўзинга зорман.
Соғинарман ҳануз гулдек юзингни,
Бир назар солишга, юзинга зорман.
Бунча ёқимлисан, бунча гўзалсан?,
Дилда муҳаббатинг, меҳринга зорман.
Майин жилваларинг ақлим оларди,
Маст қилар ошиқин, сеҳринга зорман.
Қисмат бўлган экан, Саҳвийга ўтмоқ,
Фикру-хаёлингда, васлинга зор ман.

Серпуховда ёзилган.

1988 йил.

Шахсий фикр

Одамнинг дунёда бўлсин ўз фикри,
Бўлсин ўз тамоил, ўзин овози!
Эргашиб кетмасин, нималар кўрса,
Ёки қилган бўлса, ота-бобоси.

Ҳар эътикоднинг бор тош-тарозиси.
Ислоннинг мезони ҳадису-қуръон.
Борда ҳар бир йўлни муфти-қозиси.
Холимас булардан албатта Ислон.

Нега бу одамлар дин амалларин.
Ота-бобосига урфига боғлар?
Бирортаси билмас динни масдарин.
Нега фикрламас виждони соғлар?!

Алифдан калтакни ажратолмаслар,
Нега эргашмайди билган одамга?
Улар эшитмаган ҳадисни айтсанг,
Сени бадном қилишади оламга.

Айтсанг қабул қилмас, қуръон-ҳадисни,
Фалончи айтмаган-дейишар, тамом!
Фалончини айтган гаплари эса.
Бидъату-куфр ила ширк, фақат ҳаром.

Фатвони чиқарар фалончи ҳожи.
“Бу одам адашган нобакор банда,
Ота-бобомизни йўлини қўйиб,
Залолатга кетди, кандай шарманда?”

Ҳеч ким тингламаса ҳақни гапирсанг,
На қариндош-уруғ на имом қози.
Миршаблар чақириб сўраб бошласа,
“Нега сендан барча эл-юрт норози?!”

Атрофга карасанг турли йўллар бор,
Ҳаммасида бордир тарози-тоши.
Исломда ҳам мезон асос йўқми?-деб,
Сўраган бандани ёрилар боши.

“Динимиз мезони ота-боболар.
Боболар йўлига юрамиз мудом.
Бизлардан бошқалар бари адашган,
Биз бошқа йўлларга юрмаймиз тамом.”

“Мазҳабимиз фалон”-дейишар улар,
Бу гапларинг тўғри келмайди бизга.
Ахир, оят билан ҳадис бор десанг,
Бу бизни мазҳабмас, дейишар сизга.

Амалига қаранг раҳнамоларни,
Кўкнору-нашалар ичимлик-носвой.
Хотин-қизларини юришин кўриб,
Деманг; булар ажнабийя хойнаҳой?

Бундай тўю аза қайда бор, дея,
Изламанг қайсидир мазҳаб китобин.
Ҳаётларида йўқ асар исломдан,
Эшитмайди улар Ҳақнинг хитобин.

Бундай ҳаёт тарзи таълим берилмас,
Имон мавжуд бўлган ҳеч жамиятда.
Бундай тоифалар бўлади фақат,
Ҳавосини “илоҳ” қилган мазҳабда.

1995 йил

Тўрткўл

Дарди муҳаббат

Кўрмасайдим жамолинг эй покиза хилқат,
Тушди дилимга нетайин дарди муҳаббат.
Бу дард мани охир дилим айлади абгор,
Айтгали дардимни санга, етмади журъат.
Фироқида ўтди умрим ки неча йиллар,
Қисмат экан менга унинг ҳажрида меҳнат.
Ғариблик даштини кездим зору саргардон,
Ишқингни дилимдан чиқара олмади ғурбат.

Дардингни дилим қаърида пинҳон айладим,
Истамадим айламоғин, эл мани ғийбат.
Кимки, «кўнгил дарди битар, йўқ бўлур» деса,
Қилган бўлур муҳаббатнинг шаънида тўхмат.
«Бири кам дунё» деганлар, билгил Саҳвиё,
Битта эмас бешта», десанг, балки ҳақиқат?

Талх

Айлаган гардун менинг комимни талх,
Дарди ҳижрон ичра айёмимни талх.
Тотли эрди ҳажри ҳам васлин кутиб,
Кетди уммид, қилди ҳижронимни талх.
Ташнадир лаъли лабига дил бугун.
Қилди дарди, бу ғариб шомимни талх.
Телбадирман бу ҳажр айёмида,
Дарди фироқ этди оромимни талх.
Карбалонинг даштида Мажмун мисол,
Айлаган шомии ғарибонимни талх.
Талх бўлибдир назму наво таъми ҳам,
Ҳажри қилди лафзу каломимини талх.
Саҳвиё, талх бўлса шеъринг йўқ ажаб,
Чунки, ҳижрон қилди илҳомимни талх.

Қазо ҳукми экан

Дилим ҳажринг ила, юз пора бўлди,
Давосин топмайин, оввора бўлди.
Васлинг хаёлида хотир паришон,
Чорасиз қолдию, бечора бўлди.
Ҳижрон водийсида кезиб саргардон,
Кўзимнинг ёшлари фаввора бўлди.
Сани излаб, кезар руҳим самони,
Етти иқлим кезиб, сайёра бўлди.
Ҳусн маликасин севган, гадо дил,
Ҳаётда бу «хато» бир бора бўлди.
Доим ошиқларнинг қисмати ҳижрон,
Висолин неъматии ағёра бўлди.
Саҳвий, истамасдинг бундай оқибат,
Қазо ҳукми экан, начора, бўлди?!

Ичинда

Дўстлар дунё ишларига, ҳайронман,
Роҳатни билмаслар, роҳат ичинда!
Ақл етмас ҳикматига Худонинг,
Кулфатни сезмаслар, кулфат ичинда.

Одам ўлай демас умри битса ҳам,
Ажал яқосидан келиб тутса ҳам,
Бутун умр ғафлат ичра ўтса ҳам,
Ғофил одам билмас, ғафлат ичинда.

“Умид қушларини тутдик”, деганда,
“Оғир даҳшатлардан ўтдик”, деганда,
“Офиятли кунга етдик”, деганда,
Ихтилофлар чиқди, уммат ичинда.

Ҳар ким кўнгли тортган йўлга кетади,
Ёки йўлда қолар, ёки етади,
Барчаси ўзини ҳақ деб, ўтади,
Ўзаро адоват нафрат ичинда.

Бундан кимга фойда ё, кимга зиён?
Ҳақ билур ким яхши, ёки ким ёмон?!.
Фосиқларга кулиб боқди, бу замон,
Мўминлар азобу-меҳнат ичинда!

“Хато” дедилар, биз тутган йўлимиз.,
Банд бўлди кишанга энди кўлимиз,
Яна ихтилофда куяр дилимиз,
Расво бўлдик келиб, ғурбат ичинда.

Такдир экан, бугун беихтиермиз,
Меҳру-мурувватга оч интизормиз,
Маҳруму, мазлуму, неъматга зормиз,
Қадрини билмаслар, неъмат ичинда!

Мўминлардан “устун” ўғри каззоблар,
Бизлар гўёки қул, улар “жаноб”лар.
Имонсиз, виждонсиз, кўп ноинсофлар,
Яшайпди обрў-ҳурмат ичинда.

Гапирмасдан кета олмасман ўтиб,
Кимлар шод, ким ётар ғуссалар ютиб?
Биров етар ўлим ҳукмини кутиб,
Бировлар, айш ила ишрат ичинда?!

Бошимга бу дардни солганда билдим,
Кўзим йўлга боқиб, толганда билдим,
Оғир кунлар келиб, қолганда билдим,
Дўст йўқ экан, ёру-улфат ичинда.

Банда боши тошга текканда англар,
Умри поёнига етганда англар,
Ё қиёмат куни турганда англар,
Ҳисобини кутиб, даҳшат ичинда.

Нафсимиз гуноҳдан олганда роҳат,
Ўзимизга қилдик, ўзимиз офат.
Билмам қайдан чиққан, ушбу касофат?
Адашдик, залолат-зулмат ичинда.

Муаммодан ҳаргиз бўлмадик озод,
Кошки бўлса эди, охират обод,
Ҳайрон бўлар экан дўстлар, одамзод,
Турли-туман фитна, офат ичинда.

Интиламан имкон борида қўлда.
Сароб ҳам сув бўлиб кўринар чўлда.
Яна не фитналар бор экан йўлда?
Ҳали кутиб турган навбат ичинда.

Келганда исрофил сурун садоси,
Тирилар одамзод Шоҳу-гадоси,
Берилар мукофот ёки жазоси,
Жойлашар жаҳаннам-жаннат ичинда.

Кечир хато айтган сўзимни ё Раб!
Ҳақдан кўр қилмагил кўзимни ё Раб!
Ўзинга топширдим ўзимни ё Раб!
Тут мани мағфират раҳмат ичинда!

Дуо қиларман Ўзинга, албатта,
Қўйма ислом аҳлини бу ҳасратда,
Ёрдам бергил дунё ва охиратда,
Ҳарна бўлса бордир, ҳикмат-ичинда.

2005 йил

Тўрткўл

Йиғлатар

Йиғламок осон эмасдир, эй жигарбандим эшит,
Мулки дил садпора бўлгач, дийдасидан нам келур.
Бобораҳим Машраб

.....

Ҳаётимда кўп синадим, одамни,
Меҳр муҳаббат, эҳсон йиғлатар.
Аслида йиғламок осон эмасдир,
Инсонни доимо, инсон йиғлатар.

Таърихдан ҳам ибрат олмоқлик керак,
Қуръон берар, Фиръавн Намруддан дарак,
Салтанат соҳиби, бўлса тош юрак,
Зулм қилиб халқин Султон йиғлатар.

Юртда фитналар кўп бўлди, огоҳсиз,
Тутиб қамайдилар, исбот гувоҳсиз,
Бадном бўлса одам, ҳеч бир гуноҳсиз,
Ноҳақ бўлса туҳмат, бўҳтон йиғлатар!

Бу замонда, қадрин йўқотди имон,
Хор бўлди мўминлар, хор бўлди қуръон,
Жабру-зулм кўрар, канча мусулмон?,
Золимга йўл бериб, замон йиғлатар!

Ётсанг турмаларда хор маҳкум бўлиб,
Эрку диёрингдан ҳам маҳрум бўлиб,
Имону Ислоним деб, мазлум бўлиб,
Калтаклар зарбида зиндон йиғлатар.

Қочиб қайга борай, золим зулмидан?,
Офиятли макон йўқдир журмидан,
Билганим шу бўлди, қуръон илмидан,
Адолат топмассан, сарсон йиғлатар.

Имон йиғлатаркан дилни, куфрмас,
Аламлар йиғлатар, жоду сеҳрмас,
Ҳалимлик йиғлатар, кибру жаҳлмас,
Хор бўлганинг англаш, ёмон йиғлатар!

Ҳар кимни бошида, ҳар хил савдолар,
Ўз жонимизга кўп қилдик, жафолар,
Ўтди биздан кўп беҳисоб хатолар,
Баъзида эслатиб, виждон йиғлатар!

Синовлар келганда, қиламиз фарёд,
Истаймиз ғамдан тез бўлишни озод,
Агар яхшиликга, етса одамзод,
Қўрдимки қувонч ҳам, чунон йиғлатар!

Тинчу оромин йўқотган дилларни,
Балолар қаърига ботган, дилларни,
Қўрдимки тош каби, қотган дилларни,
Гоҳида, ўқилса қуръон йиғлатар!

Шундай одамлар бор, асли нокада,
Қафасда қуш қўйиб сақлаш ҳавасда,
Тутқун бўлса булбул, олтин қафасда,
Уни олтин қафас, ошён йиғлатар.

Ҳали қийналаман, эслаб бу ғамдан,
Юрагим тўлгандир дарди аламдан,
Ҳар ким ўзи учун азиз одамдан,
Айрилса, соғинчи чандон йиғлатар!

Тушундим, шундайин яралган олам,
Ҳаёт бошдан оёқ, машаққату ғам,
Баъзида калтак еб, йиғламас одам,
Баъзан бир оғиз сўз, гирён йиғлатар!

Югуриб еламиз, мол-дунё учун,
Бевафо эканин англамай нечун?!

Эътимод қилсанг бу дунёга, бир кун..,
Бор йўғингни қилиб вайрон, йиғлатар!

Ўғилми-қиз, бўлса агар дилбандинг,
Яхши бўлгай хулқи, шу жигарбандинг,
Меҳр билан боққан азиз фарзандинг,
Баъзан, Ота-Онани, қон йиғлатар.

Қизик экан бу дунёнинг ишлари,
Тугамайди, муаммо ташвишлари,
Юракларни ўртар соғинч ҳислари,
Айрилиқ ҳасрати ҳижрон йиғлатар!

Адаштирди Иблис бизни кўп ёмон,
Кошки тузоғидан чиқолсак омон?,
Қарангки, Одамзод туғилган замон,
Келиб озор бериб, шайтон йиғлатар!

Фарқи нима, гадомисан шоҳмисан,
Нодонмисан, доною огоҳмисан,
Ё тақволи банда, ё гумроҳмисан,
Ажал етса, тўлса паймон йиғлатар!

Оғирдир гар давоси йўқ, дард берса,
Яхшидир бир ёнингга ҳамдард берса,
Мурувватин рад айлама мард берса,
Муҳтож бўлсанг борсанг, нодон йиғлатар.

Етар бас, Саҳвиё дилни тиглаш ҳам,
Ҳар нарсани сабабига боғлаш ҳам,
Кулиш ҳам Аллоҳдан бўлар, йиғлаш ҳам,
Аслида барчани Раҳмон йиғлатар!

Навоий

2004 йил январ

Бўлмас

Ёдинг хаёлида уйқусиз тунлар,
Аламли шеърларни битмасам бўлмас.
Унутилармикан бир кун бу кунлар?,
Умидим дилимда тутмасам бўлмас.

Умид йўқ бир умр кутаолмайман,
Навоийдек дoston битаолмайман,
Дардим дилда олиб кетаолмайман,
Барибир кимгадир айтмасам бўлмас.

Ҳаёга буйсундим исён қилмадим,
Яширдим сиримни дoston қилмадим,
Ё бориб ўзинга баён қилмадим,
Алашимни дилга, ютмасам бўлмас.

Ўз дилим поклигин ўзим бузсамда,
Ёки ғам баҳрига тушиб сузсамда,
Висолингдан мутлақ умид узсамда,
Ниманидир умид, этмасам бўлмас.

Албатта, бу ҳаёт ўтиб кетади,
Ҳар шоир билганин битиб кетади.
Ҳар ким ҳар нарсани кутиб, кетади.,
Мен ҳам ниманидир кутмасам бўлмас.

2004 йил.

Баҳоринг ортида хазонлар бордир

Ажиб бир ҳаётда яшаб борамиз,
Атрофда турли хил, инсонлар бордир.
Аниклаб боқсангиз улар ичинда,
Турқи одам сифат, «шайтон»лар бордир.

Фоний дунё, бунча бағринг кенг сани,
Бору-йўғинг, каму-кўпинг, тенг сани,
Роҳатинг бир бўлса, ғаминг минг сани,
Баҳоринг ортида хазонлар бордир.

Яшайди одамлар ғафлат хобида,
Окибат не бўлур Ҳак даргоҳида?!
Бир икки огоҳлар учрар гоҳида,
Бир яхшига юз минг ёмонлар бордир.

Азал тақдиридан қочолмас одам,
Ҳар доим тўсиқдан ошолмас одам,
Ҳаётда хотиржам яшолмас одам,
Йўлда турли-туман копконлар бордир.

Покиза дилларни тиғсиз тилишда,
Бечораю ғарибларни шилишда,
Фисқу-фасод, ҳийла-макр қилишда,
Жуда кўп бозори-чаққонлар бордир.

Дилимни дардлари шеърга сочилгай,
Дард юракда бўлса, қайга қочилгай?,
Бу боғларда қачон гуллар очилгай?,
Бераҳм бешафқат, боғбонлар бордир.

Тухмат маломатлар ёғилса бошга,
Юрагинг айланиб қоларкан тошга,
Заҳарлар соларлар ейдиган ошга,
Атрофда «заҳарлик илон»лар бордир.

Мен турма азобин кўрганман тотиб,
Илм олдим асли зиндонда ётиб,
Қаранг дунё учун имонин сотиб,
Меҳроблардан чиккан-чаёнлар бордир.

Оламга касофат тўлсада-ҳали,
Умид ғунчалари сўлсада-ҳали,
Ёвузлик ҳукмрон бўлсада-ҳали,
Оз бўлсада-тоза виждонлар бордир.

Юрагимда олов,учқун,чақинлар,
Қани дилга малҳам берар яқинлар?!
Айтсам дардим тушунарди оқиллар,
Ёнимда гап уқмас нодонлар бордир!

Тақво дилда бўлар эканда?, гарчи,
Бундан хабар берди,бизга «Хабарчи»
Қўрқишга ҳақлироқ Аллоҳ-агарчи.,
Атрофда, миршабу-посбонлар бордир.

Ҳаёт паймонаси тўларди охир,
Осмон ҳам эҳтимол,қуларди охир,
Қиёмат ҳам қоим,бўларди охир,
Ҳали ҳам имони омонлар бордир.

Майли бу оламда зеру-забар бўл,
Қиёматда азиз ва мўътабар бўл,
Ҳақиқат изласанг бил- бохабар бўл,
Ростга ўхшайдиган ёлгонлар бордир.

Бечора ҳолига бир чора этиб,
Ўз танасин ўзи юз пора этиб,
Ўз норозилигин ошкора этиб,
Тинмай портлаётган «вулқон»лар бордир.

Инсон яшар экан ҳаётда-албат,
Яшайди,кўнглида ишқ ва муҳаббат,
Ҳамроҳдир доимо адоват-нафрат,
Ёнида мурувват-эҳсонлар бордир.

Ажабдур қисматим доимо фироқ,
Мақсудим ҳосилдан йироқдир,йироқ,
Мани истаганим топилмас-бирок,
Атрофда шунча қиз-жувонлар бордир.

Дилимга бир таскин бераолмайман,
Ўз иложим ўзим қилаолмайман,
Ҳаётда хотиржам яшайолмайман,
Дилимда кўп оҳу-фиғонлар бордир.

Қеча-кундан олдин келар аслинда,
Яъни нур бекинар зулмат остинда,
Бу зулмат тунидан утсанг олдинда,
Ҳали мусаффо тонг-осмонлар бордир!

Ҳамма нарсa бир-бир келар,навбатда,
Катта-кичик бўлар-кичиклар катта,
Ҳали бир ўзгариш бўлар,албатта,
Яхшиликга умид-гумонлар бордир.

Шеърлар битиб овунаман бу ғамдан,
Шеърлар қолар-колса шоир одамдан,
Таърихларни қаранг-дарду-аламдан,
Битилган қанчалар дostonлар бордир.

Минмай туриб йиқилдим гўё отдан,
Битмади мақсадим ҳеч бу ҳаётдан,
Насиб этса бир солих зурриётдан,
Дилимда кўп сирри-пинҳонлар-бордир.

Ё раб,айтай сенга,дилимда борим,
Қабул этгил,мени бу оҳу-зорим,
Истиғфор айтаман,Парвардигорим,
Менда бисёр хато-нуқсонлар бордир.

Саҳвиё, бу дунё асли бири кам,
Ёнма-ён юради,кувонч билан ғам,
Шукр қилгил,ҳар бир мусулмонда ҳам,
Дилларинда битмас армонлар бордир.

2005 йил

Тўрткўл

Энди

Дўстлар айтай сизга аҳволи зорим,
Қулоқ солинг ажиб нидоға энди.
Таваккал бир Аллоҳга, кору-борим,
Керакмас ўзга сўз, ароға энди.

Гуноҳкор бандаман ўзим биларман,
Билолмасман фақат нечук қиларман.
Ҳарна пешанада борин кўрарман,
Таваккал айладим Худога энди.

Мен доим интилдим, югурдим шошдим,
Туғёнга кетдим, ҳаддимдан ошдим,
Шайтон йўлимдан чалғитди адашдим,
На чора бор айтинг, қазоға энди?!

Аллоҳ қилсин ишимизни ўнгиндан,
Пушаймон этмасин умр сўнгиндан,
“Омин” денглар, биродарлар кўнгилдан,
Очай мен қўлимни дуоға энди.

Эй, меҳрибон Роббим Парвардигорим,
Ўзинга маълумдир кўнгилда борим,
Қабул этгил мани бу оҳу-зорим,
Раҳм эт, мендек бахти қароға энди.

Саҳвий умидвор бўл, Аллоҳ меҳрибон,
Унинг қудратига ҳар нарса осон,
Тақво бериб, қилса фитнадан омон,
Натижа шу бўлса, дуоға энди.

Бевафо умр

Менда шундай бўлади гоҳо,
Ўтмишимни эслаб қоламан.
Ҳаётимда ўтган ҳар турли,
Нарсаларни эсга оламан.

Кечагина ёш бола эдим,
Бугун ўттиз бешга кирибман.
Шунча ёшга кириб ҳаётда,
Ҳали ўзи нима кўрибман.

Ҳали ёш боламан гўёки,
Катта одам бўлмадим ҳали.
Ақлу-фикрим шуурим ҳам ёш,
Камолотга тўлмадим ҳали.

Атрофимга боқсам ҳар турли,
Катта-одамларни кўраман.
Мендан кичик эканин билиб,
Ўз-ўзимга ҳайрон бўламан.

Бу дунёдан ўтгунча энди,
Ақлу-хушга тўлмасам керак.
Ҳалигача ёш бўлсам–демак,
Катта-одам бўлмасам керак?!

2004 йил

Дунёнинг ишлари

Нимагадир бугун кўнгил безовта,
Нимадандир бугун дилим паришон.
Булутлар остида гўёки ой ҳам,
Мўралаб турибди, ҳолимга ҳайрон.

Маҳзун дилим истар, дардига сирдош,
Хаёллар ҳам тутқич бермайди бебош.
Эҳтимол ушбу кун, қанча қари ёш,
Ажаллари етиб топширади жон?!

Ҳозир ҳаётмисан демак, яшаб қол,
Ҳаёт низоми шу, ҳар кун шу аҳвол.
Бугун қанча-қанча гўдак –эҳтимол,
Чирқираб яшашни бошлашар нолон?!

Нақадар шайтонни макри жилвагар,
Фитналардан кимга етмайди зарар?,
Балки, айнан шу кун–тақдири азал,
Имондан ажралар қанча мусулмон?!

Керакмас бу гапга, исбот гувоҳлар,
На ҳожат бу ерда шарҳу-изоҳлар?..
Худо тавфиқ берса, қанча гумроҳлар,
Балки, ушбу кунда келтирар имон?!

Ўтгинчидир бари, қувончу-алам,
Арзимас шодликка, ё чекишга ғам.
Шундай бўлган аввал, шундай ҳозир ҳам,
То қиёмат шундай бўлар бегумон!

Навоий турмасидан уйга борган пайтда ёзилган шеър

Аллоҳга шукрим, келди бу кунлар,
Ўтган бўлсин каро даҳшатли тунлар,
Кетсин қалбингиздан ғамли тугунлар,
Энди ҳеч кеча кундузлар йиғламанг!
Энди биз йиғлаймиз, сизлар йиғламанг!

Зор бўлиб кутдингиз ваҳ шунча йиллар,
Мен туфайли маҳзун бўлган кўнгиллар,
Азиз ота-онам, ака, сингиллар,
Кўп хатолар қилдик бизлар, йиғламанг!
Энди мен йиғлайин, сизлар йиғламанг!

Ҳамд айтайлик бугун Улуғ Аллоҳга,
Бу кунга етказган Қодир Илоҳга,
Худонинг ҳикмати сиғмас изоҳга,
Қувончларга тўлсин кўзлар йиғламанг!
Бугун биз йиғлайлик, сизлар йиғламанг!

Кўр эдик гўёки, кўзлар очилди,
Лол эдик гўёдек, сўзлар очилди,
Ниқоблар ечилди, юзлар очилди,
Яйрасин шодликдан юзлар, йиғламанг!
Келинг, мен йиғлайман, сизлар йиғламанг!

Шу кунга етказди ўйнаб-кулайлик,
Аллоҳни фазлига шукр қилайлик,
Яратгандан яхшиликлар тилайлик,
Бу кунларга етдингизлар, йиғламанг!
Кўринг, мен йиғларман сизлар йиғламанг!

Ўтди қиш фаслини қаҳратон –қори,
Бошланар энди ҳаётнинг баҳори,
Шеърларимга кўчиб дилимда бори,
Эриди тош қотган музлар, йиғламанг!
Доим мен йиғлайин, сизлар йиғламанг!

Шукрки жамлади бизни, Худойим,
Хотиржам айласин дилингиз доим,
Турайлик биз хизматингизда қоим,
Илтимосим шу азизлар, йиғламанг!
Энди биз йиғлайлик, сизлар йиғламанг!

Қадрдонлар ёш олмангиз кўзларга,
На ҳожат бор энди, ғамли сўзларга,
Азиз Ота-Онажоним сизларга,
Меҳрим изҳори бу сўзлар йиғламанг!
Бугун мен йиғлайман, сизлар йиғламанг!

Азиз дадажоним вафотлари муносабати билан ёзилган шеърлар

Ўткинчи дунёдан ўтдингиз охир,
Ҳаққа етишдингиз, ёлғонлар қолди. .
Ортингизда сизни эслаб, соғиниб,.
Бизга тиловати “Қуръон”лар қолди.

Дил осмоним ёритган моҳ эдингиз,
Ҳаёт йўлимизда ҳамроҳ эдингиз,
Бизга ҳамиша хайрихоҳ эдингиз,
Энди кимга ёруғ осмонлар қолди?!

Ажал асли битилгандир Худодан,
Ҳар киши жойини топар уқбодан,
Эй, одамлар, қаранглар бу дунёдан,
Яхшилар кетдилар, ёмонлар қолди.

Сиздан рози бугун қариндош-қардош,
Элу-юрт, маҳалла, барча қари-ёш,
Иймон бўлгай энди сиз била йўлдош,
Бизда яхшиликка гумонлар қолди.

Улуг зотлар авлодидан зотингиз,
Яхшилик бирла ёд бўлгай отингиз,
Бугун ортингизда зурриётингиз
Кўзлари ёш тукиб гирёнлар қолди.

Сиз истаган фарзанд бўлолмадимку,
Ғам етказиб, хурсанд қилолмадимку,
Фурсатни ғанимат биллолмадимку,
Юрагимдан чиқмас армонлар қолди.

Дадажоним, нурга тўлсин қабрингиз,
Бизга ибрат бўлди, сизни сабрингиз,
Ажри бўлгай тортган бунча жабрингиз,
Дилда айрилиқдан, фиғонлар қолди.

Сендан тилагим шу, эй, Қодир Эгам,
Муборак руҳлари ҳеч тортмагай ғам,
Сенга қанча шукр қилсам шунча кам,
Ҳикматинга ақлим ҳайронлар қолди.

Ё Раб, сани дининг ҳақдир, “Қуръон” ҳақ,
Расулинг ҳақ, ўлим, охир-замон ҳақ,
Жаннат, дўзах, сирот кўприк, мезон ҳақ,
Шунгача ўртада, ҳижронлар қолди.

Парвардигор, раҳматингга ол Ўзинг,
Раҳмат назар бирла назар сол Ўзинг,
Аввал сану охир бўлиб қол Ўзинг,
Дилга муҳрланиб, шу онлар қолди.

19 март, 2006 йил.

Соғинч азоби

Соғиниб келгандим ҳузурингизга,
Лекин тўёлмадим дийдорингиздан.
Азизу, мунису, меҳрибон дадам,
Йиғлаб-йиғлаб қайтдим мазорингиздан.

Соғинчим хумори ёзилмас сира,
Мени тарк этмас ҳеч, ҳижрон азоби.
Мен ўзимни ўзим овутолмайман,
Шеърларимга тушар, кўнгил хитоби.

Дилимда ҳукмрон бир ҳазин туйғу,
Менга бўйсунмайди бу қайғу, бу ғам!
Мен яхши тушунмай яшабман–асли,
Улуғ неъмат экан, борида Дадам.

Соғинчлар ёзилар бугун шеър бўлиб,
Овунчоғим фақат хотира армон.
Мен сизни соғиниб, эслаб яшайман,
То бир куни, учрашгунча Дадажон!

Қабристонда ёзилган.

Тўрткўл. 2. 11. 2006

Тилакларим

Хаётингиз шамъи сўнди Дадажон,
Дилингизда битмас армонлар кетди.
Рухлар оламида яшанг тинч-омон,
Дунё ғами энди тугади, битди.

Барзах оламида қиёматгача,
Жасадсиз ҳам, ҳаёт этади давом.
Жон-жасадга қайта қўшилар яна,
Ўлим билан ҳаёт бўлмайди тамом.

Рухлар оламида қиёматгача,
Мўминларга роҳат савоб бўлади.
Ҳақ каломига ҳеч шубҳа бўлмасин,
Имонсизга шаксиз азоб бўлади.

Исломий эътиқод шу, пок имон шу,
Бу сўзга пайғамбар ҳадиси гувоҳ.
Буни тан олмаган, ўзидан кўрсин,
Тез кунда тушунар, бўлади огоҳ.

Ўлим баробардир шоҳу-гадога,
Ўлим бир ибратдир-улуғ бир ҳикмат!
Эй банда ношукр бўлма қазоға,
Ўлим ҳаёт каби, биз учун неъмат.

Бу ҳаёт ўтади яхшими-ёмон,
Эртанги ҳаётинг бу кунга боғлиқ.
Ғанимат бил ҳозир, амал ва имон,
Йўқ бўлар давлату мансабу соғлиқ.

Имон ва амалинг бўлади йўлдош,
Имон билан ўтиш катта неъматдир.
Аллоҳ каломида хабар юборди,
«Имонли бандалар жойи-жаннатдир!».

Аллоҳ раҳмат этгай эй дадажоним,
Билинади борган сари, қадрингиз.
Дуолар қиламан-қўмсаб-эслайман,
Нурга тўлсин дейман, ётган қабрингиз.

Кошкийди, бу ғамим ўтсайди осон,
Айрилиқ муддати, тугаса тезроқ.
Жаннатда учрашсак бир кун дадажон,
Абадий йўқ бўлса, ҳижрону-фироқ.

Роббимга илтижо қилиб кутаман,
Сиз синовдан ўтганингиз ҳақ бўлсин!
Аллоҳ мағфирати раҳмати билан,
Жаннатига етганингиз ҳақ бўлсин!

2 октябрь 2006 йил.
Тўрткўл

Кимки, бир кўнгли бузуқнинг хотирин шод айлағай,
Онча борким, Каъба вайрон бўлса, обод айлағай.
Алишер Навоий

Армон

Ҳаж зиёратини орзу қилдингиз,
Дилингизда кетди армон дадажон.
Пайғамбар айтгандир; «Ният учун ҳам,
Ажру савоб берар, Аллоҳ Меҳрибон!»

Мабодо қилинса, бир яхши амал,
Фойдаси йўқ, тўғри бўлмаса ният.
Ният ҳар амалга пойдевор тамал,
Ниятсиз топмағай амал қадрият.

Сизку, ғарибликда яшаб ўтдингиз,
Сизга фарз эмасди, ҳаж зиёрати.
Ҳажни орзу қилиб, етмай кетдингиз,
Узри бор, кимда йўқ иститоати.

Кўп одамлар топар молу дунёни,
Қилишади дунё бўйлаб саёҳат.
Чин деб ҳисоблашар, улар рўёни,
Қилмайдилар лекин, Ҳажни зиёрат.

Аммо, кўп одамлар кийдилар эҳром,
На ақидаси бор, на рўза, намоз.
Пулларни топишган, ҳалолу ҳаром,
Ҳаж қилиб гуноҳин тўкишар бир оз.

Ҳажга боришлик ҳам, баъзилар учун,
Гўёки, дам олиш, ёки саёҳат.
Ҳожи акаликка интилар бугун?,
Қалби тўла мараз, ёки жаҳолат.

Йиғилишиб кейин «ҳожи акалар»,
Одат чиқаришди, «Ҳожи зиёфат».
Подага пешволик қилар такалар,
Булар аҳли бидъат, дин учун офат!

Буткул беҳабарлар, ҳақ эътиқоддан,
Ҳажнинг моҳиятин билмаслар ҳатто.
Буларнинг фарқи не, Самуддан, Оддан?,
Бошдан оёқ турган битгани хато!

Каъбани қурдилар Иброҳим халил,
Аллоҳ фарз қилгандир ҳажни, бу тўғри.
Аммо, юртимизда, кўп бунга далил,
Ҳажга борди, қанча муттаҳам ўғри?!

Борди иблис сифат, казо казолар,
Иймондан беҳабар, жоҳилу гумроҳ!
Натижа шуки, бу бахтиқаролар,
Зиёда қилдилар, фисқ ила гуноҳ!

Киборлар Каъбага боргандан кўра,
Маҳбус мўминлар озод этсинлар!
Ғариб кўнглин овлаб, амалдор тўра,
Гўёки, Каъбани, обод этсинлар!

Қадим эшак миниб боришган ҳажга,
Эшак, «Ҳожи эшак» бўлганмас кейин.
Абу Жаҳл Каъба ҳокими эди,
Аммо, имон билан ўлганмас кейин.

Эй азиз меҳрибон, дадажоним-ей,
Армондаман сизнинг армонингиздан.
Сизга ғарибларнинг рутбасин берсин,
Ҳожилар оломас жой ёнингиздан!

Ажалга чора йўқ

Умидворман жаннатдалир руҳингиз,
Соғинчингиз юрагимда дадажон!
Яратганни азал ҳукми шу экан,
Шарт экан келиши, барибир–ҳижрон!

Юрагим эзилиб, синиб қўмсайман,
Оғир бўлди менга айрилик фироқ.
Ўз-ўзимни овутаман йиғлайман,
Биламан, ажалга чора йўқ бироқ!

Шак-шубҳасиз ҳали, Парвардигорим,
Қайта тирилтирар, бунга гумон йўқ!
Абадий ҳаётни бўлиши ҳақдир,
Бунга ишонмаса кимки, имон йўқ!

Аллоҳу-расулни ҳақ деб,-билдингиз,
Аллоҳим гувоҳдир имонингизга.
Умидворман насиб этгай;–Жаннатда...,
Борсам, салом бериб, мен-ёнингизга.

Кошкийди, келса тез ўша кун тезроқ,
Ўтсайди ҳаммадан ўткинчи дунё.
Кетадиган жойдан, кетган яхшироқ,
Бу дунё бир гўё, саробу-рўё.

Мўмин кишиларни асло,-хотиржам,
Яшайдиган маскан эмас, бу олам.
Мўминларнинг жойи, мангу-жаннатдир,
Шунгача, гўё бир мусофир одам!

Ё Раб, гард тушмасин имонимизга,
Умидвормиз ваъда қилган, жаннатдан.
Авф сўраймиз айбу-нуқсонимизга,
Маҳрум этма, мағфиратдан-раҳматдан!

Азиз дадажонимнинг васиятлари

1

Вафотлари яқин қолганда дадам,
Бизни жамладилар васият учун.
Атрофини ўраб барча бўлдик жам,
Дедилар чақирдим насихат учун.

Оғир эди ўша пайт ҳолатлари,
Нафас олардилар қийналиб аранг.
Одамзоднинг умри тугаётгани,
Ўзига билинар эканда қаранг.

Турибмиз барчамиз кўздан тўкиб ёш,
Юракларни ўртар кучли ҳаяжон.
Секин гапирдилар, қийналиб титраб,
Келди бизга вақти, топширишлик жон.

Азиз фарзандларим рози бўлинглар,
Сизга яхши ота бўлаолмадим.
Ёмон одам эдим, шунингчун сизга,
Мен яхши оталик қилаолмадим.

Сизлар мендек ёмон бўлманглар энди,
Мендан устун яхши одам бўлинглар.
Мен энди кетаман дунёдан сизлар,
Сабрли тоқатли бардам бўлинглар.

Сен ҳам рози бўлгин, дедилар кейин,
Жуфти ҳалоллари, онамга қараб.
Яхши турмуш ўртоқ бўлаолмадим,
Бу сўзларга ўзинг гувоҳсан, ё раб.

Сиз бошчилик қилинг дедилар, катта,
акамга кўрсатиб қўл билан бизни.
Ҳамма жим индамай унсиз йиғлардик,
Дедилар: Аллоҳга топширдим сизни»!

Тинмай йиғлар эдим, юрак жойидан,
Отилиб чиқмоқчи бўларди гўё.
Билардим барчаси туш эмас ўнгим,
Барчаси ҳақиқат, эмасдир рўё.

Аллоҳ менга берган имкониятдан,
Фойдаланишга мен интилдим шу он.
Дедим олдингизда кўпдир гуноҳим,
Кечиринг шуларни, азиз дадажон.

Сўзлаш оғир эди, дард оғир эди,
Кўп гапиришликка йўқ эди мажол.
Қўл силтаб қўйдилар, менга жавобан,
Гўёки, кечирдим деганга мисол.

Эшитган гаплардан мени у ерда,
Юрагим ёнарди, ҳайратда ҳайрон.
Сизни ёмон одам эканингизни,
Билмаган эканмиз, азиз дадажон!

Бу гаплар бизга бир таълим эдими?
Ёки, ибратмиди, билмадим, аммо,
Биз учун сиздан ҳам яхшироқ бўлиш,
Бу бажариб бўлмас, катта муаммо.

Мумкиндир сиз билан бошқа бировни,
Солиштириб кўрсак борича имкон.
Агарда сиз ёмон ота бўлсангиз,
Яхши ота қандай бўлар дадажон?!

Машаққатда ўтди, ёшлик даврингиз,
Қочиб даҳрийлардан, оввора сарсон.
На яшашга уй бор, на борар манзил,
На кийишга кийим, на ейишга нон?!

Одамлар маймуннинг зурриётимиз,
Деб, куфр йўлини қилганда даъво.
Сиз тасдиқ қилгансиз дину исломни,
Отамиз Одам деб, Онамиз Ҳавво.

Ота онангизни хизматин қилиб,
Ризосин топишга интилиб бисёр.
Уларни дуосин олгансиз доим,
Дилларига бермай заррача озор.

Ҳалол меҳнат қилиб, оила боқиб,
Бергансиз бизларга тарбия таълим.
Имону исломда, яхши ахлоқда,
Бизларга бўлгансиз, устоз муаллим.

То ҳаётингизни охиригача,
Бизни қайғумизга бўлиб қайғудош.
Сизсиз ўтмас эди, тўю маърака,
На элу юрт аро, на қавму қардош.

Доим намоз ўқиб, рўзалар тутиб,
Имкон қадар қилиб, хайр ила эҳсон.
Аввал қазо бўлган намоз рўзани,
Адо қилишга ҳам, Ҳақ берди имкон.

Закот бермагансиз эҳтимол, чунки,
Молингиз нисобга етган эмасда.
Ҳаж ибодати ҳам бўлмади насиб,
Буни ҳам тақдирга битган эмасда.

Ғариб мискин бўлиб яшаб ўтдингиз,
Саксон ёшингизда топширдингиз жон.
Аллоҳ қабул этгай ибодатингиз,
Гуноҳларингизни кечгай дадажон!

3

Ислом мезонида ёмон одам шу,
Аллоҳни ҳукмига бўйсунмагайдир.
Ҳаром амаллардан ўзини тийиб,
Ҳақ буюрган амални қилмагайдир.

Пайғамбар айтдилар: еттита гуноҳ,
Кабира гуноҳдир, қилади ҳалок.
Аввал ширк, иккинчи одам ўлдириш,
Учинчи, ичимлик ичишдир нопок.

Тўртинчи ўғирлик, бешинчи судхўр,
Олтинчи ёмон иш, қилишлик зино.
Еттинчи, покиза аёлга туҳмат,
Зинода айблаш ноҳақ, эл аро.

Қасамки Аллоҳнинг зоти покига,
Ҳақ сизни сақлаган бу гуноҳлардан.
Кифоядир бунга Ҳақ гувоҳлиги,
Одамлар ичра ҳам кўп гувоҳлардан.

Имкон қадар ушлаб шариат ҳукмин,
Аллоҳни амрига қилиб риоя.
Яшадингиз сабр тоқатла ғариб,
Умр муддатига етди ниҳоя.

Ўлим хасталиги келганида ҳам,
Тилда такрор эди, калима имон.
Аллоҳ ёлғиз илоҳ, Муҳаммад расул,
Эканин тасдиқлаб топширдингиз жон.

Эй менинг азизу меҳрибонимей,
Ўзингизни ёмон дер эдингизми?
Ва ёки, бизларга ушбу сўз билан,
Ўзингни текшириб кўр деддингизми?!

Ёки бу аслида солиҳ бандалар,
Одатими, ўзини паст тутишлик.
Балким буюкликнинг мезонидир шу,
Киши ўз нафсини жангда ютишлик.

Шу эмасми, расуллоҳ, асҳоблар,
Таълим берган, олий инсоний ахлоқ.
Кибр қилган учун малъундир иблис,
Мутакаббирларнинг аҳволига боқ!

Неча йиллар яшаб, ўқиб ўрганиб,
Илм олишликка мен ҳаракатда.
Бу васият маъзин қачишга етар,
Таълим ололмабман илму талабда.

4

Менинг ноқим ақлим етмайди ҳануз,
Бу сўзда яширин сир синоатга.
Мендан сиз яхшироқ бўлинг дедилар,
Биз ожизмиз, бу сўзга итоатга.

Эй менинг падари бузрукворим эй,
Ажр бергай яхши ниятингизга.
Биз сиздан яхшироқ бўлаолмаймиз,
Осиймиз ноилож васиятингизга.

Сиздан яхши бўлиш эмас, биз ҳали,
Ахлоқда сизчалик бўла олмаймиз.
Ҳаётнинг паст балан синовларида,
Аниқки, сиз каби тураолмаймиз.

Аллоҳ гувоҳ менинг ожизлигимга,
Ўзимни айбларим, ўзимга аён.
Аллоҳ раҳмат этсин, азиз падарим,
Сизда улуғ ахлоқ эди намоён.

Оят нозил бўлди расуллоҳга.
«Сиз улуғ ахлоқнинг устидасиз» деб.
Аллоҳ сизга қилсин ҳурмат эътибор,
Менинг Расулимнинг, дўстида сиз деб.

Мана шундай бўлди бизга васият,
Ҳикматига ақлим етолмай гаранг.
Бу тўрт оғиз гапни, моҳият мағзин,
Тўла англолмадим то ҳануз қаранг!

Мен тиларман роббим насиб айласин,
бизга ҳам қилишни шундай васият.
Мендек бўл, мен каби яша, демасдан,
Мендан яхши бўлинг, дейиш не ҳикмат?!

Охирги дамда ҳам ҳар биримизга,
Қолдириб кетдилар ибрат бир жаҳон.
Роббим ато этсин, раҳматин жаннат,
Аллоҳ рози бўлсин сиздан дадажон!

Аллоҳ раҳмат қилсин азиз ота-онамга бағишлаб ёзилган ғазаллар

Алвидо

Ал-видо, ё ал-видо, нури жаҳоним кетдилар,
Тарк этиб фоний жаҳонни, меҳрибоним кетдилар!

Ҳақ Таъоло қисматига бўйсуниб рози бўлиб,
Даргоҳинга энди Роббим, Дадажоним кетдилар!

Сабри бир дарё каби, хулқи расулуллоҳ каби,
Юлдузлар ичра моҳ каби, ширин забоним кетдилар.

Доим ибодатлар билан, зикру-тиловатлар билан,
Ибратли одатлар билан, фаҳри замоним кетдилар.

Найлайин бу айрилиқ, дарди дилимни ўртагай,
Энди билдим, фаҳри, кўрки хонадоним, кетдилар.

Мен дуо айлаб яратганга-ғазал ёзмай нетай?!
Чунки, оламдан менинг-“руҳи-равоним”-кетдилар.

Эшитгандим, сиз вафот топганда айтганди онам,
«Яхшилар авлодидан, қолган нишоним кетдилар»!

Бизга ташлаб бу ҳаёт, ғавғосидан қўлни ювиб,
Дилга далда-бошга гўё, соябоним–кетдилар.

Одамизод айрилиб қолса билар кўп нарсани,
Кўрмайин роҳат-фароғат, бағри қоним кетдилар.

Мавж урсин қабрингизда раҳмати нури Худо,
Ғам-аламда қалб-вужуди, нотавоним кетдилар.

Бир-биримига ғаниматмиз, синов дунёсида,
Бурчни биздан соқит айлаб, «Имтихоним»–кетдилар!

Жойингиз жаннатда бўлгай!-деб, қилур Саҳвий дуо,
Ҳақ сари умид этиб, жаннатмаконим кетдилар.

24. Август. 2006.

Бесамар қолмас дуоингиз

Улуғ неъмат экан бизга, ҳаётда сизни борингиз,
Кўзимга тўтиё қилмоққа топмасман ғуборингиз.

Муҳаббат риштаси бирла, боғланган дилим сизга,
Насиб этгай зиёрат айламоқ, энди мазорингиз.

Ҳаётим шамъи ўчгунча, кўнгилда дард алам қолди,
Бўлолмадим тириклик пайтингизда хоки пойингиз.

Мани бу дарди армонимни дунёда давоси йўқ,
Тиларманки Худодан, жаннат ичра бўлса жойингиз!

Гумоним йўқки, Роббим меҳрибондир барча мўминга,
Доҳил этгай раҳматига, Меҳрибон Парвардигорингиз.

Яратган рози бўлгай, мағфират қилгай, азиз этгай,
Яқин бўлгай Расулуллоҳга, жаннатда саройингиз!

Бўлиб ҳамроҳингиз жаннатда пайғамбарлар, сиддиқлар,
Яна солиҳ ва солиҳа азизлар дўсти-ёрингиз!!

Худойим фазли бирла кўрсатиб дийдори покини,
Ўзининг дўстлари ичра кўтарсин эътиборингиз!

Худонинг даргоҳи афзал эрур, ёлғончи дунёдан,
Сизга боқий саодатни, насиб этгай Худойингиз!

Ғанимат билмадим, имкону фурсатни нетай энди?
Тиларман Тангридан доим, қилиб дуои-зорингиз!

Дуодан тўхтама Ота-Онангни ҳаққига Саҳвий,
Дуода манфаат бор, бесамар қолмас дуоингиз!

Марсия

Улуғ неъмат экан бизга, ҳаётда сизни борингиз,
Кўзимга тўтиё қилмоққа топмасман ғуборингиз.

Муҳаббат риштаси бирла, боғланган дилим сизга,
Насиб этгай зиёрат айламоқ, энди мазорингиз.

Ҳаётим шамъи ўчгунча, кўнгилда дард алам қолди,
Бўлолмадим тириклик пайтингизда хоки пойингиз.

Мани бу дарди армонимни дунёда давоси йўқ,
Тиларманки Худодан, жаннат ичра бўлса жойингиз!

Гумоним йўқки, Роббим меҳрибондир барча мўминга,
Доҳил этгай раҳматига, меҳрибон Парвардигорингиз.

Яратган рози бўлғай, мағфират қилгай, азиз этгай,
Яқин бўлғай Расулуллоҳга, жаннатда саройингиз!

Бўлиб ҳамроҳингиз жаннатда пайғамбарлар, сиддиқлар,
Яна солиҳ ва солиҳа азизлар дўсти-ёрингиз!

Худойим фазли бирла кўрсатиб дийдори покини,
Ўзининг дўстлари ичра кўтарсин эътиборингиз!

Худонинг даргоҳи афзал эрур, ёлғончи дунёдан,
Сизга боқий саодатни, насиб этгай Худойингиз!

Ғанимат билмадим, имкону фурсатни нетай энди?
Тиларман Тангридан доим, қилиб дуои-зорингиз!

Дуодан тўхтама Саҳвий ота онангни ҳаққига,
Дуода манфаат бор бесамар кетмас дуоингиз.

Азиз дадажонимга атаб ёзилган Марсия

Хотирангиз бунчалар армон бўларин билмадим,
Фурқатингизда кўзим гирён бўларин билмадим.

Сиздан айрилган кунимдан соғинарман сизни ман,
Айрилиқни ўти бу чандон бўларин билмадим.

Кеча-кундиз нурли сиймонгиз кўзим олдиндадир,
Ҳажрингизда юрак-бағрим, қон бўларин билмадим.

Давр экан, даврон экан, во ҳасрато-ё ҳасрато,
Ўтди-кетди, қайта бу имкон бўларин билмадим.

Борида билмас одамзод, неъматни Ҳақ қадрини,
Айрилиб қолса кейин, ҳайрон бўларин билмадим.

Эслагайман сўзларингиз доимо қалбимдадир,
Дилда бу дардим мани, пинҳон бўларин билмадим.

Ўтди фурсат, одамийзод аслида бу дунёга,
Тез келиб кетгувчи бир, меҳмон бўларин билмадим.

Шубҳасиз, Ҳақдир ўлим, фоний ҳаёт ўткинчидир,
Ўлмайин қолгувчи бир инсон бўларин билмадим.

Ҳар киши лойиқ қадр топгай бориб иймонига,
Кимни ҳамроҳи бугун, иймон бўларин билмадим.

Шукрки, Ҳақ бирлигин тасдиқ қилиб жон бердингиз,
Бандага бундан улуғ, эҳсон бўларин билмадим.

Аҳли иймонларга ваъда қилди, Аллоҳ жаннатин,
Ҳеч қачон Ҳақ ваъдаси, ёлғон бўларин билмадим.

Жойингиз жаннатда бўлсин, мағфират қилсин Эгам,
Жаннатул маъво каби, ошён бўларин билмадим.

Шоир ўғлингиз дуо айлар ибодатлар қилиб,
Манфаат биздан фақат “Қуръон” бўларин билмадим.

Сенга илҳом бўлди ҳосил, ушбу ғамдин Саҳвиё,
Ёзганим бир кун келиб, дoston бўларин билмадим!

19 март, 2008 йил.

Дадажонимга атаб

Тутқунликда ётиб, Дадажон, сизни беҳад ёмон соғиндим.
Дийдорингиз кўришга мушток, бўлиб зору-гирён соғиндим.
Дардим билмас Худодан ўзга, йиғласам ёш келмайди кўзга,
Армонларим сиғмайди сўзга, ғамдан қалбим вайрон соғиндим!
Қўлимдидир Тангри каломи, тиловати кўнгил ороми,
Ўғлингизни сизга инъоми, қилиб тиловати қуръон, соғиндим.
Ман қуръонни қиламан иқдор, унда ҳар дарднинг давоси бор,
Хали учрашувдан умидвор, бўлиб,сизни-ҳар он соғиндим.
Биламанку, Меҳрибон Эгам, шуни билиб, кўнгил хотиржам,
Таваккул этганман йўқдир ғам, ўқибон сураи-Раҳмон, соғиндим.

Марсия

Ўткинчи дунёдан ўтдингиз охир,
Аллоҳ раҳматига етдингиз охир.
Яқин билдим асли ёлғон бу дунё,
Кимлар келиб, кимдан қолғон бу дунё?
Камбағалми-бойми-ё ёшу-қари?
Ажал келган пайти кетади бари!
Дунёда боқий яшаш имкони йўқ,
Кетса имон бирла ким,–армони йўқ!
Лекин имон бирла ҳар ким кетмагай,
Ҳар кишига раҳмати Ҳақ, етмагай.
Банда имон сари интилмак керак,
Қадрини қимматини билмак керак.

Нега бу оламини пайдо бўлганин,
Не сабаб Иблисни расво бўлганин?!
Нега пайғамбар юборган биз учун?
Ҳаёт бирла ўлим, яралган нечун?!
Ҳазрати Одам хатоси не эди?
Ерга тушмак муддаоси не эди?!
Бизга бу оламда ёлғиз муддао,
Тан олиш лозимки, ёлғиздир Худо!
Ўзга маъбудликга лойиқ Зот йўқ,
Зотидан ғайри Илоҳ, ҳайхот йўқ!
Яратган зотни Илоҳ билмак керак.
Ибодатни Ўзига қилмак керак.
Улуҳийятда шериги йўқ Унинг,
Рубубиятда шарикни йўқ Унинг.
Икки оламнинг Худосидир Ўзи.
Ибтидою–интихосидир Ўзи!
Йўқ эдик, йўқдан Ўзи бор айлади,
Лутфи эҳсонга, сазовор айлади!
Белгилаб қўйган ажал жонзотига,
Инсу-жинлар бирла ҳайвонотига!
Шубҳасиз муддат ажал етгусидир.
Кимгаки етса агар, кетгусидир.
Қудрати чексиз яратган Зотни.
Ақли етмас бунга, махлуқотни.
Келтириш лозим эрур, имон Анга.
Тирилтирмоқ ўликни осон Анга.
Қиёматни бўлмоғи шак-шубҳасиз,
Ўликлар тирилмоғи шак-шубҳасиз.
Кимгадир жаннатда бўлгай эҳтиром.
Ким жаҳаннам қолур мангу тамом.
Кимки имон бирла ўтса оқибат.
Қолмагай дўзахда ул кимса абад.
Кимки аҳли; Ла илоҳа иллоллоҳ,
Куфр билан баробар, қилмас Аллоҳ!
Эҳтимол кўргай азоб аҳли гуноҳ,
Умид ҳам бор, авф этар балким Илоҳ?
Ҳар кишига бу ўлим келгусидир,
Муддати вақтин Худо билгусидир.
Ҳаёт тонги оттими–ботмоқ керак,
То қиёмат қабр аро, ётмоқ керак.
Ғам шудир имон насиб этгаймикан?,
Ёки тиллар лол бўлиб кетгаймикан?!
Ҳақ дея биз бандаи-бечоралар,
Тилаб имонни қилурмиз нолалар.
Чунки айтганлар расул; “Қай одами,
Чиқса имон бирла охирги дами.
Оқибат жойи бўлур жаннат унинг”.
Йўқ эрур шубҳа-гумони ҳеч бунинг.
Мен шукрлар айтаман Аллоҳима,
Бору-йўғимдан мани огоҳима!
Айлагайман Зоти покига қасам,
Менга кўп неъмат берибдир эсласам!
Насиб этган экан Қудратли Раҳмон.
Ота-Онамга улуғ неъмат, имон.
Падарим кетдилар мулки адамга,
Ўзинг раҳм айла ё Раббим дадамга.

Ўзинг қисмат қилибдурсан қадарни,
Берибсан менга имонлик Падарни!
Фақирликда яшатдинг бу қазодан.
Саломат сақладинг фитна балодан.
Харомга иттибо, нафси-ҳаводан,
Молу-дунё мансабдек можародан.
Шукрим имон ато этган эдинг,
Сийратин покликга жо этган эдинг!
Қалб–қаноат-сабрда дарё каби,
Барчага холис дўст-ошно каби.
Аллоҳ–Аллоҳ, бўлса бу сўзим хато,
Қўп гуноҳим, кеч мани во ҳасрато!
Кизб бирлан уждан безорман,
Билганимни айлайин иқрорман.
Бандаларнинг холидан огоҳ Ўзинг,
Билганим, билдирдинг эй Аллоҳ Ўзинг!
Тамом этгач белгилаб қўйган дамни,
Ҳузуринга чақирдинг сан Дадамни!
Ман неки десам агар Сенсан гувоҳ,
Хатоим бўлса кечир, менда гуноҳ!
Бир сени “ёлғиз Илоҳим” дердилар,
Тавба айлаб “кеч гуноҳим” дердилар.
Сан гувоҳдирсан дилин тасдиқига,
Тилдаги иқрор билан тавҳидига!
Ҳам расулуллоҳни пайғамбарлигин,
Тасдиқ этди каломингни ҳақлигин.
Шукр лиллаҳ, ҳақни Ҳақ деб, билдилар,
Бақадри ҳол бандалик ҳам қилдилар!
Менга жоизмас васф этмоқ барин,
Сўзи бор чунки, Худо пайғамбарин.
Мен учун жондан азиз инсон эди,
Дилда меҳри гўё, бир уммон эди!
Ажал келганда карам айлаб Худо,
Берди имкон этмоғимга Алвидо!
Бўлди имконим узр айтмоқ учун,
Қилмишимга тавбалар этмоқ учун!
Беадад ҳамдлар ўшал имконинга,
Розилашгач сўнг, кўтардинг Ёнинга.
Сен гувоҳдирсан мен ҳам бўлдим гувоҳ,
Эшитдим деди; “Ла Илоҳа иллоллоҳ”!
Шукр лиллоҳ бу улуғ неъмат учун,
Бу саодат иноят-раҳмат учун!
Дунёнинг неъматлари ўткинчидир,
Офату-кулфатлари, ўткинчидир.
Бандаи аброр учун шаксиз бироқ,
Дунёдан Аллоҳ ҳузури яхшироқ!
Ё Раб, қадрдоним ҳузурингдадир,
Ҳукминга таслим бўлиб, изнингдадир.
Сендан Ўзга бир Илоҳи йўқ унинг,
Ўзга ёрдамчи паноҳи йўқ унинг.
Сенга қилганди ибодат саждасин,
Умид айларди, башорат муждасин.
Раҳматингдан доим уммидвор эди,
Мағфират этмоқлигинга зор эди!
Бандалар осий–Ўзинг Ғаффорсан,
Раҳматинг беҳад, вале Қаҳҳорсан!

Шубҳасиз-шаксиз улуғ Аллоҳ Ўзинг,
Бандалар аҳволидан огоҳ Ўзинг!
Икки олам мулкани подшоҳи Сен,
Мураббийсен, муқаддирсен, шоҳи Сен!
Раҳматинг муҳтожимиз Парвардигор,
Бу дуоимни қабул эт бийрубор!
Ўзинг Ҳақсан, ҳақ ҳукм қилгувчисан,
Ҳар кишини қалбини билгувчисан!
Ё Раб, мен шу бандангни, дилбандиман,
Шукрлиллоҳ, мусулмон фарзандиман!
Сени Маъбуди барҳақ деб, билибман,
Расулуллоҳга, имон келтирибман!
Сенга дуои хитобим шу мени,
Илтижою-муддаоим шу мени!
Азиз дадажонимни раҳмат этгил,
Гуноҳларин кечир мағфират этгил!
Қабрларин жаннат боғидан боғ қил,
Ўз нурингдан ёритгувчи чироғ қил!
Ризқлантир жаннатда руҳи покларин,
Раҳматинга олгин, азиз хокларин!
Ўзинг рози бўл дадамдан Худойим,
Шод этгил бўлгунча, қиёмат қоим.
Қиёмат барча мушқулин осон эт,
Ўзингни дўстларинг сафинда сон эт!
Енгил қилғайсан ё Роббим ҳисобин,
Ато этгайсан ўнг қўлга китобин!
Юзларин нурингла қилғил нурафшон,
Аршинг соясидан қилғил соябон!
Савобларин улуғ этгил мезонда,
Қўйғил муқарраб бандаларинг ёнда.
Насиб этгил Расулингдан шафоат,
Ато этгил Эгам, мангу саодат!
Яшиндек ўтказиб ҳам пулсиротдан,
Насиб этгил мукаррамлик ҳаётдан!
Карам айла, киритгил жаннатинга,
Боқийлик оламига, раҳматинга.
Насиб эт жаннатинг неъматларини,
Санаб бўлмас киши, бир-бир барини.
Худовандо муқарраб қил Ўзинга,
Насиб этгил, назар солмоқ юзинга!
Эшиттир рози бўлганлик хитобинг,
Бу мавзуда хабар берган китобинг!
Қабул этгил мани шу илтижоим,
Улуғ қодир эгам, Роббим Худойим!
Ман осий қулга ҳам лутфу-карам қил,
Азиз дадажоним ёнинда жам қил!
Зурриётимни ҳам биздан қилма узоқ,
Караминг кенг Сени қудратли Раззоқ.
Ўзинга мен таваккул қилдим Аллоҳ,
Алҳамдулиллоҳу астағфируллоҳ!

2006 йил 10 май

Лўттибозларга

Кимсан ўзи, эркакмисан-қизмисан?,
Ори-номуси йўқ, уятсизмисан?,
Оёқ остидаги кир кигизмисан?,
Сени бу ҳаётда ўз ўрнинг борми?!
Сени ҳам, йигитлик ғуруринг борми?!
Инсонийлик сифатларинг қолганми?,
Виждон,инсоф деган, дилда бўлганми?,
Жасад тирик қолиб, руҳинг ўлганми?,
Маъсиятдан бошқа, ҳузуринг борми?!
Сени заррачалик, ғуруринг борми?!
Уялиш ҳам керак, бу қилмишингдан,
Жирканмайсан ўзинг, қилган ишингдан?,
Ўлганинг афзалку, бу юришингдан!,
Сен ётишга лойиқ ер, гўринг борми?!
Сени ҳайвончалик ғуруринг борми?!
Қандай махлуқ эдинг, ирқинга қара?!
Эркакми-урғочи, жинсинга қара?!
Тенглашга мислинг йўқ, турқинга қара!
Бундай яшамоқга, ҳуқуқинг борми?!
Одамзодга лойиқ, ғуруринг борми?!
Аёлларга иснод– кўзингдан уёл!
Жирканч башарангдан, юзингдан уёл!
Ҳеч йўқса, бошқамас, ўзингдан уёл!
Ҳаётда, сени «бахт», суруринг борми?!
Эй, номи йўқ махлуқ–ғуруринг борми?!

Сўз ҳақида сўз

Сўзки инсон зотига бўлди шараф,
Демагил, инсон–демак бекорга сўз,
Сўз сабаб келгай балолар бошга ҳам,
Етказар баъзан, бошингни дорга сўз!

Сўз билан ажралди куфр ва имон,
Сўз сабаб тўкилган оламда кўп қон,
Мақол бор; сўз заҳри-заҳардан ёмон,
Яхшидур олинса, эътиборга сўз.

Сўз инсонга Ҳақдан бўлган эҳсондир,
Сўз ҳаёт асоси–илми баёндин,
Шунинг билан, қалб сирлари аёндин,
Сабаб бўлгай, қувончу-озорга сўз.

Сўз билан билинар, ким яхши-ёмон,
Кўп мушкиллар битар, шу билан осон,
Қалбларни дардига, сўз бўлур дармон,
Шифо бўлган билсанг, кўп беморга сўз!

Ҳар бир сўз ёзилиб, қилинар китоб,
Бир оғиздан чиқар, гуноҳу-савоб,
Дунё-охиратда, бор сўздан ҳисоб,
Қолдирар одамни, номус орға сўз.

Саҳвиё, ҳар сўзни айтмоқ яхшимас,
Айтган сўздан ҳам бил, қайтмоқ яхшимас,
Сўзни, жоҳилга сарф этмоқ яхшимас,
Айтгил, агар айтсанг, ақли борға сўз!

Беором туйғулар

Дилимда туйғулар уради туғён,
Ҳар кеча мен учун ором, уйқу йўқ.
Таскин беролмадим ўзимга ҳамон,
Яхши бўлармиди бўлса ,туйғу йўқ.

Балки орзуларим-балки армонлар.
Менга ҳаром қилди уйқуларимни.
Балки дилимдаги ўтли туғёнлар.
Уйғотар-ухлаган туйғуларимни.

Келажагим мавхум-ўтмишим маҳзун,
Дилимда доимо умид хавотир.
Мени фикрларим тиниқмас ҳали,
Доимо ноаниқ-паришонхотир.

Беғалва-беташвиш ҳаётни излаб,
Ҳозирги кунимни унитиб бўлдим.
Тарк этиб тугамас ғам-изтиробни,
Шеър ёзиш баҳона, айтиб қутулдим.

Хаёллар

Дилимни ўртовчи маҳзун хаёллар,
Мени кўп қийнаманг кетинглар энди.
Кўнглим паришон айлаган малоллар.
Хаёлим жойига кўйинглар энди.
Қачонгача хаёл ичра ёнарман?,
Қачон хаёл суришликдан қонарман?,
Яқиндирким, аклу-хушдан тонарман?,
Ғариб ҳолимга қайғуринглар энди.
Тушимда ҳам ҳеч бир, гули раъно йўқ,
Имонлар заифдир, дилда тақво йўқ,
Бу оламда менинг каби расво йўқ,
Охирги ҳолим шу, кўринглар энди!
Қийналар бу дилим ҳақдир гувоҳим,
Шеърим баён айлар дилдаги оҳим,
Шунчалар оғирми қилган гуноҳим?,
Тавбалар қилдим, кечиринглар энди!
Адолат йўқ экан ушбу ҳаётда,

Тушунганим шу бўлди ушбу тобда,
Бу сўзимга далил ҳам кўп китобда,
Бир озгина инсоф қилинглари энди.
Дардимни айтаман ёлғиз Худога,
Нажот бергил бу дарди бедавога,
Руҳим учиб кетар бир кун самога,
Жонсиз-жасадимни қучинглари энди.

Ўзбекистондаги Мадраса Толибларига

(Бу шеър 1993 йилда Хоразмдаги мадраса талабаларига атаб ёзилганди.)

Юз минг сўмлаб, бериб кириб ўқишга,
«Ҳақ» билан «ноҳақни» билган Толиблар.
Сурати мусулмон, дин пешволарин,
Жирканч сийратини, кўрган Толиблар.

Ажиб бир мадраса-“илм даргоҳи”,
Гўё булар, дин илмининг огоҳи,
Тангрим эрур, сўзларимни Гувоҳи,
«Ҳақ» деб, ботил йўлга, кирган Толиблар!

Мақсад фақат топиш мол билан дунё,
Кўриниб турар ҳар амалда риё,
«Уламо» ҳар бири ўзича гўё,
«Чоҳ лабида, чодир қурган» Толиблар.

Гувоҳи бўлганмиз беш-ўнмас, юзлаб,
Келажакда бирор мансабни кўзлаб,
Чиройли хушомад гапларни сўзлаб,
Тоғутларга «пахта қўйган» Толиблар!

Кўринг бугун кимлар, дин раҳнамоси?,
Муфти, эшон,пир, тариқат пешвоси!
Дин восита, дунёдир муддаоси,
Имонни, ош билан «еган» Толиблар!

Йўқолди Исломнинг асл мезони,
Ҳақиқий даъватнинг йўқ ҳеч имкони,
Келди, залолатнинг даври-даврони,
Бу кунда»омади келган» Толиблар!

Дарс мавзуи таҳорат ва ахлоқдан,
Ўзлари маҳрум покликдан, одобдан,
Мадрасада, имонданмас-нифоқдан,
Фитна-фасод, «дарсин олган» Толиблар!

Қулоқ солинг, одамлар бу сўзларга,
Дин, омонат юкланганку сизларга?!
Фарқи йўқми, кимлар пешво бизларга?!
Дини- дунёси хор бўлган, «Толиблар»!

Қаранг «ман ман» деган, казо-казолар,
Золимлар ҳаққига, қилар дуолар,
Ё «кўр», ёки, имонсиз бу муллолар?
Шуларни йўлин ушлаган, Толиблар!

Айтилмайди, ҳеч Илохий ҳақиқат,
Айтсанг, бадном бўлиб, етар бир кулфат.
Бир балога учрар, бир кун, бу миллат,
Билинг – динфурушлик қилган, Толиблар!

Ғазаллар:

Кимлигимни шу куни, Роббим аён айлар мани

Ёлғиз Аллоҳ бу ҳаётда, имтиҳон айлар мани,
Бошқаларни фарқи йўқ, «ким?»,» -деб, гумон айлар мани!

Бор умидим Яккаю-Ёлғиз илоҳимдан эрур,
Ҳақ Ўзи раҳм этмаса, ким ҳам омон айлар мани?!

Икки манзил мунтазирдир, Одамизод олдида,
Билмадим, энди йўлимни қай томон айлар мани?!

Ҳақдин Ўзга билмагай, бўлгач қиёмат соати,
Кимлигимни шу куни, Роббим аён айлар мани!!.

Изтиробимни дилимда. сақлаёлмасман ниҳон,
Ўртаниб руҳим, вужудим нотавон айлар мани.

Токи имкон бор экан, Ҳаққа қилурман илтижо,
Бир куни келгай тилимни, безабон айлар мани!

Топмадим найлай, ватанда тинч яшашга бир макон,
Жабру-зулми энди, расвойи жаҳон айлар мани.

Бу не қисматдир ҳаётда, қадрини топмас одам?,
Энди тақдирим шу қисматга, нишон айлар мани!!!.

Фитна ёмондир қатлдан, Тангрининг сўзи гувоҳ.
Дину, дунё фитнаси, бағримни қон айлар мани.

Истамасдим дунёи фонийда, умри жовидон.
Кошки, тез Роббим сари, руҳим равон айлар мани.

Сиғдиrolмас қалбига Саҳвий дилин армонини.
Ўқиганлар англагай, назмим баён айлар мани.

Ҳануз

Бу не одат ухламай тунларда бедорман ҳануз,
Нотавон жисмим ҳаловат топмайин зорман ҳануз.

Не оғир юк менинг зеҳнимни босиб, тинч қўймагай,
Офият истаб, ҳаловатга харидорман ҳануз.

Олмаганман аҳли комилдан камолот дарсини,
Чунки, бу дунё ғами бирла гирифторман ҳануз.

Чарчаган, телба асаблар ихтиёри мендамас,
Сурати соғлом, ва лек сийратда беморман ҳануз.

Гарчи мендан кечди бу дунё ҳануз мен кечмадим,
Барча тарк этган матоларга талабгорман ҳануз.

Тоату тақво учун, журъат топилмас танда ҳеч,
Нафси аммора ишин қилмоққа тайёрман ҳануз.

Гарчи Саҳвийнинг гуноҳининг ҳисоби йўқ турур,
Мағфират аҳли бўлишлиқдан умидворман ҳануз.

Нисор этсам

Етолмасман, йўлингизда, кўзимни интизор этсам,
Тилардим хизматингизда, азиз жоним нисор этсам.

Меҳрли онажонимсиз, азизим отажонимсиз,
Дилимни меҳрини сизларга, шеъримда зиҳор этсам.

Мунтазирман нурли сиймонгиз кўриш истаб мудом,
Илож йўқ соғиниб найлай, кўришни дилхумор этсам?

Ғанимат билмадим имкону фурсатни, хато қилдим,
На суд, қилмишларимни эсласам гар, оҳу-зор этсам?!

Бало келганда сабр айлаб, қазога рози бўлдингиз,
Шукрлиллоҳки, жоиз сиз билан мен ифтихор этсам.

Мурувват кўрсатишга, топмадим имкон, – тилагим шу,
Қариган чоғингизда бир меҳрла эътибор этсам.

Сабр айланг, бу кунлар ҳам, қиёматда бўлур маълум,
Худонинг олдида мен ҳақлигим тасдиқ қарор этсам.

Бўлинг биздан ризо, сизлар ки, Ҳақ сиздан ризо бўлсин,
Яратгандан дуо сизларга мен имкони бор этсам!

Ўғлингиз Саҳвий тилайдир, сизга Аллоҳ раҳматин,
На чора, энди қўлдан келган ишни ихтиёр этсам.

Навоий

2002 йил

Дийда гирён бўлдингиз

Онажоним менга аввал иссиқ ошён бўлдингиз,
Қонингиз оқди вужудимда, менга қон бўлдингиз.

Отажоним сиз сабабли бизни пайдо қилди Ҳақ,
Қудратуллоҳ, сиз вужуди, ҳосили жон бўлдингиз.

Менга сизларни сабаб қилгандир Аллоҳнинг Ўзи,
Сиз менга гўё «қуёшу-моҳитобон» бўлдингиз.

Меҳр бирла ёшлигимдан парваришлар айлабон,
Қанчалар дард чекканимда, дийда гирён бўлдингиз!

Тангри берсин ажрини тун кечаларда ухламай,
Алла айтиб бешигим, устида посбон бўлдингиз.

Менга имон берди асли, сиз туфайлидан Худо,
Чунки имонга сабаб шу, сиз мусулмон бўлдингиз.

Қийналиб ишлаб ҳалол меҳнат билан бизни боқиб,
Бизга боққан ҳар балога, гўё қалқон бўлдингиз.

Кексайиб қолганда сизлар, биздан иззат етмади,
Яна бизни ташвишимиз, бирла сарсон бўлдингиз.

Қадрингизга етмадилар, улғайиб фарзандингиз,
Бемеҳр фарзандингиз ҳолига ҳайрон бўлдингиз.

Йўлларимга кўз тикиб-келгаймикан ўғлим,–дея,
Кеча-кундуз интизор, йўлга нигоҳбон бўлдингиз.

Бу на қисмат бўлди бизлар, барчамиз сарсон бўлиб,
Кексайиб қолганда йиғлаб зору-нолон бўлдингиз.

Қўп хатоликларга йўл қўйдим ҳаётда найлайин,
Ўлгунимча энди бу, қалбимда армон бўлдингиз.

Ҳасратим шу сизга ҳеч лойиқ мурувват қилмадим,
Неча кун бизнинг ҳузуримизда меҳмон бўлдингиз.

Менга олам ичра сиздан, афзал инсон йўқ эди,
Эй азизлар, доимо дардимга дармон бўлдингиз.

Сизга Ҳақ даргоҳида бергай мукофотин Ўзи,
Шояд, Аллоҳ раҳматига етган инсон бўлдингиз?!

Ўғлингиз Саҳвий, яратганга дуо айлар бугун,
Мағфират қилгай Ўзи, назмимда дoston бўлдингиз!!

Навоий

2003 йил

Муддаосидан мени

Баҳраманд этдинг шукр, имон зиёсидан мени,
Энди қилғайсан омон, иблис балосидан мени.

Кўп адашдим эй Худоё, асрагил фазлинг била,
Қилмагил нафси ҳавонинг мубталосидан мени.

Шубҳасиз афзал эрур, Ҳақнинг ризоси дунёдан,
Ёрутгил кўнглим муҳаббатнинг жилосидан мени.

Ҳақни дўст тутмоқ шуки, ботилни тарк этмак керак,
Сақлағайсан фитналик дунё матосидан мени.

Эй кўнгил дунё муаммоси била ғамлар чекиб,
Чалғитарсан охиратнинг, муддаосидан мени.

Ҳақни севмоқ шарти бўлди, расулига иттибоъ,
Сўфиё, чалғитмагил, суннат адосидан мени.

Саҳвиё, мангу саодат истасанг қилгил дуо,
Қилмағай ҳаргиз жудо, Роббим ризосидан мени.

Интиҳоси деб билинг

Дунёга келмоқ синовни, ибтидоси деб, билинг,
То ажал етганда сизлар, интиҳоси деб, билинг!

Эй биродарлар туғилмоқ, бирла ўлмоқ ораси,
Бизга “имон имтиҳонин можароси” деб, билинг!

Асли шу мақсад билан дунёга келди, инсу-жин,
“Ҳосили умринг яратганни ризоси” деб, билинг!

Ёлғиз Аллоҳга ибодат айламоқ, динга асос,
Сиз бу мақсадни “яшашни муддаоси” деб, билинг!

Гарчи неъмат, молу-мансаб, бирла фарзанду аёл,
Айни пайтда сиз булар, “жоннинг жафоси” деб, билинг!

Барчамиз навбат билан, бир-бир ўтармиз дунёдан,
Кимки имонсиз борар, бахтин қароси” деб, билинг!

Саҳвиё, шудир ҳаётда, инсу-жиннинг қисмати,
Ким бу маънидан узоқ, “Ҳақнинг қазоси” деб, билинг!

Ғам бұлмаса

Қувонч бұлмасди агар, ёнида ғам бұлмаса,
Яралмасди бу олам, жинсу одам бұлмаса.

Синов бұлмасди асли биз яралган бу дунё,
Бировдан биров ортиқ ва ёки кам бұлмаса.

Омонату оқибат иймон ҳосиласидир,
Яшай олмас одамзот хотири жам бұлмаса.

Дунёдаги ўткинчи шон-шарафдан не фойда,
Ҳақ қошида қиёмат, кун муҳтарам бұлмаса.

Қандай бўларди ҳаёт қилолмайман тасаввур,
Бир-бировдан ололмай юрган алам бұлмаса.

Саҳвийнинг дил баёни, дилидаги армони,
Охир тавобу насиб, байтул ҳарам бұлмаса!

Ичинда

Шунча одам тўртта девор ичинда,
Тушмаган билмагай зинҳор ичинда.

Кечаю кундуз йўқ ҳаловат, ором,
Доимо одамлар, бедор ичинда.

Жинойтчиларнинг жойидир бу жой,
Лекин яхшилар ҳам бисёр ичинда.

Бир-бировга бари буткул бегона,
Билмайсан кўнглини, не бор ичинда?.

Турарлар бир гапни гапирсанг ногоҳ,
Тилингдан тутишга тайёр, ичинда.

Қийиндир одамзот ўтказса умрин,
Шундай фирибгару айёр ичинда.

Ўзгача бир олам, ўзга бир дунё,
Кимлар ҳурматдадир, ким хор, ичинда?.

Ҳаётда иззатда яшаган кўплаб,
Одамлар яшарлар, ночор ичинда.

Бу ерда ҳам кўпдир ибратлар, Саҳвий,
Ўтирмаган билмас, не бор ичинда?!

Ўртагай

Дилни ҳижрон дарди бисёр ўртагай,
Куйдирар, тунларда бедор ўртагай.

Неча йиллар дарди пинҳон қийнади,
Энди бора-бора ошкор ўртагай.

Қафас ичра гулни ҳажрида булбул,
Дилни-қилган нолаи-зор ўртагай.

Интизор бўлган юраклар найлайин,
Изтироб, такрор-такрор ўртагай.

Ҳақдан ўзга билмагай дардим мени,
Эсга тушса номуси-ор ўртагай.

Саҳвиё, билсанг бу дард бир сен эмас,
Ҳар кишига бўлса дучор ўртагай.

Кўрмагунча

Куфрни ҳис қилмассан-имонни кўрмагунча,
Залолатни кўрмассан-қуръонни кўрмагунча.

Имон лаззатин тотмоқ, учун сабабдир куфр,
Билмассан яхши қадрин-емонни кўрмагунча.

Дарди балолар кўрмай яшаётган хотиржам,
Ҳурлик қадрига етмас-зиндонни кўрмагунча.

Албатта билмас одам-сидқу-садоқат қадрин,
Макру-ҳийлаю алдов, ёлғонни кўрмагунча.

Ҳайфдир ҳаёт неъматини, ҳар ким ношукр бўлса,
Бўлмас олимни қадри, нодонни кўрмагунча.

Ҳар нарсада ҳикмат бор-сен тафаккур этмассан,
Оламдаги муқобил-мезонни кўрмагунча.

Одам суратин кўриб, одам дегайлар Саҳвий,
Сийратида бир ваҳший, ҳайвонни кўрмагунча.

Алвидо

Алвидо, эй дўстларим, эй меҳрибонлар алвидо,
Келган ўхшар ажралиш вақти, ёронлар алвидо!

Бизни кўп синовга дуч этди Худонинг қисмати,
Билмадим қандай тугар, бу имтиҳонлар, алвидо!

Неча йиллар, тикан симлар ортида умри ўтиб,
Ноумидлик қилмаган, умри хазонлар алвидо!

Доимо очлик билан, калтак билан кун ўтказиб,
Ҳақ йўлидан қайтмаган, чин қаҳрамонлар алвидо!

Ҳақ нажот берсин биродарлар тилагим шу менинг,
Қолди қалбим сиз билан, эй қадрдонлар, алвидо!

Кеча кундуз одамизод қадрини барбод этиб,
Устимизда дўқ уриб, турган “аён”лар алвидо!

На ётишда, на туришда, на яшашда маъни бор,
Ҳидоятдан бенасиб, эй “нотавон”лар алвидо!

Зулм бирла етсин умрингиз ўзин поёнига,
Доимо заҳрин сочиб, чаққан “илон”лар алвидо!

Эрталабдан кечгача биз мадҳия куйлаб, яна,
Тонгача калтак еган, мазлум замонлар адвидо!

Саҳвий истайдир Худое, энди ҳеч кўрсатмагил,
Кўргали йўқдир кўзим, нохуш маконлар алвидо!

2004 йил апрел
Навоий 46 сонли ЖИЭМ

Харидоринг сени

Бевафо дунё, нега кўп бунча хушторинг сени?!
Эр-хотин-ёшу-қари, бирдек харидоринг сени?!

Қанча дўстлар сен туфайли, бўлдилар бегоналар,
Тарк этиб меҳрин ўзаро, бўлдилар ёринг сени.

Ўғил-қиз, Ота-Онадин, сен сабабли бўлди оқ,
Оқибат барбод бўлур, қизғанда бозоринг сени.

Мубтало бўлган кишилар сен биланиқрор бўлур,
Бўлса гар бир роҳатинг, юзмингдир озоринг сени.

Кўп ёмон бўлган мусулмонларга дунё фитнаси,
Кўплар имонин сотиб, бўлди сазоворинг сени.

Фикр этармиз бўлмас обод, молу-давлатсиз ҳаёт,
Аслида кўпроқ машаққатлар бўлур, боринг сени.

Молу-дунёга муҳаббатдан ҳазар қил Саҳвиё,
Токи бўлсин давлату-дунё, талабгоринг сени!

Раҳматинга зор бўлиб

Раҳматинга зор бўлиб кутган эдим, кутгим яна,
Зору-интизор бўлиб, кутган эдим, кутгим яна.

Мен Сени амрингдаман, изнингдаман, ҳифзингдаман,
Толиби Дийдор бўлиб, кутган эдим, кутгим яна.

Орифи биллоҳ учун, ҳикмат аниқ, қудрат аниқ,
Ҳукминга тайёр бўлиб, кутган эдим, кутгим яна.

Гарчи кўп осийману, ожизману, фазлинги мен...,
Жондан ҳам безор бўлиб, кутган эдим, кутгим яна.

«Комил имон бўлса йўлдош, тарк этай дунёни» деб,
Ғам била дучор бўлиб, кутган эдим, кутгим яна.

Барчаси ўткинчи Олам шодлиғи кайғуси ҳам,
Сабру тоқат ёр бўлиб, кутган эдим, кутгим яна.

Ҳақ таоло нусратидин доимо айлаб умид,
Саҳвиё, ночор бўлиб, кутган эдим, кутгим яна.

Истарман

Ярим кўнглимни ё Раб, тўлдирмоғинг истарман,
Дилимдаги оташни сўндирмоғинг истарман.

Ғарибман бу зиндонда, фисқу-фужур ҳар ёнда,
Яшагандан ҳайронда, ўлдирмоғинг истарман!

Тилагим шу ё Аллоҳ, имоним айла ҳамроҳ,
Раҳматинг бирла гоҳ-гоҳ, қулдирмоғинг истарман.

Ўзинг марҳаматингдан, нажот бер офатингдан,
Дилимни раҳматингдан, қондирмоғинг истарман.

Ожиздирман Илоҳим, кечгил қилган гуноҳим,
Ҳақ аҳлини ҳамроҳим, қилдирмоғинг истарман.

Кўпаймоқда ёмонлар, золимлар зўравонлар,
Офиятли замонлар, бўлдирмоғинг истарман.

Саҳвий бас қил нолишни, машаққату ташвишни,
Қиёматга бу ишни, қолдирмоғинг истарман.

Бўлмаса

Найлайин, менга яшашдан энди, маъно бўлмаса?
Максаду орзуларим гўёки рўё бўлмаса?!

Неча йиллар бўлдики, мен дарбадар оввораман,
Қайга борсам бошима, ташвишу ғавғо бўлмаса?!

На яшашга қолди рағбат, на ҳаётга эътибор,
Бўлмасин, дарду балосиз ушбу дунё, бўлмаса?!

Максадим ушбу ҳаётдан, Ҳақ ризосидур мени,
Бўлмагай ҳожат яшаш, мақсадки пайдо бўлмаса!!

Қилмадим ҳеч бир муносиб бандалик, дилпораман,
Манфаат борми амалдан, дилда тақво бўлмаса?!

Бизга бу олий шиорни,иддао этмак на суд,
Аввало олий шиор, қалбингда барпо бўлмаса?!

Фарқи ҳам бўлмас ҳаётни,ғам била хурсандлигин,
Атрофингда дардинга сирдошу, ошно бўлмаса?!

Ўтда куйдирсин мени, шу бутлару тоғутлар
Мен сиғинган,мен суянган, Тангри танҳо бўлмаса?!

Ёлғизу Танҳолигинга,зарра шубҳам йўқ мени,
Раҳм қил Сахвийга охир, зору расво бўлмаса!

Ўртанур

Ўт ёнар дилда нетай, жону-жаҳоним ўртанур,
Сабру-тоқат айлаёлмай, устихоним ўртанур.

Топмади ҳаргиз кўнгил ором ҳамиша беқарор,
Сигдиrolмай дардини, жисмимга жоним ўртанур.

Биродарлар энди бўлдим, маслаҳат мухтожимен,
Дардни чекканлар билар, руҳу равоним ўртанур.

Бир мусофир музтарибдурман, қафасда қуш каби,
Дард аламдан барча ошқору ниҳоним ўртанур.

Бўлди собирлик мақоми сабр этиб,шукр айламоқ,
Тоқатим тоқ бўлди, жисми нотавоним ўртанур.

Телба бўлдим ушбу ғамдин энди охир оқибат,
Арз этолмасман дилим дардин, забоним ўртанур.

Сахвиё, мумкин эмасдир ўтлиғ афғон айламоқ,
Тушса оҳим шуъласи, байтул ҳазоним ўртанур.

Ўлмағай

Олам ичра ҳеч мусулмон, дардга дучор ўлмағай!
Бедаво бўлган мусибатга гирифтор ўлмағай!

Бу мусибатлар ёмони тухмату бўҳтон экан,
Беайб бадном бўлиб, ноҳақ айбдор ўлмағай!

Қолмасин ҳеч ким ҳаётда ажралиб ўз қавмидан,
Қадрини билмас қавм ичра қолиб, хор ўлмағай!

Сақлай олмай охири ўз, одамийлик қадрини,
Алданиб нафси балосига гуноҳкор ўлмағай!

Тавбалар қилгил Худоға мағфират айлаб умид,
Тавба шарти шу, гуноҳ албатта такрор ўлмағай!

Жаҳолатдан маст бўлиб, ғафлатда ётган дил агар,
Энди ҳам уйғонмаса, ўлгунча бедор ўлмағай!.

-Сахвиё, тавба-тазарруъ айла, собит бўл кейин,
Тавбалар бир кун, хижолатга сабабкор ўлмағай!

Эмасми

Оқиллар бу дунёга, лолу-ҳайрон эмасми?
Дунё ҳаёти асли, бир имтиҳон эмасми?!

Офият истаб олам, аҳли топмади ҳаргиз,
Чунки унинг асоси, мағзи, ёлғон эмасми?!

Бир-бирини рад қилиб, Ҳақ талашур одамлар,
Ҳақ устида ихтилоф, қилган ёмон эмасми?!

Дунё учун, мол учун, қон тўкишга на ҳожат,
Унинг барча бисоти, охир вайрон эмасми?!

Қани қанча жаҳонгир, дабдабали подшоҳлар,
Барчаси хоки тупроқ, ерга яксон эмасми?!

Арабми ё ажамми, насабда не фарқи бор?!
Барча одамни асли, битта инсон эмасми?!

Ҳаёт муаммосига Саҳвий бўлмагил ҳайрон,
Булар шубҳасиз Одил, Ҳаққа аён эмасми?!

Айлар букун

Банданг арзини адо айлар букун,
Даргоҳинга илтижо айлар букун!

Ҳолима раҳм айла, ё Роббим менинг,
Раҳматинг, дил муддао айлар букун!!

Битмади ташвиш муаммоим ҳануз,
Душманим беҳад жафо айлар букун!.

Икки дунёда Ўзинг хор этмағил,
Мазлуминг нусрат рижо айлар букун!!.

Ношукр бўлма кўнгил сабр айлагил,
Ҳар неки Роббинг қазо айлар букун?!.

Бўлғуси шаксиз қиёмат ғам ема,
Ҳақ Ўзи одил жазо айлар букун!

Саҳвиё имон саломат бўлса бас,
Бўлмаса юзингқаро айлар букун!

Навоий

2002 йил

Айлама

Эй дўст дилингни бунча тор айлама!
Дардингни дардсизга изҳор айлама!

Дунёнинг ғамидан ҳаммада бисёр,
Охиратни ғамин ошкор айлама!

Бу дунё вайрони бўлмагай обод,
Бўлмаганни энди сен бор айлама!

Қайғуни қўй билким, фурсат ғанимат,
Азиз ҳаёт неъматин хор айлама!

Орзу ният тузоғига тушибсан,
Ўз-ўзинга ғамни бисёр айлама!.

Шукр қилиб яша имкон борида,
Дилни балога гирифтор айлама!.

Саҳвиё, дилинга қилгил насиҳат.
Бир хато қилдингми, такрор айлама!

Унутма

Эй дилим, номус-орингни унутма!
Ғурури эътиборингни унутма!

Қазо гирдоби тортса кай тарафга,
Униб-усган диёрингни унутма!

Агар етса мабодо, мулку давлат,
Унутма дўсти ёрингни унутма!.

Ҳали барча халойикдан ҳисоб бор,
Шулар ичинда борингни унутма!

Камтарин бўл, ўзингни катта олма.
Ўз имкон иқтидорингни унутма!

Якин бил, бандасан бечорадурсан,
Улуғ Парвардигорингни унутма!

Қўлингдан келганинча яхшилиқ қил,
Омонат ихтиёрингни унутма!.

Меҳр риштаси боғланган дилинга.
Дуоларинга зорингни унутма!

Кўп одамлар ўтди дунёдан Саҳвий,
Сан ҳам бир кун, барорингни унутма!

Навоий
2003 йил

Бўлмасин

Мен каби оламда ҳеч ким, зору ҳайрон бўлмасин,
Топмайин дил мақсадин, хотир паришон бўлмасин!

Дарди ҳажрида ёниб юрмоққа тоқат қолмади,
Бандаси ҳеч мубталои, дарди ҳижрон бўлмасин!!.

Ҳеч мусулмон банда ноҳақ, хазрати Юсуф каби,
Зулм бирла зулмат ичра, банди зиндон бўлмасин!

Молу мулкидан, диёридан жудо бўлса бўлур,
Оқибат охир бориб, иймонга нуқсон бўлмасин!!

Дину-имонни саломат сақламок осон эмас,
Йиғласа мўмин киши, кулган мусулмон бўлмасин!.

Ота-Она зор бўлиб, ёш тўкмасин фарзанд учун,
Истаганда соғиниб топмай, дили қон бўлмасин!!.

Ман азал қисмат бўлиб, кўрдим неча турлик бало,
Дўстларим ношоду душман, шоду-хандон бўлмасин!

Истамакга тоқатим йўқ, дилга малҳам, бас етар,
Дунёда бу бедаво, дардимга дармон бўлмасин!!

Айбу-нуқсонимга армон этмайин Саҳвий, нетай,
Қайсибир инсон хатосига, пушаймон бўлмасин?!

Истама

Энди сен Мажнун кўнгил, Лайлини кўрмоқ истама,
Ёки кеч мендан, менинг кўксимда бўлмоқ истама!

Дил қуши бир бора сайд бўлган эди, ишқ тўрида,
Фитналик саёд уни, тутмоққа сиртмоқ истама!

Эй кўнгил дунёни кезгил, тор қафасни тарк этиб,
Денгизу уммонни кўзла, жилға ирмоқ истама!

Дарбадар кезганда оламни агар гул учраса,
Тарк этиб кет, ҳаргиз ҳамроҳликда юрмоқ истама!

Чунки,ҳар гулда тикан бор, фитнадир бошдан оёқ,
Шунча куйгандинг етар бас, энди куймоқ истама!

Нафсига таслим бўлур дил,Роббига боғланмаса,
Зикри Ҳақдин ўзгага, ҳеч дилни бермоқ истама!

Йўқса эй дил, тарк этиб Саҳвийни кўксин кет йироқ,
Сен мени мангу карам, йўлидин тўсмоқ истама!

Бормикан

Дўстларим оламда мендек расво одам бормикан?,
Менда Ҳақ рози бўлиб ўтган бирор дам бормикан?!

Мен Худога қилмадим лойиқ ибодат ҳеч қачон,
Менда бисёр маъсият, солиҳ амал ҳам бормикан?!

Изтироб босгай дилимни охиратни ўйласам,
Эй, биродарлар бу янглиғ, дардга малҳам бормикан?!

Ўз дилимни англаёлмасман ўзимча айтаман,
Бу кўнгилда ҳам қиёмат, хавфидан ғам бормикан?!

Қанчалар интилмасин дил мақсадига етмади,
Дунёда кўнглимга маъқул, ёру маҳрам бормикан?!

Билки гуллар ҳеч тиконсиз бўлмагай олам аро,
Айтинг Ҳақдин ҳам муқарраб, дилга ҳамдам бормикан?!

Саҳвиё, зикр ила бўл, шудур мақоми мўътабар,
Кимса, зокирлардан афзалроқ мукаррам, бормикан?!

Шариатдан гапир

Гапирсанг бизга биродар,, сен шариатдан гапир,
Амри-маъруф, наҳй-мункар қил, насиҳатдан гапир!

Қалбимиз севмайдиган, ё ақлимиз етмайдиган,
Нарсаларни айтма бизларга, ҳақиқатдан гапир.

Ҳеч қачон битмас, бу оламнинг муаммосин қўйиб,
Ё қиёматдан ва ё, дўзах ва жаннатдан гапир.

Эътиқод, имон ибодат, ширк нима, тавҳид нима,
Ақлий ҳужжатларни қўй, қуръону-суннатдан гапир.

Ўтдилар дунёдан Аллоҳнинг ризосини олиб,
Бизга, асҳоби киромдан, аҳли ибратдан гапир.

Қалбда кўп иллат бугун кибру ҳасад фисқу риё,
Дилни дардининг давоси, илму ҳикматдан гапир.

Саҳвиё, аввал ўзингни ўнгла,сўнг даъватга чиқ,
Ботил ҳужжатларни қўй, тақвою тоатдан гапир.

Навоий

2003 йил

Бечораларга

Бунча зулм айларсан бечораларга,
Дарбадар сарсону-оввораларга.

Шунча зулм қилдинг, етар бас энди,
Яна не жабринг бор-дилпораларга?!

Куфру-зулм билан тўлди бу дунё,
Келди навбат ўзга сайёраларга.

Қаранг ота-она, фарзанд,аёллар,
Кўз ёшлари ўхшар-фаввораларга.

Қўрқмайдилар бу золимлар Худодан,
Раҳмат берилмас бахти қораларга.

Сизга ҳам қўйган бир балоси бордир,
Тангрим гувоҳ, биз қилган нолаларга.

Сабр билан тақво,қил энди Саҳвий,
Очилғай шунда йўл, кўп чораларга.

Тайёр бўл

Эй кўнгил, ғафлатда етмай тургилу бедор бўл,
Ушласанг имон йўлин, келгай синов тайёр бўл!

Бизга қилгандир балони келмоғин қуръон хабар,
Энди собит тур, синов устида устивор бўл!

Чунки имон йўлининг, аввалдан охир суннати,
Шу экан, таслим бўлиб, тасдиқ қилиб, иқрор бўл!

Кимни имони зиёд бўлгай, ким имондан жудо,
Дилни хавфдан холи этма, доим уммидвор бўл!

Кўп зулм қилдинг мусулмонларга эй золим, бориб...,
Фиръавн,Намруд билан дўзах тубида хор бўл!

Зийнати дунё ва дунё аҳли, мафтун этмасин,
Жаннатини истасанг,Ҳақ аҳли бирла ёр бўл!

Саҳвиё, Ҳақ раҳмати, жаннатдан афзал англасанг,
Ҳам ризосини тилаб, ҳам толиби дийдор бўл!

Соғинч азоби

Соғинч азоби оғир, дил диёрни соғинар,
Маҳбусликда қон кўнглим,ихтиёрни соғинар.

Мусофирлик маҳбуслик, муҳожирлик мазлумлик,
Бошидан ўтмагунча,ким мозорни соғинар?!

Яқинлару-сирдошинг, қариндошу-қардошинг,
Хор бўлса ғариб бошинг,эътиборни соғинар!

Доим бўлиб интизор,яшамоқлик ҳам душвор,
Суҳбатларига дил зор, дўсти ёрни соғинар.

Чиқса бу ғариб жоним,тугарми имтиҳоним?
Менинг руҳи равоним, Бийруборни соғинар.

Муддат бордир ўлимга,муайян манзилимга,
Пок руҳлари йўлимга,интизорни соғинар.

Саҳвий, сабр эт балога,шукр айлагил қазога,
Дил интилиб уқбога,тез борорни соғинар!

Келмади

Ё Раб,мени кутган замон келмади,
Тоқатим бўлди тоқ, ҳамон келмади?!

Ҳали ўзгармади ғамлик ҳаётим,
Ҳали ҳам дардима дармон келмади.

Ҳаётдан безору ҳам беқарорман,
Бир илож қилгудек, имкон келмади.

Умид қилиб кутдим ҳануз кутарман,
Офият, нега биз томон келмади?!

Балога собиру, Қазога рози,
Бўлишлик биз учун, осон келмади.

Ботилни мағлуб ва ҳақиқат ғолиб,
Бир кун,бўлишига гумон келмади!

Саҳвиё, такдирда қисмат битилган,
Кўрмайин кетувчи инсон келмади?!

Дегайлар

Боғбон–изласанг, «бўстонда» дегайлар,
Чўпон–чўлу–»биёбонда» дегайлар.

Десанг; «шоҳу–гадо бўлмас баробар»,
«Баробардир,қабристонда» дегайлар.

Десанг «бу дунёда борми, тинч ҳаёт?
«Тикан ҳам бор гулистонда» дегайлар.

Десанг «барча дилда бўлар муҳаббат»,
«Гул унмагай қаҳратонда»-дегайлар.

Десанг «Ҳақ дўстлари само кезарми»?
«Ҳазрати Исо осмонда»-дегайлар.

Десанг «бу ҳаётда борми ҳақиқат»?
«Ҳақ нозил бўлди,қуръонда» дегайлар.

Десанг «мени гуноҳим кўп нетарман»?
«Умидсизликни шайтонда» дегайлар.

Десанг; “такдир битилгандир азалдан».
«Ихтиёр ҳам бор инсонда»-дегайлар.

Десанг; «ғазал шайдосидирман Саҳвий»,
«Сеҳр ҳам бордир, баёнда»-дегайлар.

Билмассан

Эй, банда ғофилдурсан-ибодатни билмассан,
Билдинг дунёни илмин -ҳидоятни билмассан.

Сенга ғолиб жаҳолат-йўқ имоний ҳаловат,
Тутган йўлинг залолат-ҳаловатни билмассан.

Интиларсан тутмассан-югурарсан етмассан,
Топганинга тўймассан-қаноатни билмассан.

Жаҳолат ичра доим -молу-мансаб дунёдан,
Бахт излайсан ҳақиқий, саодатни билмассан.

Ҳаёт ташвиши битмас-ҳар кун ҳар хил муаммо,
Оёқ остинда турган, фалокатни билмассан.

Оч кўзингни эй инсон-ҳақ йўлига қайт энди,
Сани кутар олдингда, кўп офатни билмассан.

Бошқалардан ибрат ол-ўзингни ҳақ йўлга сол,
Яқиндурким эҳтимол, қиёматни билмассан?!

Гувоҳ бўлғил ё Раббий-етказиб қўйди Саҳвий,
Эй банда кўп ҳикматни, кароматни билмассан!

Умид

Ҳақ ризосидир ҳаётим, ибтидосидан умид,
Ҳар киши қилғай ўзин Роббин ризосидин умид!

Мақсадим ушбу ҳаётдин ҳақ ризосидур фақат,
Банда албатта кутар ўз муддаосидин умид!

Ким оловдан, кимки тошдан, ким қуёшу – ойдан,
Ким қилар Маъбуд, дея нафси-ҳавосидин умид.

Кимки сувдан, кимдир ҳайвон, ким жину Шайтондин,
Ким кутар дардига арвоҳлар шифосидин умид.

Кимдир ўйлар молу дунё, мансаби бўлса, тамом,
Ким қилар фолбин дуохонлар давосидин умид.

Бир фараз айланг, турибди бирга, Шоҳ бирла гадо,
Турсалар халқлар тилаб, ҳожат гадосидин умид!

Бу масал оқил кишиларга етар ибрат учун,
Айлагай Савҳий фақат, ёлғиз Худосидин умид!

Истарам ўлмоқни андоқким, ўлик жон истагай.

(Алишер Навоий.)

Истагай

Тарк этиб энди жасадни, кетмоғин жон истарам,
Ҳақ Таоло неъматига етмоқ имкон истарам.

Раҳмати ҳақ бирла руҳим жаннат ичра сайр этиб,
Бўлмоғини то қиёмат, анда меҳмон, истарам.

Беҳисобу беадад неъмат ичида сарфароз,
Рўзи маҳшарнинг келишин, зору-чандон истарам.

Тарк этиб дунё ҳаёти меҳнату озорини,
Маскан этмоққа дилим, мангу гулистон истарам.

Жам бўлиб қадри баланд, зотлар билан ул боғ аро,
Сайр этиб суҳбат қилурга, қасру айвон истарам.

Жон жасадга жам бўлиб, жаннатга кирсам оқибат,
Меҳрибон роббим юзин кўрмоқни ҳар он истарам.

Бандасига меҳрибондир билки, Роббинг Саҳвиё,
Шу сабабдан балки кўнглим, боқий бўстон истарам?!

Истама

Бевафо дунёда вафо истама,
Айшу ишрат, кайфу сафо истама.

Бу дунёда роҳат фароғат кўзлаб,
Ўз жонинга ўзинг жафо истама.

Ҳақг зикрисиз бўлмас дилинг хотиржам,
Бу дард учун бошқа даво истама.

Яна бу дунёга қўйиб муҳаббат,
Ўз бошингга битмас бало истама.

Гарчи кўнгил истар хотиржам ҳаёт,
Айни ўша катта хато, истама!

Дил мулкига Шайтон бўлар ҳукмрон,
Кейин тугамайди ғавғо, истама!

Дунё истаганлар кўп ўтди Саҳвий,
Улардан ол ибрат, асло истама!

Билмаслар

Ҳаром ҳариш ейдилар, тўйганни ҳам билмаслар,
Қадр қимматига қўл қўйганни ҳам билмаслар.

Нафси тўла ҳукмрон, уни бошқарар Шайтон,
Инсофининг кўзини ўйганни ҳам билмаслар.

Дили тош қотса инсон, бўлар ҳайвондан ёмон,
Қалби қабоҳат билан тўлганни ҳам билмаслар.

Қалбни ўлгани шудир, жасадидан аввалроқ,
Лекин бу ўлик қалблар, ўлганни ҳам билмаслар.

Эси паст, бефаросат, бўлиш бу катта офат,
Ўзининг нафсига қул бўлганни ҳам билмаслар.

Саҳвий, дил ҳам гул каби, парваришдир талаби,
Лекин сўлар гул каби, сўлганни ҳам билмаслар.

Карбалонинг даштини

Сайр этиб кездим ҳаётда кўп балонинг даштини,
Аҳли байт кезган мисоли, Карбалонинг даштини.

Истарам мен офият топмоқ бало даштин кезиб,
Ким топибдир офият, кезмай фанонинг даштини?!

Лек етолмадим ҳануз ҳам, водийи тақвога мен,
Қанча саргардон кезиб, нафсу ҳавонинг даштини.

Сабр водийсига ўтдим, энди истиғно билан,
Тарки лозим ғайри ҳақдин, мосувонинг даштини.

Эй биродарлар, менинг тавҳид шиоримдир фақат,
Азм этдим энди қатъ айлай, ризонинг даштини!

Бу ҳақиқат бирла охир, Ҳаққа етмоқ истагим,
То Навоийдек кезиб назму навонинг даштини.

Илтижо қилмоқ керак Саҳвий, ижобат Тангридан,
Қил таваккул, сайр этиб чиққил маъоний даштини.

Англасанг

Дунё учун одамзод,фидо бўлар англасанг,
Умрим тугаб бир куни, адо бўлар англасанг.

Молу-мулк фарзанд аёл,зийнат экан дунёга,
Шуларни деб, подшоҳлар, гадо бўлар англасанг.

Соғинч азоби ёмон,мехр қўймайди омон,
То ўтгунча ҳаётдан, бало бўлар англасанг.

Тарк айла ўзни буткул,Аллоҳга қил таваккул,
Юрагинг дардига шул, даво бўлар англасанг.

Имоннинг йўли оғир, қон бўлар жигар бағир,
Топсанг ҳосили охир,тақво бўлар англасанг.

Иблисга қул кўп инсон,фарқи йўқ, куфру-имон,
Икки дунё бегумон, расво бўлар англасанг.

Билсангиз шарр ва офат,мўминларга шарофат,
Чунки, роҳи ҳидоят, пайдо бўлар англасанг.

Булар Ҳақ йулни тутти,аҳли дунё унутти,
Ғариб мазлумни дўсти, Аллоҳ бўлар англасанг.

Саҳвиё,қилма гумон,келар сен кутган замон,
Сабр тагинда сариқ, тилло бўлар англасанг.!

Санга

Эй, кўнгил, имон йўлинда етди бу меҳнат санга,
Билки пайдо бўлди имкон,топмагинг раҳмат санга.

Шукр қил Роббинга ушбу ғам учун,озор учун,
Сабр этиб ажрин олишга, етди бу фурсат санга,

Анбиёю-авлиёларнинг йўлидир ушбу йўл,
Бас, бу йўлда келмоғи турли бало, суннат санга.

Шукр айтгил етди бу суннат, зулм, зиндон учун,
Охиратга бўлса бир ҳужжат, улуғ давлат санга!

Кўр ўқиб таърихни, кўр Тангри каломин фикр этиб,
Келди бу майдонда турмоқлик учун навбат санга!.

Куфр ила имон курашгай то Қиёматга қадар,
Қай тарафда колганинг эслаш, улуғ неъмат санга!

Бизга асхоби киромлар, ўтган аждод давридан,
Кўп эрур ҳужжат, далил, олсанг агар ибрат санга.

Сураи ёсин ўқиб кўргил Ҳабиб Ҳажжорни,
Ҳақ йўлини “Ҳақ!” демоққа, етдими журъат санга?!

“Унга айтилди; мукофотинг шуки “жаннатга кир”,
Кошки бўлгай ғамларинг ажри бориб жаннат санга.

Тарк этиб дунёни ўткинчи ҳавас орзуларин,
Бахт шудир, кўрсатса Ҳақ даргоҳида иззат санга!

Балки Роббинг гуноҳингни авф этиб фазли билан,
Берса Солиҳлар сафинда бир мақом қурбат санга.

Куфри имонни аросинда туганмас ихтилоф,
Аҳли имон бўлмагунча бўлмагай нусрат санга.

Чунки, Иблисдан сени Роббинг бўлур ғолиб мудом,
Бор бу ҳолатда агар билсанг улуг Ҳикмат санга!

Дилни қил хотиржам энди, беҳуда қайғуни қўй,
Ўлсанг имон бирла ўлмаклик бўлсин ният санга.

Балки золимлар сабаб етгай шаҳодат неъматини,
Бўлғуси аждоду авлодинга бу ҳужжат санга.

Эй Худое, ато этгил аҳли Исломига нажот,
Бизга илтижо қилиш хосдир, ҳукм Кудрат Санга.

Холиқо ожиз ғарибман, Сенга аҳволим аён,
Мағфират қил гарчи лойиқ қилмадим тоат Санга!

Ота-онам бўлди ё Раб, раҳматинга интизор,
Раҳмат этгил чунки хосдир мағфират раҳмат Санга!

Бирлигинг ҳаққи дуоимни ижобат қил мени,
Ўзга маъбудлик даъво этмак бўлур тухмат Санга!

Саҳвиё килғил таваккул Роббинга, қил дилни шод,
Бил, Унинг тақдиридандир, етса не қисмат санга!

Кўриб

**Оят: “Кимки бу дунё матосини истаб амал қилса, унга шу
дунёда мукофотини берамиз. Унинг учун охиратда
насиба йўқдир!”**

(Шўро сураси, 20 оят).

Ҳақ билур кўнгилдаги фикру-маҳолингни кўриб,
Бергуси ажру жазо, шу ҳатти-қолингни кўриб.

Сен бу дунёни мукофоти учун қилсанг амал,
Баски, “олдим” деб, тушун мансаб ва молингни кўриб.

Ўлгунигча балки кўрмассан ҳаётигча завол,
Охиратдан уз умид, топган камолингни кўриб!

Ҳақ гувоҳдир, охиратдан ҳеч насибанг йўқ сени,
Чунки, ўтдинг барча айшу бемалолингни кўриб.

Охиратни дунёга сотмоқ нечук шармандалик?
Не бўлур ҳолинг, Яратган Зулжалолингни кўриб?!

Ҳақ ризосини бериб топган матоинг англағил,
Бевафо бу молу-мулк, фарзанд аёлингни кўриб!

Сахвиё, шаксиз Худонинг ваъдаси барҳақ эрур,
Ўзи раҳм этгай сени, афтода ҳолингни кўриб!

Хаёлингдан сени

То йироқ тушдим азизам мен жамолингдан сани,
Бўлмади топмоқ хабар имкони ҳолингдан сани.

Доимо сарсон, ғариблик даштида оввораман?,
Ўтди ойу-йилларим фикру-хаёлингдан сани.

Борми эй, дунё бирор кимсаки сен қилган вафо?
Фарқи йўқдир ҳеч камолотинг, заволингдан сани?

Эй кўнгил, тақдир экан шу, ўтди фурсат бўлди кеч,
Энди не фойда, бу қилган оху-зорингдан сани?!

Хотира, армон овунчоғим фироғинг шомида,
Эсласам хуш хотирим, дунёда борингдан сани.

Кўнгил боғида хазон бўлган, умидим гуллари,
Қисмат ўзгармас экан, азму қарорингдан сани.

Сахвиё, сан бунча бахтим шўр» дебон, қайғурма кўп,
Чунки, бу ишлар эмасди, ихтиёрингдан сани!

Навоий 2003 йил

Зикри Худонинг қадрини

Юрмаган зулмат аро, билмас зиёнинг қадрини,
Билмагай жоҳил одамлар, авлиёнинг қадрини.

Бўлди инсонга шараф, ростлик ила меҳру-вафо,
Бефаросат билмагай меҳру-вафонинг қадрини.

Бўлмаса эрда ғурур, бўлмас аёлида ҳаё,
Беҳаёлар билмагай, шарму-ҳаёнинг қадрини.

Масал бордирким; «касал бўлган одам бўлғай табиб»,
Токи дард чекмай туриб, билмас шифонинг қадрини.

Дарди-ғам меҳнат-машаққат тортмаса инсон агар,
Қайда билсин тинч-ҳаёт, кайфу-сафонинг қадрини?!

Одамизод билмагай, Оламда бўлмасдан жудо,
Ҳеч бирор неъматни, бир ютган ҳавонинг қадрини.

Зору-саргардон юриб, кўрмаганлар билмагай,
Ота-Она-дўсти-ёр, хеш-ақрабонинг қадрини.

Саҳвиё Роббинга-тоат, айламансан субҳу-шом,
Билмадинг ҳеч, лаззати зикри-Худонинг қадрини!

Оҳанграбоси борми?

Гўзалларни, билмайман, оҳанграбоси борми?!
Дилларни ром айлайди, ё бир балоси борми?!

Мафтун этиб бу кўзлар, куйдиради боққанни,
Шунчалар ҳам бу кўзлар, меҳригиёси борми?!

Деманг, «Фарходу Ширин»,» Лайли Мажнун» достонин,
Муҳаббат афсонасин ҳеч интиҳоси борми?!!

Шоир қалам қоғози ожиз, баён этишдан,
Айтинглар бу туйғуни, шарҳин адоси борми?!

Интизор дилни ҳардам, куйдирса дарди ҳижрон,
Висолидан ўзга бу, дардни давоси борми?!

Қанчадан қанча мағрур, бошлар эгилди охир,
Бу йўлда фарқи йўқдир, Шоху-Гадоси борми?!

Ҳижронда ўтди умри, дўстлар Саҳвийни айтинг,
Шу жазога лойиқ бир, қилган хатоси борми?!

Диннинг камоли бўлса

Не саодат, ҳар кимни жуфти ҳалоли бўлса?
Итоатли, муслима, шарму ҳаёли бўлса?!

Маъноли боқса доим, ақл берган Худойим,
Ширин сўзли мулойим, нозик иболи бўлса!

Жилмайиб кулганида,гулдек очилганида,
Хусн қўшар ҳуснига, лабларда холи бўлса.

Бўлса мушфиқ, меҳрибон,дилингда қолмас армон,
Ет қадрига, шул жонон, диннинг камоли бўлса?!!

Ўйланиб юрма ўртоқ,қилгил ўзингдан узоқ,
Ўтганинг яхши бўйдоқ, умринг заволи бўлса?!

Ҳақ амрин айлар канда, эрни қилар шарманда,
«Кирмас жаннатга банда,кибру ҳаволи бўлса»!!

Дўстлар ўқиб бу шеърни,айб айламанг Саҳвийни,
Шундай гўзал «пари»ни,топмоқ ҳаёли бўлса!

Товоқсой

Ғазал бўстонида

Истадим сайр айламоқни мен ғазал бўстонида,
Кулмангиз, «не бор санга?» деб, Мир Алишер ёнида?!

(Эркин Воҳидов)

Мен «ғазал боғин» кезиб кўрдим, уни боғбони ким?
Ким Сипоҳи, ким эшикбон,қасрида посбони ким?!

Ким бу боғни салтанат қасрида хизматкор эрур?,
Лашкари ким, Беклари ким,тахтининг Султони ким?!

Шеърятдан бохабар бўлган киши, таслим бўлур,
Ўқиганда гар Навоийнинг ғазал достониким!

Шубҳа қилмаслар бу кунда, Шоири Туркий Забон,
Беш асрким, Назми Турон Мулкини Ҳоқони ким?!

Асли бўлгандир каромат Тангридан бу истеъдод
Чунки, фатҳ айларди, бўлса ҳар киши имкони ким!!

Кўр Навоийни тасаввуру «Хаёл Осмони»ни,
Олдида паст бўлди гўё, бу Жаҳон Осмониким!

Саҳвиё, сен бу ғазал бўстонини қилма ҳавас,
Истеъдодинг йўқ, қабул этмас ғазал бўстониким?!

Хайр

Зулм йўлини тутган кимсаларга берилиб кетманглар (эргашманглар). Акс ҳолда сизларга дўзах ўти етар. Сизлар учун Аллоҳдан ўзга бирон дўст йўқдир. Кейин сизларга ёрдам берилмас.

(Худ сураси 112 оят)

Ким кўрибди тожу-тахтга мубталолардан хайр?
Мол била мансабга қул, рўйи сиёлардан хайр?!

Дин била имонни қадри шунчалар арзонмиди?
Нега мўминлар кутар, казо-казолардан хайр?!

Қилмангиз «Золим нажас»лар ҳаққига хайри дуо,
Икки дунё топмағайсиз, бу дуолардан хайр!

Боғламанг дилни, буларни салтанат амволига,
Кўрмағайсиз, ҳеч бу дарди бедаволардан хайр!

Кўп Улуғ Зотлар ҳаётдан ўтди, ғам ҳасрат чекиб,
Сабр айлаб топдилар, офат-балолардан хайр!

Ёлғиз Аллоҳга таваккул айлаган «подшоҳ»эрур,
Билки, «подшоҳ»истамас, ҳаргиз «гадо»лардан хайр!

Ибрат олмоққа кифоядир Набийлар қиссаси,
Кутмангиз Ҳақни қўйиб,ботил «худо»лардан хайр!!

Сахвиё,Ҳаққа таваккул айла, тарк эт барчани,
Кутма ҳеч, кўнгли тўла «кибру-ҳаво»лардан хайр!

Манга

Етди бу имон йўлида, кўп балолардан манга,
Асли бу мерос етиб келган, Боболардан манга.

Чунки, бу йўл анбиёлар, авлиёлар йўлидир,
Келди шу зотларга келган, кўп жафолардан манга.

Давр ўтар,инсон ўтар,имон ўша, инсон ўша,
Куфр ҳам келган, узоқ даври аролардан манга.

То қиёмат куфру-имон, ихтилоф этгай мудом,
Қолди ибрат, Ҳақ йўлида, жон фидолардан манга!

Айланиб даврон, бугун мен бу синов майдонида,
Ҳақ ризосига эришмоқ муддаолардан манга!

Сабр бер, собитқадам қил, ўткар имоним омон,
Ўлмак афзал,хорлигу, тухмат жазолардан манга.

Бандаман рози қазога,келса нусрат йўқ ажаб,
Сабр этиб,шукр ила қилган, илтижолардан, манга.

Умид айлаб раҳматинг, Саҳвий қилур, ё Раб, нидо,
Офият бер, бу туганмас, можаролардан манга!

Бўлмасин

Мен каби оламда ҳеч ким, зору-ҳайрон бўлмасин,
Топмайин дил мақсадин,хотир паришон бўлмасин.

Дарди-фирокин чекиб,юрмоққа тоқат қолмади,
Бўлса ҳам турли балолар, дарди-ҳижрон бўлмасин!

Олам ичра ҳеч мусулмон банда,туҳматлар билан,
Беайб озор чекиб, ҳам банди зиндон бўлмасин.

Дўсти ёридан-диёридан,жудо бўлгач яна,
Фитналарга дуч бўлиб, мосивои имон бўлмасин.

«Мусулмонмиз»деб, мусулмонларга қилганлар зулм,
Ўтгай имонсиз бўлиб, ҳаргиз мусулмон бўлмасин!

Дўстлар имонни саломат сақламок осон эмас,
Эътиқод-имон даъво, қилганда ёлғон бўлмасин!

Мен азал қисмат билан,кўрдим неки етган бало,
Дўстларим ҳайрону, душман шоду, хандон бўлмасин.

Истамоққа тоқатим йўқ, дилга малҳам бас, етар,
Бўлмаса,бу бедаво дардимга дармон,бўлмасин!!

Айбу-нуқсонига армон,айлагай Саҳвий бугун,
Борми бир инсон , хатосидан пушаймон бўлмасин?!

Муҳаббат Туйғуси

Во ажаб, нима бу ишқу-муҳаббат,
Нега юрагинг титрайди, бўзлайди?!

Сеҳрми ё жоду,нечук синоат?
Дилни қиймалайди, гўё тузлайди!

Дардлидир илинжи, дардлидир туйғу,
Бу ҳисдан бенасиб, юрак музлайди.

Ажибдир азобу, ширин бир қайғу,
Дилни ўзи, бу туйғуни излайди.

Бу туйғу дилимни, қаърида пинҳон,
Уни авайлайди, доим сизлайди.

Руҳим беихтиёр асири унинг,
Изтиробидан, гоҳ унсиз йиғлайди.

Юракни ғамлари кўзда намоён,
Дардин кўзгу каби, тилсиз сўзлайди.

Қаъридан дур каби, ёшлар оқизиб,
Ўзига бир юпанч, ором кўзлайди.

Нималигин ҳали англаёлмадим,
Мени азоблайди фақат, тиғлайди.

Муҳаббат туйғуси нималигига,
Инсоният, ҳануз жавоб излайди.

Англамас

Одам эрмас ким яшаб турган, жаҳонин англамас,
Умр мазмунин, ҳаётнинг имтиҳонин англамас.

Бир тафаккур айламак, лозим ахир инсон учун,
Йўқ ажаб, ҳайвон агар, одам забонин англамас!

Бефаросатлар куфр водийсида сарсон эрур,
У ҳаётида йўлин, манзил-маконин англамас.

Бемурувват бемехр, бегонадан не фарқи бор?
Дўст эмаслар, бир-бирин сирри-ниҳонин англамас.

Оқил одамларнинг иши, доимо ҳикматлидир,
Чунки, нодон сўз ва иш вақтин,замонин англамас!

Шунча йил умр ўтказиб, оламда бу ақлим мени,
Одамизоднинг ҳануз, яхши-ёмонин англамас.

Саҳвиё, билким шуаро аҳлининг тақвоси йўқ,
Ўзига ҳар шеъридан, етган зиёнин англамас.

Товоқсой

Жудо

Ё Раб, ўлғон чоғда жоним,жисми вайрондан жудо,
Ул бўлиб мундин жудо,Сен бўлмағил ондин жудо!

(А.Навоий)

Қанча жонлар бўлдилар,бу жисми вайрондан жудо?
Бўлғуси хоки туроб, бўлгач жасад жондан жудо!

Жаннат ичра сайр этар,энди қиёмат кунгача,
Жон қушиким бўлмаган бўлса, гар имондан жудо!
Ҳам жасад барзах ҳаётинда, Худо фазли билан,
Эътиқод шу,бўлмагайлар, лутфу эҳсондан жудо!

Руҳи поклар шод бўлиб, кезгай беҳишт бўстонини,
Чунки, бўлгайлар бу дунё, номли зиндондан жудо!

Энди Аллоҳ дўстларига, йўқ эрур хавфу хатар,
Билки бўлгандир улар, қайғу ва армондан жудо!

Қиёмат кун жон жасадга қўшилиб киргай яна,
Ўзга бўлмаслар бу мангу, боғи-бўстондан жудо!

Аҳли жаннатларга махсусдир ризою-рахмати,
Этмагил Саҳвийни ҳам,ё Раб шу имкондан жудо!

Рубойлар

1.
Исломда миллат йўқ, ватандошлик ҳам,
Ошна-оғайнилик, қариндошлик ҳам,
Иймони бўлмаса фойда бермайди,
Пайғамбарлар билан қон-қардошлик ҳам.

2
Ислом улуғ қилди аёл зотини,
Жазолади бадном қилсанг отини.
Аёл фазилати эрга боғлиқмас,
Қаранг, ким бўлгандир фиръавн хотини?!

3
Ахлоқий туйғулар қадри йўқолди,
Ўрнин беҳаёлик эгаллаб олди.
Ажиб бир фитналар бўлди намоён,
Қиёмат деярли, келиб ҳам қолди.

4
Ислом кифоядур, амал қилишга
Ахлоқ пойдеворин тамал қилишга.
Пайғамбар деганлар, “жўнатилганман,
Яхши ахлоқни, мукамал қилишга”.

5
Аждодлар иззати, исломда бўлди,
Инсон фазилати исломда бўлди.
Одамлар йўл излаб, ҳануз оввора
Ҳаёт ҳақиқати, исломда бўлди.

6

Кимдир йиғлаш керак, ким кулмоқ учун,
Ақлим етмас, бу сирни билмоқ учун.
Одамларни қамаб, қатл қиларлар
Кимларгадир “яхшилик” қилмоқ учун.

7

Кўп аёлнинг бўлар шундай хаёли,
Бир улуғ зот бўлса, жуфти-ҳалоли.
Иймон, амал топилмаса на фойда?,
Ҳалок бўлди, пайғамбарлар аёли!

8

Дунёга интилсанг, охират барбод,
Охиратни тутсанг, дунё қилур дод.
Иккала дунёни истамак, Хато,
Икови баробар бўлмайди обод.

9

Аёл зоти бўлса гўзал, хушқомат,
Имонинга фитна солар, аломат.
Зулайҳо макрига, мойил бўлганди
Юсуфни Аллоҳ асради, саломат.

10

Барчани яратган ёлғиз Худодир,
Истеъдод ҳар кимга, Ҳақдин атодир.
Бировни айблаш, ерга уришлик
Мутакаббирликдир, улкан хатодир.

11

Дунё муаммосин, пул ҳал қилади,
Қилмаса кўпрок бер, бу гал қилади.
Шунда ҳал бўлмаса муаммоларинг,
Яна кўпайтирган маҳал, қилади.

12

Қуръон зикр қилган жаннат аёлин
Шаҳло кўзлар...Боқсанг олар хаёлинг.
Шоирлар ҳам ёзар, кўз ҳақида шеър
Кўз ажратар экан, аёл жамолин.

13

Аёллар жаннатнинг неъматин, экан
Бу дунёнинг ташвиш-меҳнати экан.
Дунё меҳнат, жаннат роҳат макони,
Бу ҳам Яратганнинг ҳикмати экан.

14

Тарихдан олишлик керакдир таълим,
Яхшими-ёмонми, тарих-муаллим.
Ўқиб хулоса қил, тўғри ибрат ол,
Кейин не қилишлик, ўзинга маълум.

15

Ҳар кимни ўз йўли, ақидаси бор,
Бири-бирин йўлин қилади инкор.
Ким қучлироқ бўлса шуники тўғри,
Заифлар бўйсуниб туради, ночор.

16

Аёллар ҳақида кўп ривоят бор,
Макру-ҳийласига кўп ҳикоят бор.
Ҳаётдан далил кўп, лекин Қуръонда
"Макрингиз улуғдир", деган оят бор.

17

Бу яратилишнинг қондасидур,
Аёллар, одамзод волидасидур.
"Осия, Хадича, Фотима, Марям,
Олам аёлларин, саййидасидур".

18

Ҳуқуқ ҳомийсига тўлгандир олам,
Инсон ҳуқуқидан жар солар, ҳар дам.
Халқлар ҳеч ҳуқуқда, баробар эмас,
Барибир, ҳуқуқда тенг эмас одам.

19

Аёл бўлса шарму-ҳаёси бўлсин,
Итоати, меҳру-вафоси бўлсин.
Жасад ва руҳ гўзаллиги, омухта,
Дилни тортар, меҳригиёси бўлсин!

20

Кўз бўлмаса, қаралмаган бўларди,
Қувончу ғам, таралмаган бўларди.
Одам Ато яшай олса аёлсиз,
Момо Ҳаво яралмаган бўларди.

21

Оғир экан синов, иймон йўлинда,
Омад гўё бугун, шайтон йўлинда.
Доим шундай бўлган, тарихларда ҳам,
Ғолиблик барибир, Раҳмон йўлинда.

22

Тақдиримиз, лавҳга битиб қўйилган,
Лекин биздан, пинҳон тутиб қўйилган.
Битикдан бошқача бўлмайди асло,
Гарчи ҳаёт, синов этиб қўйилган.

23

Дунеда халқ кўпдир, Юрт кўп, давлат кўп,
Турли йўлга, динга ундар, даъват кўп.
Ҳамма даъво қилар, ўзини ҳақ деб,
Ҳақ эса биттадир, лекин зулмат кўп.

24

Топганим ҳеч эҳтиёжга етмайди,
Дилдан дунёни ташвиши кетмайди.

Доим муҳтожликда яшаш ҳам оғир,
Ўлмагунча муаммолар битмайди.

25

Даҳрийлар рад этди Қодир Эгамни,
"Маймундан тарқалган" деди, одамни.
Ўз-ўзидан, пайдо бўлиб қолибди,
Ҳеч ким яратмаган экан оламни?!

26

Яҳудлар дилида бор, мараз – иллат,
Ўзларини санар, энг олий миллат.
Рад қилишар ҳатто, "Инжил", "Қуръон"ни,
Уларники эмиш гўёки, жаннат.

27

Насоролар улуғ хато қилдилар,
Ҳазрати Исони "Худо" қилдилар.
Ҳақ китобни бузиб, қайтадан ёзиб,
Барчани иймондан, жудо қилдилар.

28

Бутпарастлар кўпдир, қадим-қадимдан,
Маъбудлари турли, қавм-қавмдан.
Ё ойга, ё қуёш, ё юлдузларга,
Ким ҳайвон, ё тошга, сиғинар зимдан.

29

Қуръон нури тушса, зулмат чекинар,
Ҳаққа ботил дуч келганда, бекинар.
Барин адоватлари бор, исломга,
Доим фитна қилишидан билинар.

30

Тенг эмасдир зулмат, зиё билан ҳеч.
Тенг эмас кўрувчи, – аъмо билан ҳеч.
Тенг эмас жоҳиллар, билувчи билан,
Тенг эмас фисқ-фужур, тақво билан ҳеч!

31

Соғинаман, азиз дадажонимни,
Ҳаётимдан азиз, меҳрибонимни.
Мумкин бўлса эди, эваз беришлик,
Бағишлардим дадам учун, жонимни.

32

Мен кўп йил ётганман, ҳибсхонада,
Қамаш учун, топилди баҳонада.
Нима қилай яна, ҳибсда бандман.
Тинч яшаб бўлмади бу замонада.

33

Саддам подшоҳ эди, гадо бўлдику,
Охир жонидан ҳам, жудо бўлдику.
Давлатига мағрур бўлган, золимлар.
Ҳали шу дунёда адо бўлдику.

34

Навоийнинг юрти, Афғонистондир,
Ўша пайтдаги номи Хуросондир.
Уни эъзоз қилиб Маъвороуннаҳр,
"Бобомиз" дер, номи Ўзбекистондир.

35

Ҳайкал қўйиш, ҳозир ҳурмат белгиси,
Гуёки бир, қадр-қиммат белгиси.
Асли мушриклардан қолган, одат бу,
Мусулмонларга, жаҳолат белгиси.

36

Золим шоҳ тирикдир, яшар иззатда,
Сабаби халқ, ваҳимада, даҳшатда.
Ўлгач бошланади, ҳар ёкда қий-чув,
Мақтаганлар, сўкиб бошлар албатта.

37

Ўзбек шоирлари бўлиб жуировоз
Ҳазрат Навоийни, қилурлар эъзоз.
Унинг меросига даъво қилишга,
Уятиш керакди, аслида бир оз.

38

Ҳали юраклардан алам кетмади,
Калтаклардан қолган, ярам кетмади.
Дилимда яна шу балоларга мен,
Мубтало бўлишдек, бир ғам кетмади.

39

Ҳамма бир овоздан деса- "доносиз,
Ниҳоятда буюк даҳо, танҳосиз".
Подшо ҳам ишониб қолса, ажабмас,
Шундай зотлигига – бўлса Худосиз.

40

Қари шоҳдан давлат кетдими дейман,
Навбат қизларига, етдими дейман.
Охир-оқибат бу Ўзбекистонда,
Эркак зоти қуриб, битдими дейман.

41

Бу кунлар ҳам, тарих бўлиб қоладир,
Билмайман, ким қандай ибрат оладир?!
Золим шоҳ лаънатга қолди, бегумон,
Асли чин айбдор Таня холадир?!

42

Қаранглар бу кунги? эркак зотига,
Лойиқ эмасдирлар? эркак отига.
Эрлари эркаклик қилолмаган сўнг?
Аёллар мустақил, ўз ҳаётига.

43

Халқимиз аҳволи хароб бўлдику,
Орзу-умидлари, сароб бўлдику.
Халқ сайлаган подшо, зулм этса халққа,
Бу азоб устига, азоб бўлди-ку?!

44

“Халқ сайлаган” деган, сўз бўлди удум,
Халқ номидан, халққа ўқилар ҳукм.
Золим ҳам, мазлум ҳам, халқ бўлса агар?,
Ҳеч тушунолмадим – “халқ”, бу ўзи ким?!

45

Бизда бор, “қаҳрамон” деган, бир нишон,
Ҳар йили топилар, беш-ўн қаҳрамон.
Халқни қай оғирин, енгил қилдилар?
Бу “қаҳрамонлар”?! Биз билмаймиз ҳайрон!

46

Дўстлар, бу ажойиб бир замон бўлди,
Мусулмонлар холи, кўп ёмон бўлди.
Қанчаси қамалди, қанчаси қочди,
Равшан бўлди, кимлар,-ким томон бўлди?!

47

Замон маддоҳлари, ёзувчи, – шоир,
Ёки машҳур юлдуз, ё шунга доир.
Мақтовпараст шоҳга, маддоҳлик қилиб,
Бахтли ҳаёт завқин, хўп сураётир.

48

Қаранглар қандай, фитналик замонга,
На офатлар тушди, Ўзбекистонга?!
Мусулмонлар, мусулмонлардан қочиб,
Ҳижрат қилди бугун, кофиристонга!

49

Тожу-тахт, мафтункор бўлсада чунон,
Аллоҳни наздида, йўқ қадри чандон.
Пашша қанотича қадри бўлганда,
Унга эришмасди, Фиръавну – Ҳомон.

50

Пасткашлар эришиб қолса, давлатга,
Мубтало бўларкан, ажиб иллатга.
Бу иллат тузалмас, бедаво экан,
Номи шуҳратпараст, тўймас шуҳратга.

51

Кўз оч бўлса, дунё билан тўймайди,
Қалб кўр бўлса, меҳр ҳиссин тўймайди.
Давлатига ғурурланар нодонлар,
“Аллоҳ мутакаббирларни сўймайди”!

52

Ўйлама, осмонда ой бўлолмайсан,
Сен дарёларни қўй, сой бўлолмайсан.

Қаноат йўқ бўлса, дилингда агар,
Эй, банда, ҳеч қачон бой бўлолмайсан!

53

Қўп одамлар ётар, ҳибсда чандон,
Қўп одам нон излаб, оввора сарсон.
Нега бундай, дея, сўраш мумкинмас,
Хафа бўлар, агар эшитса султон.

54

“Чарақлади”, мустақиллик қуёши,
Куйлаймиз – “донодир, бизнинг юртбоши”.
Сабр қилиб, ўн етти йил куйлабмиз,
Куйлаймиз, етганча элнинг бардоши.

55

Аксар шеърларимни ёздим, зиндонда,
Бу ҳам бизга берилган, бир имконда.
Озодликда шеър ёзишга вақтим йўқ,
Ўйу-фикрим фақат, бир парча нонда.

56

Керак эмас эди, курсинг бизларга,
Қолаверсин мерос бўлиб, қизларга.
Бизга зулм қилмай, тинч қўйсангиз бас,
Молу-мансаб қолаверсин сизларга.

57

Билинг, бизлар юртни бузмоқчимасмиз,
Бошқача бир давлат қурмоқчимасмиз.
Асбобсиз яроқсиз, тошқин дарёни,
Оқимиға қарши, сузмоқчимасмиз.

58

Тухмат қилинг, ақл бовар қилгудек,
Гўёки эҳтимол қилса бўлгудек.
Тухматни ҳам эплаб қила олмайсиз,
Эшитганлар ахир, кулса кулгудек.

59

Яна бугун, банди зиндон бўлдим ман,
Айбим фақат шу, -мусулмон бўлдим ман.
Бу қисматни алишмасман ҳеч қачон,
Сеникига, ҳарчанд “ёмон” бўлдим ман.

60

Серкуёш... Куйладик қорда-бўронда,
Барчамиз жўр бўлиб шовқин-суронда.
Зўрлаб куйлатишди, қуёш ҳақида,
Совуқ-зулмат ичра, Ўзбекистонда.

61

Ўлсанг, зулминг камроқ бўлар, эҳтимол?,
Сенга ҳам яхшироқ бўлар, эҳтимол?!
Ўлмай, узоқ давом этсанг зулмда,
Азобинг каттароқ бўлар, эҳтимол?!

62

Сан хоҳламасанг ҳам, ўласан бир кун,
Қаро ер билан тенг, бўласан бир кун.
Миллионлаб одамлар хотирасида,
Малъун, золим бўлиб, қоласан бир кун.

63

Қиёмат бўлади аниқ, бегумон,
Тирилади барча, яхшию – ёмон.
Сўроқ – ҳисоб бўлар, Ҳақ даргоҳида,
Кимнинг ким экани, бўлар намоён!

64

Ҳайфдир санга исм, ҳайф сани номинг,
Ўткинчидур барча, шуҳрату-шонинг.
Куфр тимсолидур, руҳинг-вужудинг,
Мангу азоб ичра, қийналсин жонинг!

65

Даврингни сур, кейин имкон топмассан,
Азоб бўлар, ҳаргиз омон топмассан.
Ажалинг етгунча, тушма тахтингдан,
Шунда тавба қилиб, иймон топмассан!

66

Зулматлар зиддига, зиё яралган,
Мутаносибдур, – беҳато яралган.
Ёвузларга лойиқ жойдир жаҳаннам,
Яхшиларга, улуғ маъво яралган.

67

Бировлар парча нон топсалар ризо,
Кимгадир, миллионлар кам эрур гўё?
Кимлардур бадавлат, ким яшар ночор?,
Қисматда баробар қилмади Худо!

68

Кичик миллат, катта миллатга тандир,
Гарчи истиқомат, битта ватандир.
Мустақил яшашга улар ҳақлимас,
Лекин “ҳақ-ҳуқуқда тенг”, дейилгандир.

69

БМТ – дунёвий ташкилот, қаранг,
Дунё ташвишида, бошлари гаранг.
Унга аъзолар ҳам, баробар эмас,
Бировлар зўр, биров кун кўрар аранг.

70

Барча халқда бордир, турли урф-одат,
Кўпи исломга зид, бидъат хурофот.
Жоҳиллар, мустаҳкам ушлар буларни,
Улардан кутавер кейин, ҳар офат!

71

Фитрат яралгандир нафсониятдан,
Акси омуктадир, руҳониятдан.

Гуноҳу-савобга илҳомланар нафс,
Бас, ҳар-на кутавер, инсониятдан!

72

Ўйлаб, шукр айтаман қодир Худога,
Умр белгиланган, шоҳу-гадога.
Ажалга топганда бир чора агар,
Тил айланмас эди, ҳеч алвидога.

73

Ташкилотлар кўп экан, бениҳоя,
Инсон ҳуқуқини, қилар ҳимоя.
"Ҳуқуқбузар" деган, муассаса йўқ,
Ҳуқуқбузувчилар қилар кифоя.

74

То қиёматгача, айланар замон,
Яхшилар бўлади, бўлади ёмон.
Лекин бу дунёда ҳаёт тугайди,
Боқий ҳаёт сари, бўламиз равон.

75

Қабрда ҳам, савол – жавоб бўлади,
Ҳар бандага лойиқ, хитоб бўлади.
Мўминми ё кофир, яхши-ми ёмон...?,
Шунга қараб, роҳат – азоб бўлади.!

78

Барча тирилади, бўлса қиёмат,
У кунда бефойда, афсус- надомат.
Аллоҳ Ўзи, ҳисоб қилар бандани,
Ўзи асраганлар, қолар саломат.

77

Қиёмат хабари келган Қуръонда,
Мўмин киши бўлмас, шак ва гумонда.
Тарозида тортилади амаллар,
Ким оғир, ким енгил келар мезонда?,

78

Сўралади инсон, гуноҳ – савоби,
Кимга осон, кимга оғир жавоби?!
Ёки ўнг тарафдан, ё орқасидан,
Берилар амаллар битик китоби.

79

Дадам кетди, дилда соғинч ғам қолди,
Хотирамда армон, кўп алам қолди.
Энг азиз инсондан айрилдим, энди,
Ҳажри ўртайдиган ғамим, кам қолди.

80

Ғам шомиди ёқди ҳижрон, – йиғладим.
Кўнгил вайрон бўлиб, гирён йиғладим.
Дил оловин, кўз ёшларим ўчирсин,
Дебон, нола чекиб, афғон йиғладим.

81

Дунё асли, ғам чекишга арзимас,
Мутлақо, мотам чекишга арзимас.
Азалдан маълумдир, фоний дунё бу,
Охири бир дам, чекишга арзимас.

82

Яратган Маъбудим, ёлғиз Аллоҳдир,
Ўзи аҳволимдан, буткул огоҳдир.
Ўзига таваккул қилдим, суяндим,
Таслимман, ҳукмига хоҳу ноҳодир.

83

Кун-ойлар кетма-кет, ўтиб турибди,
Тақдирда ҳали не, кутиб турибди?
Қисматимда битилгандир азалда,
Шунинг учун, булар тутиб турибди.

84

Қиёмат кун, кимлар кулиб туради?,
Юзларидан, нур таралиб туради.
Кимлар, юзи қаро бўлар у кунда?,
Кимлиги юзидан, билиниб туради!

85

Роббимга дилимдан, дуо айларман,
Раҳм айлагил дея, нидо айларман.
Мени, ота-онам, ва мўминларни,
Мағфират қил деб, илтижо айларман.

86

Қиёмат кун бўлар, адолат ошкор,
Ҳал бўлади барча нарсa, ҳарна бор?.
Заррача, яхшими – ёмонми амал,
Унутилиб қолмайди, безътибор!

87

Не қилай ё Роббим, ожиз бандаман,
Қилмадим ҳеч, ёмонликни кандаман.
Раҳм айлаб, нажот бергил ё Раҳмон,
Йўқса икки дунёда, шармандаман.

88

Ким жаннатга кирар, Ҳақ раҳматила?,
Ким азобга кирар, Ҳақ лаънатила?.
Мангудир саодат, мангудир азоб,
У дунё боқийдир, Ҳақ Қудратила.

89

Тор хонада ёлғиз Ҳақ, йўлдошимдур,
Ҳақ каломи менинг, қайғудошимдур.
Тиловат қиламан, гоҳ шеър ёзаман,
Шулар дилда, ой билан қуёшимдур.

90

Панжара ортидан кўринар ўрмон,
Кўринади, қора булутли осмон.
"Қуёш ҳам чиқсайди" дейман, чарақлаб,
Нур сочиб, оламни айлаб чароғон.

91

Соғиндим юртимнинг саҳроларини,
Чўлу – далалари, дарёларини.
Лекин боролмайман, ноилождирман,
Қаранг бу дунёни савдоларини?!

92

Бугун никоҳ тўйинг, бўлсин укажон,
Қилган орзу ўйинг, бўлсин! укажон.
Ўғил кўрсанг, ақиқада сўйишга,
Икки семиз қўйинг бўлсин, укажон!

93

Ажиб махлуқ бўлиб, яралган инсон,
Вужуди зоҳиру, руҳият пинҳон.
"Кўз қалбнинг ойнаси", деган, мақол бор,
Дилдаги кўзингда, бўлур намоён!

94

Ҳаётда кўп бўлар, турли инқилоб,
Турлича шиорлар, турли хил хитоб.
Эзгулик номидан тўкадилар қон.
Жамият бузулиб, бўлади хароб.

95

Ё Раб, тилагим қил раво, сўрарман,
Онамни дардига даво, сўрарман.
Қудратинг чексиздир, сенга осондир,
Раҳм айла деб, мен бенаво сўрарман!

96

Назмга кирганман, салаф йўлидан,
Бошладим Навоий ва Фузулийдан.
Хато бўлмас, десам олганман таълим.
Сўфиоллёр, Махтимқулидан!

97

Шеър малҳами дилга, давоий бўлди,
Назмда устозим, Навоий бўлди.
Рубоийлар битдим, Умар Хайёмдек,
Тахаллусим Саҳвий, "Хатой" бўлди!

98

Ҳали-ҳали, ўша замон турибди,
Ҳали ўзгармади, ҳамон турибди.
Ўзининг даврини келишин кутиб,
Дардли юракларда, иймон турибди.

99

Шеър-достон битдим дўстлар, ғам билан,
Беихтиёр, кўзларимда нам билан.

Ўқиганлар ғам чекмасин, ҳеч қачон,
Менга қолсин, барча ғам, мотам билан.

100

Ажалинг ҳам бир кун, етар Саҳвиё.
Дунёдан насибанг, битар Саҳвиё.
Имону амалинг, йўлдошинг бўлғай,
Бошка нарсанг қолиб, кетар Саҳвиё!.

101

Ислом менинг диним,–шариатим шу,
Ушланг динни, сизга васиятим шу.
Кўп хатолар ўтди мендан,–начора?,
Менинг хилқатим шу,–табиатим шу!

102

Рухим,–нафсим эътирози бўл энди,
Бу ботилни, инқироzi бўл энди.
Таваккул қилғилу, жидду-жаҳд айла,
Кейин нима бўлса, рози бўл энди!

103

Хаёлимда армон бўлиб, қолиб кетгансан,
Дилимга ўз суратингни, солиб кетгансан.
Мен дилимни покламокчи, бўлганда билдим,
Юрагимни, Ўзинг билан олиб кетгансан.

104

Гарчи мени, зиндонга банд айлади,
Кўп неъматлар бериб, хурсанд айлади.
Беҳад шукр айтаман Роббимга чунки,
Мени мусулмонга фарзанд, айлади.

105

Эй дўст, бу дунё асли кўп низолик,
Сабр эт,-ҳарна келса, азал қазолик.
Жаннат вожиб бўлур, деган, ҳадис бор,
Ота-онадан, ким олса ризолик?!

106

Яхши одамни ҳам ёмон феъли бор,
Ёмонлар ҳам қилар, яхшилик бисёр!
Яхшилар ҳамиша қилмас, яхшилик,
Ёмонлар ҳамиша ёмонлик,–эй ёр!

107

Имонлилар киму, имонсизлар ким,
Илмлилар киму, илмсизлар ким?!
Ҳеч бирин фарқини, билолмадим мен,
Гўзал деган, киму, кўримсизлар ким?!

108

Ўрмалаган зотни, ризқи Худодан,
Англа буни, қуръон қилган нидодан!
Ризқ учун ғам чекиш, шайтон фитнаси,
Сўранг қанча, ҳаловатдан жудодан?!

109

Севинма, дунёни келганига ҳам,
Ғамгин ҳам бўлмағил, кетганига ҳам.
Кетгани арзимас, ғам чекишликга,
Севинмоқлик, қўлга кирганига ҳам.

100

Мўминлар иззати улуғ малакдан,
Барча махлуқотдан, ҳатто фалакдан.
Мўминлар ҳурмати, каъбадан улуғ,
Буни билдим, қуръон берган даракдан.

101

Аввал фикри дилингни, пок айлагил,
Кейин сўзу, тилингни пок айлагил.
Буюрилган каби, истиқомат қил,
Ҳамиша халқумингни пок айлагил!

102

Мардлик шу, нафсингни синдирмоқ керак,
Дилдаги ғашликни, ўчирмоқ керак.
Узр сўрагани, ҳамма кечирар,
Сўрамагани ҳам, кечирмоқ керак.

103

Ота-Онанинг ҳам, ғазаб қаҳри бор,
Лекин қаҳр зимнида ҳам, меҳри бор.
Ҳарна қилса муҳаббати намоён,
Ипсиз боғлар оёқ қўлинг, сеҳри бор.

104

Ҳажрингда ўртама бисёр, бас энди,
Етар шунча чеккан озор, бас энди.
Тоқатим қолмади машаққатларга,
Бунча бераҳмсан эй ёр, бас энди!

105

Тақво хавф этмоқдир,–тақво бу қўрқув,
Тақво Ҳаққа бўлган муҳаббат, туйғу.
Ҳарому-шубҳадан тийилмоқ, тақво,
Тақво,–охират –деб, чекилган қайғу.

106

Кибр, гуноҳларни аввали бўлди,
Иблис шу сабаб жаннатдан қувилди.
Дунёни бошидан охиригача,
Кибрлилар билан жаҳаннам тўлди.

107

Умидингни узма Ҳақдан, ҳеч қачон,
Хавфни ҳам кўнгилда, сақлагил ҳар он.
Муҳаббат бирла қил, ибодатингни,
Имон, шулар билан комил,–эй инсон!

108

Йиғлаганинг эмас, қулганинг эсла,
Хорликнимас, азиз бўлганинг эсла.
Кимлар сенга, зулм қилганинг эмас,
Сен кимларга, зулм қилганинг эсла.

109

Кел энди, дил мулкин маликаси бўл,
Муҳаббат қасрига кир,-бекаси бўл!
Солиҳ зурриётлар истарди, кўнглим,
Сен эса шуларни, волидаси бўл!

110

Насибада бори-бўлган ҳисобда,
Туғилдинг,-паймонанг тўлган ҳисобда.
Имону-амалсиз, яшаётган жон,
Асли тирикмасдир,-ўлган ҳисобда.

111

Мақоми бандалик қилган яхшидир,
Банда ўз мақомин билган яхшидир.
Ибодатлар қилиб ғурур қилгандан,
Гуноҳга пушаймон бўлган яхшидир.

112

Тасбиҳ барча махлуқ ибодатидир,
Ҳақни танигани –итоатидир.
Аҳли жаннат мангу зикр айтарлар,
Бу икки оламнинг саодатидир.

113

Бўлолмасанг динни олими,—бўлма!
Майли халойиқни солими бўлма!
Бўлолмасанг бўлма, “олийжаноб зот”,
Лек элга зулм этиб, золими бўлма!

114

Виждонингни, дилга қози қилдингми?
Имоний мезон,-тарози қилдингми?!
Кимни сенда ҳаққи бўлса, ўлмасдан.,
Олдин—ўшаларни, рози қилдингми?!

115

Ҳақ ризоси ғоям,-ўзга ғоя йўқ,
Бошқа мақсадим йўқ, чиқиш қоя йўқ.
Сояда қўйишинг сўрайман ул кун,
Аршинг соясидан, ўзга соя йўқ.

116

Охиратни ўйла, қўй бу дунёни,
Оғир бўлса ҳам, тут маҳкам тақвони.
Одамлар ризосин истама, эй дил,
Истагил айламоқ рози, Худони!

117

Демишлар, жон бериш иши кўп душвор,
Роббим осон этгай деган, умид бор.

Имон билан ўлмоқ, ўз тўшагингда,
Бу ҳам катта неъмат, унутма зинҳор!

118

Истаб ором дилни, ҳеч ороми йўқ,
Йўқдир ором, чунки дил ороми йўқ.
Дил топар ором, дилороми билан,
Энди йўқ ороми, –дилороми йўқ.

119

Ким Яҳуд,-ким Насоро,-ким Мусулмон?
Ҳар бири ўзини Ҳақ дер, бегумон!
Ихтилоф тугамас, бўлса қиёмат,
Кимнинг ҳақ экани, бўлар намоён!

120

Ҳар ким тенги билан, -бой-бойга боқар,
Гадо ҳам гадони, кўнглига ёқар.
Ҳаёт қонуни бу, ажабланма сен,
Шунингчун, чўлгамас, сув сойга оқар.

121

Қай томон қараманг, жабрдийдалар,
Маҳзундир кўнгиллар, намдир дийдалар.
Инсон зоти борки, ташвиши бордир,
Ҳар бири ҳар турли, ғам-қайғудалар.

122

Ноқисдирман, комил бўларман қачон?,
Йиғлаганман доим, куларман қачон?!
Ҳаётда ҳеч мақсад бўлмади ҳосил,
Яна қандай яшаб,-ўларман қачон?!

123

Эй булбул, излама гул, бу гулзордан,
Холимасдир гули, тикандан-хордан.
Гул-билан тикани баробар экан,
Кеч, гул билан тикан берар озордан!

124

Дунёни боғ,-бўстонидан кечдим ман,
Ҳар ободу,-вайронидан кечдим ман.
Мангулик масканин, истайди кўнглим,
Бевафо жон-жононидан кечдим ман.

125

Эй дўст, бу оламдан, тез кўнгилни уз!
Орзу баҳридан чиқ, қирғоқ сари суз!
Ҳақ ризосини топ, ўлмасдан бурун,
Фарқи йўқ, бошқасин туз ва ёки буз!

126

Айланиб турар, фалакни чархи бор,
Ҳар даврда ҳар хил, қиймат нархи бор.
Ҳақ ризосин топган, имонли банда,
Эрта ўлдими кеч, нима фарқи бор?!

127

Кофир бўлсанг, Аллоҳ ризо бўлмағай,
Бундан катта кулфат, бало бўлмағай.
Ҳайвонлардан ҳам баттар, хор бўларсан,
Уларга мангулик жазо, бўлмағай.

128

Одамзоднинг асли, тилломи-лойми?,
Қадрият мезони, қасру-саройми?
Ғариблар хор, –иззат бойлиқда бўлса...,
Айтчи, –Расулulloҳ-фақирми, -бойми?!

129

”Фалончи омади кулибди ўртоқ,
Давлату-ҳурмат бор, юрар кайфи чоқ”
Ҳали хулосага ошиқма дўстим–,
Кейин маълум бўлар, - охирига боқ!

130

На кўнгиллар мақсудига етмоқ бор,
На баридан дилни узиб, кетмоқ бор?!
Йўққа интиламиз, сабр қилолмай,
На берганига бир, шукр этмоқ бор?!

131

Ким биландир кимки, дўст ёр бўлибди?!
Қалблардаги дўстлик, ошкор бўлибди!
Дўст-дўстини оғир дамда, унутмас,
Унутса дўстлиги, бекор бўлибди.

132

Дил меҳрини, дилга кўчирдингми айт?!
Кўнгил киналарин, ўчирдингми айт?!
Аллоҳ сани кечиришин истарсан,
Ўзинг ҳам бировни, кечирдингми-айт?!

133

Дининга хавф бордир, султон олдида,
Кейин қийналасан, виждон олдида.
Имондан ажралиб қолсанг кўп ёмон,
Барчаси бир пулдир, имон олдида.

134

Саломинга, жавоб саломи йўқдир,
Гапирса, мантиқли каломи йўқдир.
Ҳар тўғри келганни ютар, юҳодек,
Ҳеч нарсани ҳалол-ҳароми йўқдир!

135

Фикримни чалғитар, ҳар хил хаёллар.
Қани у, ҳаёли, мунис аёллар?!
Нима бўлар экан, энди ҳолимиз?,
Жавоб йўқ, лекин кўп менда саволлар!

136

Ҳаётингдан рози, кўнглинг ҳам тўқми?
Амалларинг ҳам бенуқсон, тўлиқми?!
Хотиржам бўлишга, шошилма—ҳали,
Ахир, амалларинг қабулми-йўқми?!

137

Бир муаммоки, мен—ечаолмайман,
Лекин ундан воз ҳам,—кечаолмайман.
Бировлар бу бобда,—ўз ечимларин,
Таклиф қилсаларда неча,—олмайман!

138

Дардинга ҳақ каломи, шифо бўлсин!
Дўстлар дуо-саломи, шифо бўлсин!
Бисмиллоҳирраҳмонирраҳим—деб, айтай,
Парвардигорим номи, шифо бўлсин!

139

Бедаво дардимга, даво истарман,
Битмаган комимга, раво истарман!
Кимга насиб қилса, китобим ўқиш,
Ҳаққимга хайрли, дуо истарман!

140

Ким-кимнидир севса, кўп зикр қилар,
Доимо дилида ёд, фикр қилар.
Ана, муҳаббатнинг аломати шу,
Агар акси бўлса, у макр қилар.

141

Дунёда яшайди, уч гуруҳ инсон,
Кофиру-мунофиқ, ёки мусулмон!
Учовидан бири бўлмай, илож йўқ,
Кимлигингни ўзинг аниқла, эй жон!

142

Одамзодни нодон—оқилига боқ,
Барча золимию,—одилага боқ!
Ҳозирига лойиқ, муомала қил,
Хулосага шошма,—охирига боқ!

143

Эй дил,—ҳаётинга қилгил надомат,
Ўзингни қил бугун, ўзинг маломат.
Тавба қилиш ҳам бил, ҳазил нарсамас,
Қилдингми бас, энди сақла саломат!

144

Ўйлама, осмонда ой бўлолмайсан,
Сен дарёларни қўй, сой бўлолмайсан.
Бир умр бойликга интиланган банда,
Қаноат бўлмаса, бой бўлолмайсан!

145

Тўғри тушунинг, мен ғийбат қилмадим,
Дилимни буларга, улфат қилмадим.

Ҳали оламдаги, ҳеч бир махлуққа,
Буларга қилгандек, нафрат қилмадим.

146

Бунча бағритошсан, бунчалар ифлос?!
Давлатга мағрурсан, кибринг беқиёс!
Сен ҳақли эмассан, ҳукмдорликга,
Ҳукмни чиқариш, Яратганга хос!

147

Қўй боқ, хонадонда бўлур баракат,
Албатта бандадан, лозим-ҳаракат.
Ҳар ишга азм этсанг,–таваккул айла,
Натижа Худодан, не бўлса албат!

148

Муаммо қолмади, ваҳий бўлмаган,
Давлатманд бўлмагай, сахий бўлмаган.
Маъруф ҳам, мункар ҳам қолмади энди,
Биз чақирилмаган,–ё наҳй бўлмаган.

149

Мўминни-мўминга, моли ҳаромдир,
Ғийбат-гумон, бад хаёли ҳаромдир.
Ҳаромдир, ор-номус, обрў-иззати,
Ҳарна ҳаром эҳтимоли, ҳаромдир!

150

Дерлар; “Ҳақ севмаса, бетобламайди,
Балолар сабаб, уни покламайди”.
Ҳақ севса қайси бир бандасин, эй дўст,
Билки,–қиёматда азобламайди!

151

Мўминларга мўмин, фитна қилмайди,
Фитна қилса, демак мўмин бўлмайди.
Расулуллоҳ сўзин унутма эй дўст,
”Ғап ташувчилар жаннатга кирмайди”!

152

Йўқ ибрат бўлгудек, маноқиблар ҳам,
Китобу-суннатга, мувофиқлар ҳам.
Аввал махфий бўлган, дилда нифоқлар,
Ҳозир яширинмас, мунофиқлар ҳам.

153

Ғанимат экан бу, дийдор унутманг,
Омонат экан бу, дўст-ёр унутманг!
Борида қадри йўқ,–доим шу аҳвол,
Айрилганда, бўларсан зор, унутманг!

154

Бўлсанг, ҳаққа фидо бўлғил, эй кўнглим,
Ҳаққа бўлган нидо бўлғил, эй кўнглим!
Худо рози бўлганига, рози бўл!
Сендан Аллоҳ ризо бўлсин, эй кўнглим!

155

Эй банда, дилингда ҳимматинг борми?
Ўз олдингда, қадр қийматинг борми?!
Одамларнику—хўп, қўявер энди,
Аллоҳнинг олдида, ҳужжатинг борми?!

156

Ўтди менсиз, қанча, қанча, тўйларим,
Укамлардан пастдир бугун, бўйларим.
Ўйларимдан яхши, амалларим бор,
Амалимдан яхши, баъзи ўйларим.

157

Ҳаромдан нафсингни тияолсанг зуҳд,
Дунёдан кўнгилни, узаолсанг зуҳд.
Йўқ нарсани тарк этишлик, зуҳд эмас,
Фурсат келганда тарк, этаолсанг зуҳд.

158

Эй, орзу ҳавасга берилган инсон,
Ҳаловат топмассан энди, ҳеч қачон!
Ҳавасларинг битмас,–битади умринг,
Кетасан, дилингда кетар, кўп армон!

159

Билганимдан кўпдир, билмаганларим,
Кўрганимдан кўпдир, кўрмаганларим.
Дилимда кўп яхши, орзуларим бор,
Қилганимдан кўпдир, қилмаганларим.

160

Аввал эдинг хоки туроб, англасанг,
Кейин бўлдинг, бир қатра об англасанг?!
Билмассан насибанг, азобу,–роҳат,
Чекмайдими дил изтироб, англасанг?!

161

Шоирлик, пок дилга, ғубор, гард экан,
Оромингни олар, азоб дард экан.
Ҳар кимса ҳаққини адо қилолмас,
Кимдир қилаолса, демак, мард экан!

162

Яхши бўлсанг, яхшилик қил ҳар қайда,
Ҳар кимга,—ҳамиша,–ҳар макон,-жойда.
Тушунса яхшилик қилмоқ бировга,
Ўша қилувчининг, ўзига фойда!

163

Мўминга-мўминлик ҳурматида бўл,
Мўмин бўл,–мўминлар иззатида бўл!
Истасанг Аллоҳнинг ёрдамин агар,
Муҳтож мўминларнинг, хизматида бўл.

164

Қабристонда жимлик.–лек одам бисёр,
Ғала-ғовури ҳеч, тинмайди бозор.
Шунга қиёс қилиб, айтар экан халқ,
Болалик уй-бозор,–боласиз мозор.

165

Қайғу керак экан, дилшодлик учун,
Вайроналар керак, ободлик учун.
Ёмону-яхшилик муқобил экан,
Маҳбус бўлиш керак, озодлик учун.

166

Ақли борлар, бир тафаккур қилади,
Одам нега туғилади–ўлади?
Ким яратди бу оламни?!–Нимага?,
Бу ҳақида, фикр қилган билади!

167

Эшитинг бу сўзни, аё халойиқ,
Ҳаром нарсаси, ейишликга нолойиқ.
Аллоҳнинг расули деган эдилар;
Ҳаромдан унган эт,–оловга лойиқ!

168

Илм ололмас, ким кибрли бўлса?,
Илмсиз қоларкан кимки, уялса.
Яна, дангасалик илм офати,
Шулардан ўтганлар, –илм ололса?!

169

То ажал муддати, бўлгунча қоим,
Инсон ризқин излаб, югурар доим.
Аслида инсонни, ризқи излайди,
Уни тақсим этган, ахир Худойим!

170

Нур борки, соя бор,–жон бор,–қазо бор,
Ҳар амалга лойиқ, савоб жазо бор?!
Эзгулик-ёвузлик, муҳаббат-нафрат,
Зулумотлар кўпу, ёлғиз Зиё бор!

171

Нафсини ҳаромдан сақлаёлмаси,
Ҳаққа бандаликни, эплаёлмаси.
Бошқаларни қандай ҳаққа чақирар,
Ҳақни аввал ўзи анлаёлмаси?!

172

Эй дўстим, доимо олгин-олдирма,
Маломат заҳарин, ошга солдирма!
Бировга яхшилик қилаолмасанг,
Ҳаргиз бировларни, кўнглин қолдирма!

173

Муҳаббат жавоби,–муҳаббат бўлар,
Эҳтимол жавоби, баъзан рад бўлар.

Яхшиликга доим, яхшилик қайтмас,
Ахир шунинг учун, қиёмат бўлар!

174

Бу ҳаёт топмоғу-йўқотмоқ экан,
Ким билан ким доим, курашмоқ экан.
Аллоҳни севганнинг белгиси,—билсанг,
Унинг Расулига, эргашмоқ экан!

175

Ҳар гўзални кўриб шайдоси бўлма,
Ҳар гулни, булбули гўёси бўлма!
Ҳеч қачон, ҳеч қайда, асло ҳеч кимни,
Ёнида, қадри йўқ, “ашё”си бўлма!

176

Аллоҳ қалбимиздан Ўзи огоҳдир,
Ёлғонни каттаси, ёлғон гувоҳдир.
Аллоҳнинг шаънига ёлғон тўқимоқ,
Гуноҳлар ичра энг, улкан гуноҳдир!

177

Эй банда, билиб юр, тўғри йўлингни,
Токай фарқи бўлмас, ўнгу—сўлингни?!
Арзимас нарсани, сўраб бировдан,
Қадрингни йўқотма, чўзма қўлингни.

178

Ҳаётда ҳар ким ҳам, қилмас яхшилик,
Ҳар киши ҳам, қилсанг, билмас яхшилик.
“Хонадоннинг файзи, меҳмон” деганлар,
Меҳмон келмас уйда, бўлмас яхшилик!

179

Кўнглим, етолмаган армонлар ўртар,
Мавж урар сиғмайин, туғёнлар ўртар.
Нуқсонларим, ислоҳ қилиш ниятим,
Ҳеч тугамайин, бу нуқсонлар ўртар.

180

“Кўзимда уйқу йўқ” дея, ўкинма,
Дилимда туйғу йўқ” дея, ўкинма.
Йўқликка маҳкум, бу дунё аслида,
Бас, энди “у-бу йўқ” дея, ўкинма!

181

Йўқни ундиришга, уялмайдилар,
Кўнгил синдиришга, уялмайдилар.
Бор йўғингни шилиб, виждонингни ҳам,
“Бер”!-деб,—кўндиришга уялмайдилар.

182

Меҳрни билмаган, зор бўлгай охир,
Иззатни билмаган, хор бўлгай охир.
Сабр айласа, ғариб мазлумлар бир кун,
Вақти келиб, бахти-ёр бўлгай охир.

183

Азиз жонни этма, ҳар кимга фидо,
Чунки жон эгаси, фақат бир Худо.
Авайлаб асрагил уни, қийнамай,
Бўласан бир куни, ундан ҳам жудо!

184

Бўлмаса бўлмасин, менга толеъ ёр,
Бўлмаса бўлмасин, агар дўсту-ёр.
Ёлғиз Аллоҳ бўлса, мададкорим бас.
Бўлмаса бўлмасин, энди ўзга ёр.

185

Ҳар кимга берилган, иқтидор бўлак,
Ҳар кимда ҳамият, –номус-ор бўлак.
Ҳар кимда ҳар турли мақсад, қувонч, ғам,
Эътиқодлар бўлак–эътибор бўлак.

186

На келиш, на кетишда бор ихтиёр?
На мақсадга етишда бор, ихтиёр?!
Натижаси бизга богликмас, –аммо,
Фақат ният этишда бор, ихтиёр.

187

Бир офиятли диёрни истайман,
Кўз қувончи бўлар, ёрни истайман.
Умр баҳор-ёзи ўтиб, куз келди,
Мен қиш фаслимас, баҳорни истайман.

188

Қудрат фақат Сенда эканин билдим,
Айбу—нуқсон, менда эканин билдим.
Осмону-ердаги барча махлукот,
Бари Сенга, банда эканин билдим.

189

Одамлар шуҳратга интилар доим,
Шундан қайтаргандир бизни Худойим.
Ким лойиқ ҳақиқий иззат-ҳурматга,
Билинар, –бўлганда қиёмат -қоим.

190

Шулар туфайли дунёга келгансан,
Кўп йил меҳридан, баҳраманд бўлгансан.
Сен улғайдинг, -Ота-Онанг қариди..,
Сен уларга, не яхшилик қилгансан?!

191

Бегоналар уриб сўксалар, -дарҳол,
Унутиб барчасин, юрасан хушҳол.
Ота-онанг агар, койиган бўлса,
Унутишлик сенга, бир амри маҳол.

192

Бизларга берилган танлаш ихтиёр,
Сен фақат қилишни-қиласан қарор.
Сен кутган натижа, бўлами-йўқми?
На хоҳласа қилур, ул Парвардигор!

193

Муҳитдан ранг олар, одамда ахлоқ.
Азал тақдирга ҳам, бу боғлиқ бироқ.
Шубҳасиз, азалда битгани бўлур,
Қорамисан-қора,–оқ бўлса гар оқ.

194

Ҳар кўрганга тақлид этма,-эй инсон,
Ҳавас қилма, ҳар нарсани кўрган он.
Орзуларни бари ушалмас, билсанг,
Лекин юрагингда, қолади армон.

195

Ҳақни қазосига рози бўл, эй дил,
Ҳарна ризосига рози бўл, эй дил.
Ўзи билур, ким балога мустаҳиқ,
Берган балосига рози бўл, эй дил.

196

Эшитгин, эй золим бағритош, гумроҳ,
Зулм, Аллоҳ кечирмайдиган гуноҳ.
Мазлумлар кечмаса, Аллоҳ кечмайди,
Чунки бу ҳаққуннос,–эмас ҳаққуллоҳ.

197

Дарди пинҳон асли, тан соғдир гўё,
Хотиралар дилда, бир доғдир гўё.
Эсламай илож йўқ, эсласам улар,
Мени босиб турган, бир тоғдир гўё.

198

Ғам била ғурбатда, хор бўлдим охир,
Ҳаётимдан ҳам, безор бўлдим охир.
Меҳри дилга пайванд, азизларимни,
Дийдорин кўришга, зор бўлдим охир.

199

Борми, кўнгиллари вайрон эмаслар?
Дийдалари ғамдан, гирён эмаслар?!
Мен бу одамларга, бўламан ҳайрон,
Улар ҳеч нарсага, ҳайрон эмаслар!

200

Ҳар бир хоҳловчини, давлати бўлмас,
Ҳар ҳурматталабнинг, ҳурмати бўлмас.
Аллоҳнинг битгани, тақсими бўлар,
Иззат тилаганнинг, иззати бўлмас.

201

Қошларни ёйлиги, ҳилолга ўхшар,
Қомат нозиклиги, ниҳолга ўхшар.

Лабинг зилолига, ташна бу йигит,
Ҳижронингда куйиб, бир чолга ўхшар.

202

Дилни босар бу кун, бир ҳазин қайғу,
Юракда яна шу, ноаник туйғу.
Ўтмиш ва келажак, ичра саргардон,
Тунлари кўзимга, келмайди уйқу.

203.

Асхобларга тобеъ, салафийман мен,
Тобеъларга тобеъ, халафийман мен.
Китобу суннатдир йўлим.,Мазҳабим...,
Шофий,Молик,Ханбал, Ханафийман мен!

204.

Йўқмикан ёр б-н, осмонни фарқи?!
Колмабди рост б-н, ёлғонни фарқи!
Қаранг қандай замон бўлди, табора...,
Билинмас, куфр ила, имонни фарқи!

205

Амалдан жаннатга, кираолмассан,
Гуноҳдан дўҳахга, тушаолмассан,
Аллоҳнинг раҳмати-адлига боғлиқ,
Таслим бўл, ҳеч нарса қилаолмассан.

206

Замин еттитадир,-осмон еттита,
Дўзах дарвозасида сон еттита.
Ҳафта етти кундир,-еттидир иқлим,
Олам яралган вақт,-замон еттита.

207

Ажойиб бир гўзал, юзлар бўларкан,
Оловдек куйдирар, кўзлар бўларкан.
Мен бу сиру-синоатга ҳайронман,
Сеҳр қилувчи, гап-сўзлар бўларкан.

208

Бемаслаҳат бир иш, қилувчи одам,
Ё ақл берувчи,сўрамасанг ҳам.
Ҳали ўз ўрнини, топмаган довдир,
Ўзию-ўзгага, келтиради ғам.

209

Қўнгилдаги сиру,-асрорларимни,
Ғамларим куйланган, алёрларимни.
"Ўқиган кимсалар -дуо қилгай" деб,
Қолдирдим ортимда ашъорларимни.

210

Тиламчи, эл ичра хору-шарманда,
Токи қилмас экан, сўровни канда.
Аллоҳдан ҳар қанча, тилак тиласанг,
Шунчалик бўласан, суюкли банда.

211

Расулуллоҳ сўзи, дилларга малҳам,
Бир ҳадисни ўқиб, мени босди ғам.
"Бу уммат етмиш уч фирқа—бўлади,
Биридан бошқасин, жойи жаҳаннам".

212

Тақдири азалдан бил, эй одамзод!
Бозоринг чаққонми ва ёки касод?!
Жасадда бир парча гўшт бор, унутма,
Шу соғми, сен соғсан,-фасодми-фасод?!

213

На фойда молингдан, сарф этолмасанг?
Фарзанд-аёлингдан,-завқ этолмасанг?!
Илмингдан не фойда, амал қилмасанг?
Дилинг маразини, тарк этолмасанг?!

214

Инсон қилиб яратганга шукр қил.,
Имон эгаси этганга, шукр қил!
Зикр,-тасбиҳ,-сано,-дуо қилишга,
Имконлар берган, Эганга шукр қил!

215

Ит бўлса фитрати, ишидир қопиш,
Начора? Ҳайфдир ит оғзини ёпиш
Аккилаб қопмаса яшай олмас у,
Бўлса бир Иложи, тилини чопиш.

216

Ҳар нарсани келар вақти Замони,
Билинар ҳар кимни яхши, ёмони.
Имон даъвосини қилган ноқасни,
Билинарни, агар бўлса Имони.

217

Иблис билан дўсту ёр бўлдинг охир,
Жаҳолат куйдириб Зор бўлдинг охир.
Сенга Роббим Ўзи кифоя қилгай,
Валлохи, фиддорайн хор бўлдинг охир.

218

Сен имон йўлини тутганман дема,
Дилимга дин ғамин, ютганман дема!
Сен ҳали ҳеч нарсга кўрган эмассан,
Имон синовидан ўтганман дема!

219

Бадбахт лўливачча, Балки, ҳароми,
Рибо бўлган, топган нони, таоми.
Ифлос турқин бугун, айлаб намоён,
Фатво берар қаранг, Бир пасткаш, оми.

220

Сенгамас гапириш, ким мўмин, кофир,
Аллоҳ Ягонадир, Олим ва Ғофир.
Эрта қиёматда биларсан ҳали,
Ҳаммамиз дунёда беш кун мусофир.

221

Ғийбат, туҳмат сени, ишингдир мудом,
Эл ичида бўлдинг, шарманда бадном,
Унутма ҳар доим бўлмас имконинг,
Келади бир куни вақти Интиқом!

222

Алам билан бармоқларинг сўриб кет.
Қилмишларинг касрин ўзинг кўриб кет.
То ўлгунча, нажас тўла қалбингни,
Тозалолмай, мараз билан ўлиб кет!

223

Сен муставосига арзимас пастсан,
Сен ҳасад ўтида ёнган бир кассан.
Кўзларинг очиқу, лекин кўрмайсан,
Иблисни бавлидан ичгансан, мастсан.

224.

Ифлос сийратингдан ҳикоя қилдим,
Сўзга арзимаёсан, ниҳоя қилдим.
Сен пасткаш лойиқсан шундай жазога,
Мен сени Роббимга ҳавола қилдим,

225

Хаёлимда армон бўлиб қолиб кетгансан,
Дилимга ўз суратинги солиб кетгансан.
Мен ўзимни юпатмоқчи бўлганда билдим,
Дилимни ҳам ўзинг билан олиб кетгансан.

226

Суиқасд қилдилар, Обид Қорига,
Қаранг мўминларни оҳу зорига.
Нега бу Золимга қарши чиқмасдан,
Яшаяпмиз, шукр қилиб бориға?!

227

Эй миллат, уйғонгин, етар бас энди,
Қулоғинга етсин нидо, сас энди.
Зулмни улоқтир устингдан, халқим,
Токай зулм қилар, бу нокас энди?!

228

Аллоҳ Ўзи сизга мададкор бўлсин,
Сизга қасд қилганлар малъун хор бўлсин!
Бирин кетин ғойиб бўлди, пешволар,
Қадрига етмаган миллат, зор бўлсин!

229

Ажалинг етдику, тугади йўлинг,
Яқин қолди бадбахт азобинг, гўринг.

Қон ичиб тўймадинг ҳаргиз ҳароми,
Бир олим инсонга етдими қўлинг?!

230

Қонхўр бизни энди, алдаёлмайсан,
Тутган йўлимиздан қайтаролмайсан.
Қўрқоқсан қонхўрсан, нафсига қулсан,
Шу ҳолда ўласан, ўзгаролмайсан!

231

Бен Али не бўлди, сендан қонхўрроқ,
Қаззофий бўлдику, ундан баттарроқ.
Сенга Муборакни куни тушмагай,
Билки, сен улардан бўласан хорроқ!

232

Ҳаёт ҳар кимни ҳар куйга солади,
Ақли борлар, бундан ибрат олади.
Сен ит каби ўлиб кетасан, лекин,
Қанжиқларинг уволингга қолади!

233

Сен тўккан қонларинг, беҳуда кетмас,
То ҳаётдир яқинлари унутмас.
Сени авлодинги кутар жазолар,
Жазосини олмай дунёдан ўтмас!

234

Зулмга қаршилиқ қилмоқ шарафдир,
Ҳақ кураш йўлида бўлмоқ шарафдир.
Ажалимиз етса ўлмамиз, аммо,
Сенга қарши туриб ўлмоқ шарафдир!

235

Ўлим ҳақдир, имон билан ўлсак бас,
Яъни, тоза виждон билан ўлсак бас.
Зулминг ҳаддан ошди, ифлос, ҳароми,
Сенга қарши, исён билан ўлсак бас.

236

Етар энди хорлик, эй халқим уйғон!
Қон ичиб тўймади, қонхўрлар ҳамон!
Ўз эркинги ўзинг киритгил қўлга,
Эркин, ҳур, обод бўл, эй Ўзбекистон!

237

Унутилмас Андижонлик шаҳидлар,
Эзилган мазлумлар адолат излар!
Отланинг курашга, етар бу жимлик,
Ўз эркингиз учун, мард Ўғил Қизлар!

238

Қураш майдонига юр энди халқим!
Ўзинга обод эл, қур энди халқим!
Озодлик байроғин баланд кўтариб,
Бошинг мағрур тутиб, тур энди халқим!

239

Эй халқим, Андижон қотилин ёд эт!
Ўз юртингни энди ўзинг обод эт!
Каримов режимин умри тугади,
Зулм салтанатин қулат барбод эт!

240

Иблис ҳоким юртда, имон сотилган,
Адолат истасанг, ўқлар отилган!
13 майда қотил Каримов,
Андижон халқини қонга ботирган!

Навоий ғазалига мухаммас

Найлайин

Бевафо бўлса, кўзи қоши-қарони, найлайин,
Кўнглим олмас ҳеч, ўзи кўнгилда жони, найлайин?,
Ҳар замонда бор экан, даврин ёмони, найлайин?,
Кўргузар ағёр юз тухмат ниҳони найлайин?,
Ёрким, сўрмай инонур, бу балони, найлайин?!

Одамизод ношукр ва бесабр бўлган мудом,
Ҳақни фазли бирла бўлгай, бўлса нуқсони, тамом,
Ҳақ ризосин истамакдин ўзга мақсадлар ҳаром,
Юз жафо элдан чекиб, бу ким жафогарликга ном,
Эл аро пайдо қилибман-бу жафони найлайин?!

Топмадим истаб, нетай, ўтди умр дилдорсиз?,
Мисли Булбулдек қолибдирман, гулу-гулзорсиз,
Кўп оғир бўлгай, ғариб бўлса киши, дўст-ёрсиз,
Кимни дади бўлса, ёр айлар даво, мен ёрсиз,
Дард аро ўлдим, бу дарди-бедавони найлайин?!

Сен эшитгил айтайинким мен санга сўз, эй кўнгил,
Мосиволлоҳдан умидинг бўлса гар, уз, эй кўнгил,
Эътимодинг бўлса одам зотига, буз, эй кўнгил,
Дам-бадам қонимга тонуғлик берар кўз, эй кўнгил,
Билмон-ул гардомани, юзи-карони найлайин?!

Тушди бошимга ҳаётда, найлайин турли-жафо?,
Чекдиму кўп изтироблар, қолмади дилда сафо,
Қилмаган ҳеч кимга дунё, қилмагай сенга вафо,
Юз вафо айлаб халойиққа, кўрибман минг жафо,
Айламай Холиққа энди, илтижони, найлайин?!

Саҳвиё, қисмат эканда, энди ҳижрат қилмоғим,
Қолмади имконим энди, бу ватанда турмоғим,
Ҳар неки тақдир битибдир, лозим эркан кўрмоғим,
Эй Навоий, чун ватанда, бир нафас дам урмоғим,
Мумкин эрмас, ихтиёр этмай жалони найлайин?!

Бўлдим санга

Не ажиб қисмат бўлибдир, маҳлиё бўлдим санга?,
Эшитиб савтинга мафтун, истимо бўлдим санга,
Билгали ҳолингни муштоқ, доимо бўлдим санга,
Кўргали ҳуснингни зору, мубтало бўлдим санга,
Не балолиғ кун эдиким ошино бўлдим санга?!

Дилраболар фитнасининг узмагил диндин кўнгил,
Охиратни бермагил бой.тарк этиб ундин кўнгил,
Олма оромимни кетгил, тарк этиб мендин кўнгил,
Ҳар неча дедимки кун кундин узай сендин кўнгил,
Ваҳки, кун кундин батарроқ мубтало бўлдим санга.

Кўзга илмай, эътибор этмай, дилимни доғладинг,
Билмадим қайдан мени меҳринг ипига бойладинг?
Сен ўзингни аҳли нокаслар ичинда жойладинг,
Ман қачон дедим вафо қилғил, манга зулм айладинг,
Сен қачон дединг, “фидо бўлғил» фидо бўлдим санга.

Эй кўнгил бу ғам била, озурда бўлдинг бу сифат,
Ҳам мени бошимга мундоқ ғалва бўлдинг бу сифат,
Ҳажрида девонавор ошуфта бўлдинг бу сифат.
Қай пари пайкарға дерсан, телба бўлдинг бу сифат,
Эй пари пайкар на қилсанг қил манго, бўлдим санга.

Дардинга истаб даво, дунё кезиб, сайёра бўл,
Чорасиз бечораман, мен чорасизга чора бўл,
Энди не фойда сиринг пинҳон тутиб, ошкора бўл,
Эй кўнгил тарки насиҳат айладинг, оввора бўл,
Юз бало етмасмиди, мен ҳам бало бўлдим санга.

Энди ёдинг дилни қаърида ғарибимдур мудом,
Ўртагай қалбимни гоҳо, музтарибимдур мудом,
Топмади дил мақсадин, кўпдир рақибимдур мудом,
Жоми Жам бирла Хизр суйи, насибимдур мудом,
Соқийё, то тарки жоҳ, айлаб гадо бўлдим санга.

Саҳвиё, оламда ҳаргиз битмагайдир можаро,
Тангриға қил илтижо ким, бўлмағай бахтинг қаро,
Дилни хуш тутғилки доим, юрмагил мотамсаро,
Ғусса чангидин навое, топмадим ушшоқ аро,
То Навоийдек асиру, бенаво бўлдим санга.

Саҳвий Мухаммаси

Бевафоларга

Тушибдир дилни меҳри беҳаёю-бевафоларга,
Киши борму қилурга чора, дарди бедаволарга?,
Тараххум айламаслар ҳажрида мотамсароларга,
Қачон бўлди дилим дучор, вафосиз дилраболарга,
Иложим қолмади ҳеч, мубтало бўлмай балоларга.

Кириб ишқ йўлига ҳажри била бағримни қон этдим,
Олур шояд кўнгилни деб, яна дардим баён этдим,
Сиримни билмагай ҳеч ким дея, элдин ниҳон этдим,
Неча, ул ойни ман ҳажри-фироғида фиғон этдим.
Ким ул ҳеч қилмади парво қилинган илтижоларга.

Дилинг орзуларига ҳеч раво кутма, умид этма,
Давосиз дардларинга ҳам даво кутма, умид этма,
Аё дўст ишқни боғида, сафо кутма, умид этма,
Гўзаллардан сен эй кўнгил, вафо кутма, умид этма,
Вафо расм ўлмаган эрмиш, азалдан қоши ё-ларга.

Нетай қавмим ичинда лойиқ иззат топмадим ҳаргиз,
Дилим дардига малҳам, дўсти-улфат, топмадим ҳаргиз,
Меҳр қўйдим жавобига, муҳаббат топмадим ҳаргиз,
Мурувват қилганимдан ҳам, мурувват томадим ҳаргиз,
Худоё, этма муҳтож ҳеч қачон хеш-ақраболарга.

Йўқотма ўзгалар олдинда, ўз қадрингни эй кўнгил,
Ўзингни қилма хор, эъзоз-этиб нафсингни эй кўнгил.
Худо қилгай зиёда шунда бил-фазлингни эй кўнгил,
Неча халқлар маломат қилсалар, назмингни эй кўнгил,
Юмиб кўзингни парво, қилмагил бу дийдиёларга.

Ҳаётим ҳосили шул, дилда битмас кўп алам қолди,
Бу ҳолатда ўтиб умрим, мабодо бўлса-кам қолди,
Ажал етгунча чеккаймиз, яна, қай-дарди ғам қолди?,
Бугун давру-замондан, етмаган қайси ситам қолди?
Бўлиб Саҳвий каби сарсон, дарбадар юрган гадоларга?!

Мусаддаслар (олтилик)

Ичинда

Яшар экан Одамзод турли замон ичинда,
Гоҳ қуруқлик гоҳ сувда, турли макон ичинда,
Турли миллат турли ирқ-турли забон ичинда,
Гоҳ иссиқ-гоҳ совуқ-гоҳ, қору-бўрон ичинда,
Кўрдим бор экан турли, йўллар жаҳон ичинда.
Ҳар ким ҳар хил маслагу, ҳар хил гумон ичинда.

Кўрсин текшириб бўлса, ҳар кимки илми толиб,
Кетмагай оқил инсон, тўғри келганни олиб,
Танла бир ақидани, кетма бир четда қолиб,
Айт ўз сўзи-фикрингни, юрма тағин уёлиб,
Ҳар ким ўзича Ҳақдир-ҳар ким ўзича ғолиб,
Оқибат бўлур маълум-охир замон ичинда!

Маълум бўлар ҳар кимга-қандай амалларинг бор,
Ҳақ йўл фақат биттадир, залолат йўли бисёр,
Ҳидоят йўлини топ ҳозирча бор ихтиёр,
Шу йўлда яшаб ўтган банда бўлур бахтиёр,
Жаннатни йўли битта-бундан бошқаси бекор,
Бу йўлни Парвардигор-айтди, қуръон ичинда.

Залолатга ҳамроҳдир, доим шубҳаю-гумон,
Дунёда ҳам ҳақ-ноҳақ, билиниб турар аён,
Ким мунофиқ, ким мушрик-ким ҳақиқий мусулмон,
Синов келса, имонни сақламоқ бўлмас осон,
Дуо қил, интил ҳар он, саломат қолсин имон,
Фарқи йўқ, дорул куфр-дорул омон ичинда.

Дунё иззати бўлди, молу динору дирҳам,
Охиратда ҳисоби бўлар, ғам устига ғам,
Маълум бўлар ўшанда кимлар ортиқ, кимлар кам?,
Ўзингни ушбу кунга таёрла энди сен ҳам,
Тақвою-тоат қилгил юрмагил хоотири жам,
Умринг тугаб бародир ҳар лаҳза он ичинда.

Илтижодаман Аллоҳ, Ўзинг ёлғиз Илоҳим,
Фитналик бу оламда, сақлагувчим, паноҳим,
Раҳм айла бу бандангни, аҳволига эй «шоҳ»им,
Умид этдим Ўзингдан эй, Қудратли Аллоҳим,
Қабул этгил менинг бу, дилимдан чиққан оҳим,
Шарманда қилмагайсан, яхши-ёмон ичинда.

Товоқсой 1999 йил

Этмасмидим

Бўлса имконим, кўнгил комин раво этмасмидим,
Саъй этиб ўздин Яратганни ризо этмасмидим,
Олдин ўтган яхшиларга иқтидо этмасмидим,
Мағфират истаб ҳамиша, илтижо этмасмидим,
Оқил ўлсам бир Худога, муттақо этмасмидим?,
Неъмат эҳсонини шукрин адо этмасмидим.

Алданиб қолдим кўриб бу фитналик дунёсини,
Англагай Оқил киши, афзаллигин уқбосини,
Заҳри қотил бўлган омухта еманг ҳалвосини,
Хиёнатдир кори-бори, дўстини ошносини,
Тарк этиб дунё ҳаётин, битмаган ғавғосини,
Дилни аввалроқ ҳаёлидин жудо этмасмидим?!

Энди мойилдир бўлиш узлатга жо кўнглим мени,
Бўлмади оламда шод, мотамсаро кўнглим мени,
Истагай боқий ҳаёт, тарки фано кўнглим мени,
Айлагай Ҳақ раҳматин топмоқ рижо, кўнглим мени,
Узлати Оламни истар доимо, кўнглим мени,
Бўлса мақсад ҳосил ўзга, муддао этмасмидим?!

Кошки эрди беҳуда ғамдан куйиб кул бўлмасам,
Бориб умрим ҳосили охири, бир пул бўлмасам,
Ақлу ҳушимдан жудо, энди буткул бўлмасам,
Қайда менга нусрати аҳли, таваккул бўлмасам,
Ҳосили умрим ризойи Ҳақдир ғофил бўлмасам,
Кечаю-кундуз шуни, истаб дуо этмасмидим?!

Билмадим кимга насиб этгай, шаҳодат жомидан,
Кўнглим истайдир шуни, гоҳ жўш уриб илҳомидан,
Ким бўлур хуррам жудо бўлгач, дилин оромидан,
Шайланиб сабру-қаноат аслаҳа анжомидан,
Бохабар бўлсам шаҳидлар, иззату-икромидан,
Ҳақ йўлида молу-жонимни, фидо этмасмидим?!

Бўлди Иблис кибр айлаб, раҳмати Ҳақдан жудо,
Тўсғуси жаннат йўлидан заррача кибру-ҳаво,
Бўлмагай мақбул ибодат, бўлса гар унда риё,
Ушбу мазмунлар манга, маълум бўлибдир гўйё,
Фарқи борми, беамал олим билан жоҳилни, ё,
Билсам ўз дардим давосига даво этмасмидим?!

Юрма ўз аъмолинга мафтун бўлиб иблис каби,
Қалби зулмат қаърида, мадфун бўлиб иблис каби,
Ҳасад ўтида ёниб, маҳзун бўлиб, иблис каби,
Ўзининг макри билан мафтун бўлиб, иблис каби,
Саҳвиё, қолмай десанг малъун бўлиб, иблис каби,
Ҳукмига таслим бўлиб, кибру-ҳаво этмасмидим?!

Мусаббаъ

(еттилик)

Балоингдан сани

Эй фалак, қайга қочай, ғам тўла жойингдан сани?
Алдагувчи финталик, нафсу ҳавоингдан сани?
Жаҳаннам қаърига чорлагувчи нидойингдан сани?
Раҳмати Ҳақ менга афзалдир, матоингдан сани,
Чунки, безорман бу дарди бедавоингдан сани,
Гар қутулсам кошки, бу битмас балоингдан сани,
Ҳақни даргоҳи азиз, қасру саройингдан сани.

Кўрганим не бўлди айт, бағрингда офатдан бўлак?
Хору зорлик бирла кўп, зулму фалокатдан бўлак?
Топмадим ҳеч яхшилик айлаб, маломатдан бўлак,
Қолмаганму сенда ҳеч, офат фалокатдан бўлак?
Топилар ҳар на жафо, меҳру муҳаббатдан бўлак,
Сенда не бор, бизга ташвишу машаққатдан бўлак?
Фарқи йўқ, аслида подшоҳнинг гадоингдан сани?!

Тарк этиб кетсам сени, буткул бу дил ношод ила,
Қолмасин ортимда номим, кошки бир иснод ила,
Йўқ тафовути жаҳон, вайронининг обод ила,
Бўлур барбод ҳаёт бўстони хазонинг бод ила,
Арз этарман бирма-бир, дардимни Шоҳи Одила,
Аҳли Ҳақнинг қалблари ором олур, Ҳақ ёдила,
Аҳли дунёга йўқ ором, можароингдан сани.

Бахтиёрдек кўринар подшоҳ, гадонинг наздида,
Ҳақиқат мағлуб эрур, гўё ҳавонинг наздида,
Асли ҳолат бошқача, ақли расонинг наздида,
Заррача бўлмас экан, ер ҳам самонинг наздида,
Бўлди бу маъно, Муҳаммад Мустафонинг наздида,
«Заррача ҳам қадри йўқ, дунё Худонинг наздида»,
Кўп камига ғам чекиш, айна хатоингдан сани!

Гарчи ҳозир ғам чекиб, кўнгли хуноб, Ҳақ дўстлари,
Зулм аҳли илгида, холи хароб, Ҳақ дўстлари,
Сабр айланг, чекмангиз кўп изтироб, Ҳақ дўстлари,
Айлаган дилни ҳаётдан ижтиноб, Ҳақ дўстлари,
Шу сабабдан интилиб айлар савоб, Ҳақ дўстлари,
Қанчалар назди баланд, олийжаноб Ҳақ дўстлари,
Шу мақомга бўлса етмоқ, муддаоингдан сани!

Энди дўст тутсам ўзимга, кошки тақво аҳлини,
Тарк этиб фосиқлару, дунёни расво аҳлини,
Бевафо бу мол билан, мансабга шайдо аҳлини,
Қалбида иблис макон қурган, бу ғавғо аҳлини,
Оқил эрсанг фурсат ўтмай, топгил уқбо аҳлини,
Эй кўнгил, тарк айла дунё бирла, дунё аҳлини,
Аҳли Ҳақ бўлмоқ улуғ неъмат, Худойингдан сани!

Мен ҳаётимдан мурод, дунё эмасдир муддао,
Чунки, дунёда мукаммал, бўлмағай коминг раво,
То тирикдир тўймағай, инсондаги нафси ҳаво,
Топмадим излаб ҳаётда, мен бу дардимга даво,
Йўқ иложим бўлмаса энди Яратгандан шифо,
Саҳвиё, қурбат тилаб, қилғил дуою-илтижо,
Йўқ ажаб, бўлса натижа, бу дуоингдан сани!

Биринчи қисм тугади.

II-Қисм

Кириш:

Бу иккинчи қисмда 2000 йилдан то 2004 йил май ойигача Навоийдаги 64/46 зонада ёзилган шеърларим ва ундан кейинги Тўрткўлдаги пайтларимда ёзган шеърларим жамланган. Навоий зонасидан бир дафтар тўла шеъримни уйга жўнатишга муваффақ бўлгандим. Яна битта шеър тўла дафтарим йўқолганди. Бу ердаги шеърлар ўша уйга юборилган дафтардан олинган.

Сен ёлғиз эмассан

Сен ёлғиз эмассан, атрофинга боқ,
Ҳаётда бахтини топмаганлар кўп.
Қилиб турли-туман орзу ҳаваслар,
Лекин мақсадига етмаганлар кўп.

Кўп нарсани кўзга илмай яшарсан,
Қайси йўл ҳақлигин билмай яшарсан,
Билганинга амал қилмай яшарсан,
Сендек муаммоси битмаганлар кўп.

Синовли Оламни яратган Аллоҳ,
Ҳар ким ҳар хил, мусибатга мубтало.
Кутмаган жойингдан, чиқади бало,
Имтиҳондан омон, ўтмаганлар кўп.

Қиёмат бўлгунча, дунё йўқолмас,
Дину-имон, аҳли тақво йўқолмас,
Золим, кофир, фисқу-расво йўқолмас,
Динини дунёга сотмаганлар кўп.

Сен дунёинг обод этмоқчимисан?,
Орзу ҳавасларга етмоқчимисан?,
Ишларинг битказиб кетмоқчимисан?,
Бирор ишни эплаб кетмаганлар кўп.

Бир кун бир ўзгариш бўлишин кутиб,
Хайрли кунларни келишин кутиб,
Ёки имон билан, ўлишин кутиб,
Разолат йўлини тутмаганлар кўп.

Инсонга берилган, нафс деган офат,
Нафсимиз истайди роҳат фароғат,
Оқиллар ичинда ҳузур ҳаловат,
Кутганлардан кўра, кутмаганлар кўп.

Ҳаётда ташвишу-машаққат камми?,
Ҳаётни мазмуни, қувончу-ғамми?,
Имон қайғуси йўқ, одам, –одамми?!
Бу қайғу таъмини, тотмаганлар кўп.

Мўътабармиз махлуқотлар ичинда,
Яшайпмиз дилга ётлар ичинда,
Билсанг, қалби огоҳ зотлар ичинда,
Кечалар ғафлатда ётмаганлар кўп.

Шундайин ҳаёт бу, ўткинчи рўё,
Ўзингни ёлғиз деб, ўйларсан гўё,
Беш кунлик дунёда, билсанг Саҳвиё,
Сандек ғам ташвиши битмаганлар кўп.

Умар ибн Ҳаттоб разияллоху анхуга бағишлаб ёзилган Мадҳия

Аввалги, Салафлар сафида турган,
Аллоҳнинг расулин, хизматин қилган!
Унинг аҳли жаннат, эканлигига,
Пайғамбарнинг Ўзи, башорат берган.
Адолатга посбон бўлган-Умар бу!
Номи тилда дoston бўлган-Умар бу!

Абу Бакр Сиддик, ҳамкори бўлган,
Асҳоби Киромнинг, Сардори бўлган,
Тамал тошин куйиб, Исломни, аввал,
Салтанатини «пойдевори» бўлган!!
Кўкси динга қалкон бўлган-Умар бу!
Номи тилда дoston бўлган-Умар бу!

Олам аҳлин қилиб диндан хабардор,
Ҳақ йўлига жон тикди, бу ҳукмдор!
Рум–Форс каби куфр салтанатини,
Мағлуб этиб, қилди Исломни ошкор!
Куфр аҳлига, армон бўлган-Умар бу.
Номи тилда, дoston бўлган-Умар бу!

Фатҳ бўлди, даврида, Қуддус била Шом,
Оламга тарқалиб, юксалди Ислом.
Адолатни шиор қилиб ҳамиша,
Қолдирди таъриҳда, «одил»-деган ном!
Даври, дорул-омон бўлган-Умар бу!
Таъриҳларда, дoston бўлган-Умар бу!

Тавҳидни тиклаган, Бутни синдирган,
Мажусийларни оташин сўндирган,
Дунё аҳлин ҳидоятга жалб этиб,
Оламни имон нурига, тўлдирган.
Тутган йўли, Қуръон бўлган-Умар бу!
Номи элда дoston бўлган-Умар бу!

Қайсидир бир ўғли қилганда исён,
Уни жазолашга, берганди фармон.
Бир оч етимларни учратиб тунда,
Ўзи таёрлаб, сўнг едирганди нон.
Эл дардига, дармон бўлган-Умар бу!
Халқларга меҳрибон бўлган-Умар бу.

Ипакдан ҳуллалар киймаган эди,
Маишату-роҳат қилмаган эди,
«Устимда,омонат уммат иши»–деб,
Кеча-кундуз тиним, билмаган эди.
Ҳақ йўлида, қурбон бўлган-Умар бу!
Адолатда, достон бўлган-Умар бу!

Гуноҳларин эслаган он-йиғлаган,
Қилса-тиловати қуръон,йиғлаган,
Жаннат башоратин олган бўлсада,
Қиёмат хавфидан гирён, йиғлаган!
Ўз ҳолига, ҳайрон бўлган-Умар бу,
Кўп ибратли, инсон бўлган-Умар бу!

Кўрсатди Оламга, шижоат-надир?
Аллоҳ ва Расулга, итоат-надир?!
Зулму-зўравонлик тўла оламга,
Кўрсатди исломий адолат-надир?!
Мўминларга Султон бўлган-Умар бу!
Шуҳрати, жовидон бўлган-Умар бу!

Душманга қаттиққўл, дўстга мулойим,
Аллоҳнинг қўрқинчи, дилинда доим.
Сизнинг шаънингизга мадҳия битдим,
Ажрингизни улуғ қилғай Худойим!
Тақвоси бепоён бўлган-Умар бу!
Ахир, жаннатмакон бўлган-Умар бу!

Бир парча нон ҳақида шеър

Навойи шаҳрига яқин бир жойда,
Саҳрода бор экан, улкан цемзавод.
Шуни яқинида бор қамоқхона,
Ён атрофи чўлдир, бошқа нарсаяйқ.

Зулмда бу лагер, дунёга машҳур,
Гарчи турмалар кўп, Ўзбекистонда.
Мен ҳам ўша жойда жазо ўтадим,
Мустақиллик деган “бахтли” замонда.

Гапни чўзишга ҳам, асли ҳожат йўқ,
У давр таърифи, сиғмас китобга,
Мен сизга ҳикоя қилмокчи эдим,
Бир воқеъа эсга тушди, шу тобда.

Намоз ўқиганни уриш жазолаш,
Ҳибсга тикишлик эди, оддий ҳол.
Бир кун мени, намоз ўқиган учун,
Ҳибсга тикдилар, жазолаб дарҳол!

Ҳибсхона деган жойи, Лагери,
Ичидаги, махсус зулм ўчоғи.
Бу ердаги зулм, чандон оғирроқ,
Унутилмас ҳануз, алами–доғи.

Кичкина тор хона, ҳаммаёқ бетон,
Бурчакда бир пақир, эҳтиёж учун.
Яхшилаб калтаклаб, тикар шу ерга,
Эшик ҳам бекилар, эҳтиёт учун.

Совуқда очпикдан қалтираб қақшаб,
Ўтирасан ўн кун, ёки ўн беш кун.
Шукрим, бу уқубатлар, азоблар,
Чекар эдик, намоз ўқиган учун!

Бир совук кечада ётардим титраб,
Хаёлимдан кетмас эди, сира нон.
Оғзимга тош солиб, сўрардим доим,
Очлик ҳам забтига олганди, ёмон.

Очликку, доимо ойлару–йиллар,
Бизни қийнайдиган ҳамроҳимиздир.
Билмадим, шу кеча қийналдим қаттиқ,
Аллоҳ бу ишларга, гувоҳимиздир!

Беихтиёр, кўнгил айларди нола,
Ё Раббим, йўқ менда очликка тоқат.
Ўзинг биласанку, ожизлигимни,
Сендан тилагим шу, парча нон фақат!

Ўзинг Қодирсанку, қудратли Аллоҳ,
Менга нон етказиш, Сен учун осон!
Лекин, ақл айтарди менга шу пайт,
«Буни иложи йўқ, мутлақо нодон!»

Мани бу истагим, аслида, асло,
Мумкин эмасдек туюларди менга.
Лекин, дилим Ҳақдан, узмасди умид,
Тиларди, “эй Аллоҳ, осон” деб, Сенга!

Бир пайт эшитилди, оёқ товуши,
Тош йўлакдан соқчи, келарди юриб.
Товуш келиб тинди, мени хонамга,
Бақира бошлади, эшикни уриб!

Бақирарди, “ётиш вақти бўлди” деб,
Очди мени эшигимни дарчасин.
Мулойимлик билан деди–“ма, ушла!”
Узатарди менга, бир нон парчасин!

Нонни бериб яна, кетди йўлига,
Тарақлатиб ёпиб, темир дарчани.
Мен турардим бўлиб, ҳайрон лол,
Ҳайрат билан ушлаб, бу нон парчани.

Кимгадир туюлар балки, оддий ҳол,
Бунга англамасдир, кўрмаган одам.
Лекин, у ҳолатда эй, биродарлар,
Бундай нарсаси мумкин эмас эди, ҳам!

Йиғлаб яратганга шукрлар айтдим,
Аста едим нонни, “бисмиллоҳ” дея.
Ҳатто ярмин емай, тўйиб ҳам қолдим,
Пичирлардим “Қодирсан Аллоҳ,” дея!

Лекин, шу нон каби, ширин лаззатли,
Туюлмаган менга, бошқа таомлар.
Мен ҳануз туяман, уни таъмини,
Ундай ширин эмас, кейинги нонлар!

Нега айнан шу кун, бошқаларгамас,
Менга олиб келди, бу соқчи нонни?!
Бир кун олдин, ўша калтаклаганди,
Ҳайвонни ўрнинда кўрмас, инсонни!

Мен Ҳақ Қудратига қойиллар қолиб,
Ақлим бовар қилмас, шукр айтардим.
Нега менга нонни олиб келганин,
Соқчи билмаса ҳам, мен хўп билардим.

Қудратли зотлигин яна бир марта,
Қилган эди Роббим, менга намоён!
Аллоҳнинг Қудратин, чексизлигига,
Мен яна бир марта, келтирдим иймон!

Бу воқеъани мен, шеър қилиб ёздим,
Балки ибрат бўлар, бир мусулмонга?!
Аллоҳнинг Қудратин эслашлик билан,
Шояд қувват бўлса, бир оз иймонга?!

Шошаётирман?

Нега юрагимда ором йўқ мени,
Билмайман қаёрга шошаётирман?
Ҳаёт йўлимдаги, ҳар турли жарлик,
Ҳар турли довондан, ошаётирман?!

Нимага эришдим, нима йўқотдим?,
Ақлим бовар қилмай, ҳайратда қотдим,
Орзу-ҳавас деган «уммон»га ботдим,
Энди тошқин каби, тошаётирман.

Ё ўтмиш ё келажакни қилиб ёд,
Гоҳида ғам босиб, гоҳида дил шод,
Шундай яшар экан, асли одамзод,
Мен ҳам шулар каби, яшаётирман!

Излама

Эй кўнгил энди сан, Худодан ўзга,
Дардли юрагинга, сирдош излама!
Тополмадинг ҳануз, дилга дилором,
Топмассан!–қил сабр, бардош,излама!

Ботилга алданма, Ҳаққа таянгил,
Жаҳолат хобида ётма-уёнгил,
Аллоҳга таваккул айла, суянгил,
Ёрдамга қариндош-қардош излама!

Уқбони бой берма, “дунё топай» деб,
Зарарга учрама «Фойда топай» деб,
Ҳақ зикридан қолма «ошно топай» деб,
Ҳақдан ўзга дилга- “дилдош» излама!”

Нечун ёлғиз ўтди, ҳазрат Навоий?,
Зокир дилга сиғмас, фикри ҳавоий,
Назм бўлса дил дардига, давоий,
Энди бошқа «умр йўлдош» излама!

Дилинг яхшиликга умидвор бўлсин,
Яна муҳаббат-хавф ҳам, бор бўлсин,
Аллоҳга суянгил, -Аллоҳ ёр бўлсин,
Фикрингни чалғитар, кундош излама!

Аллоҳ фазли била кўрсатиб карам,
Раҳматига олса, Халлоқи олам,
Аллоҳ ризосига етишсанг, не ғам?,
«Ортимда қолсин»деб, издош излама!

Бўлолмас

Ҳар кишини бу ҳаётда ўрни бор,
Ҳар ким ҳам соҳиби Имон, бўлолмас!
Ҳар кимга насиба-тақдир бўлакдир,
Ҳар кимса Жаннатий, Инсон бўлолмас!

Кўп экан оламда яхши-ёмонлар,
Одам суратида юрган-шайтонлар,
Тафаккур айлангиз эй, мусулмонлар,
Ҳар ким Ҳақ йўлинда, қурбон бўлолмас!

Ким қутқарар агар, биров йиқилса,
Мангу шақоватдан қочиб қутилса,
Ҳар кимсанинг тақдирига битилса,
Офат-балолардан, омон бўлолмас!

Ношукрмиз, асли-шукр қилмаймиз,
Аллоҳнинг ҳикматин, фикр қилмаймиз.
Ҳукмига бўйсуниб зикр қилмаймиз,
Ҳеч махлуқ одамдек, нодон бўлолмас!

Тушунаяпман шу ёшга, етганда,
Қўп қадрдонлар дунёдан ўтганда,
Асли бу дунёга келган ҳар банда,
Фақат меҳмон бўлар, мезбон бўлолмас!

Ўтамыз бир куни қолар бу дунё,
Қувончу-ғамлари, туш каби гўё,
Эй, Саҳвий сан шуни унутма, асло,
Тавбага ҳар кимда, имкон бўлолмас!

Ярашгай

Булбул навоси, гулзора ярашгай,
Ҳазил-мазаҳ, дўсти-ёра ярашгай!
Нозу-ибо, гўзал ёра, ярашгай,
Мажнунлик ошиқу,-зора ярашгай!

Сабр айламоқ керак, ҳар балосига,
Шукр қилмоқ керак, ҳар қазосига,
Тавба қилмоқ керак, ҳар хатосига,
Тазарруъ ҳам, гуноҳқора ярашгай!

Ҳақ амрини агар, ушласанг қоим,
Худо учун бўл бошқага, мулойим,
Адоватда яшаганлар ҳар доим,
Тополмаса ўзга чора, ярашгай.

Ҳақ йўлга кирдингми, ҳиммат қил энди,
Худонинг дўстини ҳурмат қил энди,
Бандасан Хожанга, хизмат қил энди,
Тавозеълик, мардикора ярашгай!

Тақдир экан қолиб, зулмат тунинда,
На балолар етди, дунё уйинда,
Охир Оқибат қиёмат кунинда,
Тушсак агар, эътибора, ярашгай.

Гарчи, дўстлар ҳозир билмас, қарашмас,
Ҳаётда ким хато қилмас, адашмас?!
Деманглар; “шеър ёзиш санга ярашмас,”
Аста секин,бора-бора ярашгай!

Ибрат

Саҳарларда тинмас чигиртка
Субҳидамда қушлар чуғурлар.
Қурбақалар қурриллайди гоҳ,
Онда-сонда бедана сайрар!

Булбуллар ҳам қилади нола,
Мусичалар ҳаргиз тинмайди.
Қалдирғочлар қилади, қий-чув,
Одамлар, эътибор қилмайди.

Хўроз қичқиради, эрталаб,
Бу ҳаммага, маълуму машҳур.
Чумчуқлару, каптарлар, бошлар,
Чирриллашиб, унга бўлиб жўр!

Ушбу ҳолат этади давом,
Эрталаб, то чиққунча қуёш.
Қушлар кутиб олар, қуёшни,
Буни билар барча, кекса-ёш.

Кун ботиши олдидан яна,
Бошланади, қушларни сози.
Эшитилар ҳар, эртаю-кеч,
Бизга таниш қушлар овози.

Қуръонда бир оят ўқидим,
Англаб олишга шу етади.
“Осмонлару-ерда бор нарсა...,
Аллоҳ учун тасбиҳ айтади!”

“Қурбақани қурриллагани,
Тасбиҳ”–деган, ҳадис ҳам бордир.
Демак тасбиҳ айтади улар,
Инсон фақат, безътибордир!

Қушлар қуртлар Роббисин танир,
Танимайди, лекин Одамзод.
Инсу-Жиндан бошқа жонзотлар,
Кеча кундуз Ҳақни қилур ёд!

Ғафлатда ўтказмай ҳаётни,
Ҳақни топсак, яхши бўларди.
Инсонмизку, ўша қуллардан,
Ибрат олсак, яхши бўларди!

Соғинч

Тутқунликда сиқиламан гоҳ,
Роббим мани ҳолимдан огоҳ!
Сенга нидо қилурман Аллоҳ,
Даргоҳингни соғинар дилим!

Мўминларга Сен ваъда қилган,
Китобингда хабари келган,
Аҳли тақво, доим интиланган,
Жаннатингни соғинар дилим!

Каломингда таъриф айлаган,
Аҳли жаннат йўлини пойлаган,
Эҳтиросин дилга жойлаган,
Ҳурларингни соғинар дилим!

Бир бедаво дардга дучорман,
Сиқиламан, кўп интизорман,
Неча йиллар ғурбатда зорман,
Диёримни соғинар дилим!

Оғир экан, тутқунни ҳоли,
Ўзида бўлмайдими, ҳаёли,
Қафасдаги қушнинг мисоли,
Осмонларни соғинар дилим!

Ғамгин дилни, кўп озорлаган,
Гўё, ўзи томон чорлаган,
Кўнгил осмонида порлаган,
“Юлдуз”ларни соғинар дилим!

Сахро кезсам гўёки, Мажнун,
Ювса дилим дардларин Жайхун,
Тиканли сим ортида маҳзун,
Дарёларни соғинар дилим!

Учсам қушдек, самони кўзлаб,
Топаолсам мақсадни излаб,
Бешта ўнтамас, балки юзлаб,
Ошноларни соғинар дилим!

Дилим орзуси битмас энди,
Кўзларим ҳам ёш тўкмас, энди,
Етар шунчалик ғам, бас-энди,
Уқболарни соғинар дилим!

Лаҳзалар

Агар учраштира тақдир ногаҳон,
Балки, сени кўрмоқ имкони бўлар.
Яна туйсам, ширин туйғуни шу он,
Балки, дилим яна қувончга тўлар?!

Ҳаётда яшашни қадрини асли,
Лаҳзани қадрига етган, билади.
Шу ширин лаҳзалар борлиги билан,
Бу ҳаёт ҳам тотли, ширин бўлади.

Унутгил ўтмишу, келажак барин,
Сен шу лаҳзаларда, яшаб қол энди.
Ҳаётдаги ойу-йиллардан эмас,
Ўша лаҳзалардан, лаззат ол энди.

Юз йиллик умр ҳам ўтади-кўрсанг,
Ичида саноқли лаҳзалари бор.
Шулар хотирангда қолар, эсласанг,
Қолгани беқадр ўтади бекор!

Ўлимни унутма, бир кун ўласан,
Ахир бу дунёда ким ҳам ўлмайди?
Аммо, эслагудек бу ширин дамлар,
Ҳар бир яшаб ўтгувчида бўлмайди.

Лекин, бу туйғулар ширин лаҳзалар,
Ҳаётнинг мазмуни эмасдир, асло.
Шунинг учун берилганмас бу ҳаёт,
Бундай тушунишлик, бу улкан хато!

Дунёга муҳаббат

Дунёга муҳаббат, синдирар экан,
Инсон дилидаги номус ғурурни.
Йўқ қилади ҳатто, дилдан тақвони,
Тотимайсан, сўнг имоний сурурни!

Қилмай қўяр одам, кейин эътибор,
Атрофга, элу-юрт маломатига.
Ҳеч кимни сўзига этмайди парво,
Қаранг, бу севгини «каромати»га.

Кўр қилиб қўяди, одамни гўё,
Шубҳасиз, бу севги бир шайтонийдир.
Бундайин муҳаббат, ўткинчи, рўё,
Унинг лаззати ҳам, лаҳза, онийдир!

Бу каби севгига, бўлсанг мубтало,
Тугамайди, кейин ҳеч муаммоси.
Чалғитади сени, асл мақсаддан,
Иблисни ҳам айна, шу муддаоси!

Бахти ҳам шу бўлар, қайғуси ҳам шу,
Ҳаёт фурсатини бой берар инсон.
Биз дунёга шунга яралмаганмиз,
Шундан иборатмас, фақат-имтиҳон!

Айлади

Ё раб, Сенга айтмай, кимга айтаман?,
Ғамлар юрагимни вайрон айлади.
Зулм ҳаддан ошди, сиғмас дилимга,
Ақли-хушим олиб, ҳайрон айлади.

Нечук ҳасратларда куйди, бу диллар,
Баён қилолмайди сўзласа тиллар,
Ғурбатрдаги ғариб ман, неча йиллар,
Қайси айбим учун, сарсон айлади.

Бир тафаккур қилиб қарайман гоҳи,
Қуръон, узоқ таърихларнинг гувоҳи,
Нима бўлган эди-айтинг, гуноҳи,
Юсуфни, ким банди зиндон айлади?!

Булбуллар ҳам айрилгай, гулзориндан,
На фойда энди-оҳу-зориндан,
Йироқ тушса ким, эл-юрти-ёриндан,
Ҳасрат ўти бағрини қон айлади.

Ё раб, дилимизга, сабру-сабот бер,
Бир тақволик, офиятлик ҳаёт бер,
Икки дунёда ё Роббим нажот бер,
Банданг Сенга, арзин аён айлади!

Мен қуръондан ўқиб, қилдим дилга жо,
Кимда бўлса Ҳақдан, хавф-ила рижо,
Кимки, сабр қилиб қилса илтижо,
Аллоҳ, мушкулларин осон айлади!

Ё раб, Ўзингдирсан ёлғиз Илоҳим,
Ҳузурингдир, балолардан паноҳим,
Кечир фазлинг билан, кўпдир гуноҳим,
Саҳвий, гарчи Санга, исён айлади!

Унутар

Ҳаётда, одамни-одам унутар,
Акаю-ука ҳам, дўст ҳам унутар.
Севганинг ҳам, фарзандларинг ҳам,
Доимо чекмагайлар ғам, унутар!
Лекин, ота-она ҳеч унутолмас!
Дилдан меҳр риштасини узолмас!

Бировлар эслагай ёнида бўлсанг,
Дарҳол унутарлар-қамалиб қолсанг.
Тиригингда ҳали, эсламас биров,
Кимга керагинг бор, мабодо ўлсанг?!
Фақат ота-она, ҳеч унутолмас!

Юрагида фарзанд доғи йўқолмас!
Ҳаммага кераксан, бўлсанг амалдор,
Катта-кичик барча қилар эътибор.
Эй, банда туққанинг танимас сени,
Бўлсанг агар ғариб, бечора ночор.
Фақат, ота-онанг, сендан кечолмас!
Ким бўлсангда, сени ҳеч унутолмас!

Сен мансабда, чўққиларга чиқсанг ҳам,
Бутун олам мулкин қўлда тутсанг ҳам.
Ҳам ўзингни, ҳам яратган Роббингни,
Отаю-онангни гар унутсанг ҳам.
Балки излаб сени, топиб боролмас!
Тирик бўлса улар, ҳеч унутолмас!

Ё сени халқ жеркиб уриб-сўксалар,
Бадном қилиб “жиноятчи” десалар,
Элу-юртда зарра қадринг қолмаса,
Юз ўгирса барча ёшу-кексалар,
Фақат, ота-онанг унутаолмас!
Улар ҳаргиз сендан, кўнгил узолмас!

Яхши кунларингда кўп бўлар йўлдош,
Хабар олар, барча қавму-қариндош,
Ҳеч кимга керагинг бўлмайди билсанг,
Агар бир балога дуч бўлса, бу бош,
Ёлғиз ота-онанг унутаолмас!
Қайда бўлсанг излаб боришдан толмас!

Ҳаёт шафқатсиздир унутар одам,
Одамни бу ҳаёт қўймас хотиржам,
Элу-юрт оила, қариндош дўст-ёр,
Ҳеч нарса бўлмайди, дилинга малҳам,
Қолса, номинг қолар бошқаси қолмас!
Асрлар қолиши мумкин, йўқолмас!

Эй, банда Роббингни танигил билгил,
Сенга не буюрган ҳукмини қилгил,
Бир кун ҳузурига борасан шаксиз,
Ўткинчи дунё бу, сен ҳам унутгил,
Унутилар таърих-замонлар қолмас!
Лек яхшилиқ, унутилмас, йўқолмас!

2004 йил.

Дарли туйғулар

Дилимда туйғулар уради туғён,
Ҳар кеча мен учун, ором уйқу йўқ.
Таскин беролмадим, ўзимга ҳамон,
Яхши бўлармиди бўлса туйғу, йўқ?!

Балки орзуларим-балки армонлар,
Менга ҳаром қилди, уйқуларимни.
Балки дилимдаги ўтли туғёнлар,
Уйғотар, ухлаган туйғуларимни.

Келажагим мавҳум-ўтмишим маҳзун,
Дилимда доимо, умид хавотир.
Мени фикрларим тиниқмас ҳали,
Доимо ноаниқ-паришонхотир.

Беғалва-беташвиш ҳаётни излаб,
Ҳозирги кунимни, унутиб бўлдим.
Тарк этиб тугамас, ғам-изтиробни,
Шеър ёзиш баҳона,айтиб қутулдим.

Дилдан чиққан оҳим

Ўтмишга назар солиб қарасам,
Доимо шерият ҳамроҳим бўлган.
Ўн ёшимдан бошлаб, қирқ ёшимгача,
Шеър ёздим Ҳақ Ўзи, гувоҳим бўлган.

Сабабдир ҳар нарса, балою офат,
Балки бу ҳам Ҳақдан бўлган, каромат,
Шу ёшгача келдим, соғу саломат,
Яратганнинг Ўзи, паноҳим бўлган!

Баён этдим, шеърларимда армоним,
Кўрган кечирганим, яхши ёмоним,
Эътиқоду, ақидаю, иймоним,
Ёлғиз Аллоҳ, менинг Илоҳим бўлган!

Ёзганман, шеър қилиб жафоларимни,
Балки орзуларим, дуоларимни,
Юрак сиғдиrolмай, хатоларимни,
Тангри олдида кўп, гуноҳим бўлган!

Менинг ёзганларим, бир ибтидодир,
Яратган Аллоҳга қилган, нидодир,
Басдир, манга агар Тангрим ризодир,
Шеърлар, дилдан чиққан бир оҳим бўлган!

Афсус қиламан.....

Мен доимо ўтмишим учун,
Афсус қилиб яшаб келаман.
Бугунги кун учун, эртага,
Ҳар доим шу, афсус қиламан.
Фақат афсус қилиш қисматим,
Афсус қилиш ҳаётим бори.
Хурсанд яшаш гарчи, ниятим,
Лек, инсонни йўқ, ихтиёри.

Бу дунёку ўтиб борадир,
Афсус билан, армони билан.
У дунёда қилмайин афсус,
Кошки, Роббим эҳсони билан!

Муножот

Илтижо айларман, Парвардигорим,
Сенга маълум, ҳоли харобим менинг.
Дилимда изтироб, йўқдир қарорим,
Даргоҳинга етгай, хитобим менинг!

Менда собит туриш учун, журъат йўқ,
Ўз нафсимни ўнглагудек, қувват йўқ.
Ожиздирман, нотаваонман қудрат йўқ,
Ўзимгадир қаҳру-итобим менинг.

Ҳеч банда қолмасин мендек, диёрсиз,
Ўтди умрим абас, ғурбатда, ёрсиз,
Нетай, бўлсам бечора-ихтиёрсиз?,
Тугармикан, дарди-азобим менинг?!

Ё Раб, Ўзингдан ўзгаси ёлғондир,
Агар Сен сақласанг, жоним омондир,
Мани бесабрлик айбим, ёмондир,
Қийнар дилимни, изтиробим менинг!

Инсон зоти борки, кичикми-катта?
Офиятга муҳтож эрур, албатта,
Дарбадарман, ажал етса ғурбатда.,
Қайда қолгай, хоки-туробим менинг?!

Биламан айбим кўп, яхши амал кам,
Дилим тўла, битмас армону –алам,
Ўзинг раҳм айлагил, Қудратли Эгам,
Осон эт, охираат ҳисобим менинг!

Меҳр ҳақида

Одам вужудида яшар, ёвуз нафс,
Шайтоний ҳирс била ҳаво яшайди.
Ўз нафсини синаб кўрган билади,
Разолат манбаси юҳо яшайди.

Шунинг чун адашар одамзод гоҳо,
Босар тусарини билмай қолади.
Шу сабаб ўзига бино қўйиб ҳам,
Бошқани кўзига илмай қолади.

Албатта бу бари ўткинчи ҳолат,
Ёки тажрибасизликдир ғўрликдир.
Ёши катталарда бўлса бу сифат,
Унда жаҳолатдир, балки кўрликдир!

Ёшликда кўпчилик қилади хато,
Ота-онасини қадрига етмас.
Турли ҳавасларга бўлиб мубтало,
Алами дилида қолар, унутмас.

Ёшлик жинниликнинг бир бўлагидир.
Вақти келиб, бу дард бир кун битади.
Ҳаёт ўзи берар таълим, тарбия.
Ақли камолига охир етади.

Синади дилдаги кибру-ҳаво ҳам,
Ўзига ўзи ҳам ҳайрон қолади.
Кўринар кўзига савоб, хато ҳам,
Дилида кўп алам, армон қолади.

Йўқолгач кўнгилдан шайтоний ҳирслар,
Меҳру-муҳаббатни кўмсайди энди.
Қилган хатоларин кўрсатиб виждон,
Уни қийнар доим, қўймайди энди.

Меҳрга муҳтождир барча одамзод,
Шу билан ўзаро боғланар диллар.
Меҳр билан бўлар кўнгиллар обод,
Қуёш нур сочмаса, очилмас гуллар.

Сен ҳам тушунасан бу ҳақиқатни,
Очилар бир куни, кўр бўлса кўзинг.
Мен ўзим тушуниб билганим ёздим,
Вақтида тушуниб қоласан ўзинг.

Мақсадим шу, менинг хатоларимни,
Сизлар ҳам қайтадан такрорламанглар!
Меҳр-муҳаббатни ғанимат билинг,
Меҳр манбаси Дил,—озорламанглар.

Меҳрга муҳтождир оламда барча,
Қуёшни меҳридан унар, наботот.
Меҳрсиз яшолмас, ваҳший ҳайвон ҳам,
Буни англаши шарт!, инсон деган зот!

Меҳрга чақириб ёздим бу шеърни,
Ўқиганларга бир насиҳат бўлсин!
Меҳр-оқибатли бўлинг доимо,
Бемеҳрга, меҳрингиз ибрат бўлсин!

Муборак айём

Кириб келаяпди муборак айем,
Азиз айёмингиз, муборак бўлсин!
Келяпди ибодат моҳи Рамазон,
Ҳайит айёмингиз муборак бўлсин!
Дўстлар айёмингиз муборак бўлсин!

Гуноҳимиз кечгай, Парвардигорим,
Имон нуридан ёришсин диёрим,
Шод бўлинг мусулмонлар, дўсти-ёрим,
Улуғ айёмларинг муборак бўлсин!
Азиз айёмларинг муборак бўлсин!

Аллоҳ қабул этгай ибодатингиз,
Исломига хос бўлсин урф-одатингиз,
Бузулмагай ҳузур-ҳаловатингиз,
Тинчлик айёмлари муборак бўлсин!
Қувонч айёмлари муборак бўлсин!

Букун яхши тилак-дуо қилайлик,
Шукрлар айтиб илтижо қилайлик,
Ҳақ раҳматин умид-рижо қилайлик,
Умид айёмингиз муборак бўлсин!
Сурур айёмингиз муборак бўлсин!

Тарқалмоқда нурни тўсган булутлар,
Имон нуридан ёришгай бу юртлар,
Ажабмас бу ғамлар тез унут бўлар,
Нурли айёмларинг муборак бўлсин!
Қутлуғ айёмларинг муборак бўлсин!

Дилимизда кўпдир эзгу тилаклар,
Илтижога кўтарилгай билаклар,
Дуо қилинг-«омин»дегай, Малаклар,
Дуо айёмлари муборак бўлсин!
Раҳмат айёмлари муборак бўлсин!

Қиларлар бир-бирига, хайри-эҳсон,
Бири-бирини йўқлар, дўст қадрдон,
Қўнгиллар покланар, жўш уриб имон,
Эҳсон айёмингиз муборак бўлсин!
Ғуфрон айёмингиз муборак бўлсин!

Бири-бирини кечирсин одамлар,
Қўнгилда қолмагай ғашлик бу дамлар,
Арисин мўминлар бошидан ғамлар,
Нажот айёмлари муборак бўлсин!
Нусрат айёмлари муборак бўлсин!

Ўтган мўминлар руҳлари шод бўлсин!
Ҳақ раҳматила ғамдан озод бўлсин!
Айтинг икки дунёмиз обод бўлсин!
Тасбиҳ айёмингиз, муборак бўлсин!
Такбир айёмингиз, муборак бўлсин!

Зиёда бўлсин нури имонингиз,
Ёритсин бу нурлар хонадонингиз,
Баракотли бўлиб Рамазонингиз,
Ибрат айёмлари муборак бўлсин!
Даъват айёмлари муборак бўлсин!

Қутлуг айём билан сизни қутларман,
Ҳаммангизга бахт-саодат тиларман,
Шеър билан дил сўзим баён қиларман,
Иззат айёмингиз муборак бўлсин!
Неъмат айёмингиз муборак бўлсин!

Шамоллар

Ёмгир ёғаяпди майдалаб секин,
Вужудимни чирмаб қуршар шамоллар.
Жасадим титратар, хаёлим олар.
Шошилиб, қайгадир қочар шамоллар.

Осмонда ҳам қаро булутлар сузар,
Ёқимсиз тунд ҳаво, кўнглимни бузар,
Юрак туйғуларим бирма-бир узар,
Тўзителиб ҳар томон, сочар шамоллар.

Бетизгин хаёллар олиб қочади,
Беихтиёр, дилим тўлиб тошади,
Гоҳида, нотаниш ҳислар босади,
Телба дилим, ўйнаб учар шамоллар.

Бу нима синоат, билган билдирса.
Гўҳида йиғлатиб гоҳо кулдирса.
Баъзида кўнглимни ғамга тўлдирса,
Баъзан баҳри дилим, очар шамоллар.

Лагер ҳаёти

Саратон,-қиздирар сахро қуёши,
Маҳбуслар қочишга жой тополмайди.
Ҳар кимда бир ташвиш, қотади боши,
Ким тамаки, кимдир чой тополмайди.

Ҳамма одамда бор ташвиш–муаммо,
Дилларда яшайди бир илинж–туйғу.
Ҳар кимни миллати дини бўлақдир,
Лекин, барчасида бор битта орзу.

Одамзод тушса гар, бу карахт ҳолга,
Қадр-қимматлар ҳам поймол бўларкан.
Йўқдир ҳеч эътибор, кексага чолга,
Фикру зикринг нон, чекиш, чой бўларкан.

Бор экан бу жойни тартиб қонуни,
Бўларкан доимий фуқароси ҳам.
Йўқ уларда уй-жой, оила, фарзанд,
Шу ерда яшайди, улар “хотиржам”.

Субхдан-шомгача, ҳар хил эрмаклар,
Бу ерда беқадр–энг бебаҳо неъмат.
Йиллаб шу аҳволда, минглаб одамлар,
Ўтади беҳуда умр-ҳаёт,-вакт.

Бу ерда ҳам бордир, “камбағалу–бой”.
Бордир алоҳида”пул–воситаси”.
Кимда кўпроқ бўлса, сигарет-носвой,
Бу “мамлакат”-да шу, “бойлик”-эгаси.

Бу ерда ўғрию-жосус-фирибгар,
Тиламчи сурбет кўп, ажабланмайсан.
Бу ерга йиғилган жиноятчилар,
Шуларни биттаси, бўласан сен ҳам.

Ана шу муҳитда, яшар одамзод,
На маъно, на мантиқ, бор ҳаётида?
Кутишар бир куни, бўлишни озод,
Бошқа нарсаси ҳам, йўқ бисотида.

Кунлар, ойлар, йиллар ўтаверади,
Тонг отар, кун ботар, ҳар кун шу аҳвол.
Ўлган ўлар, қолган кутаверади,
Буни тушунтириш ҳам, амри-маҳол.

Шуларни ичида яшаб, бизлар ҳам,
Жазо муддатимиз ўтаб борамиз.
Кутиб умид билан, илтижо қилиб,
Хайрли оқибат, сўраб борамиз.

Хор керакмас

Бу олам шундай яралган на чора,
Булбулга гул керакдир хор керакмас.
Ҳамма нарса бир-бирига муҳтождир,
Гулга-булбул керак, шунқор керакмас.

Ҳаётни баҳори қискадир-тездир,
Ҳазон урмай–ишқинг боғида кездир,
Муҳаббатинг меҳри, тафтила қиздир,
Кўнгил баҳору-ёздир, қор керакмас.

Қачон бўлди кўнгил ҳуснинга шайдо,
Фитна бўлди. Кетди, қолмади тақво,
Халойиқ ичра қилди, ишқинг расво,
Менга сен керак, номус-ор керакмас!

Умр ўтди боғланиб, бу тўр симга,
Завқ берадиган наrsa йўқ, дилимга,
Беҳаё гўзаллар билинг, ҳеч кимга,
Сиз каби бевафо, дилдор керакмас.

Боролмайман соғинсам ҳам диёрим,
Йўқ кўнглим олгувчи гул юзли ёрим,
На қилгайман йўқдир ҳеч ихтиёрим?,
Оламда кимга, ихтиёр керакмас.

Ё Раб, ҳарна бўлса қилгувчи Сенсан,
Ҳар ишни жойига қўйгувчи Сенсан,
Кўнгил сирларини билгувчи Сенсан,
Сенга бир-бир, қилиш изҳор керакмас!

Тақдир экан розидурман Худодан,
Қочиб қутулолмас ҳеч ким қазодан,
Хавфим бордир қиёматда жазодан,
Гуноҳларим қилма ошкор, керакмас!

Ўткинчи дунё

Ўткинчи дунёда яшаймиз беш кун,
Баъзида ғамгинмиз, баъзида кулиб.
Эслаймиз, ўтганлар кимлигин гоҳо,
Ё ҳурматла, ёки нафратга тўлиб.

Ота-боболарни, аввалгиларни,
Авлодлар фахр ила, эслашар доим.
Яқинда ўтамиз, биз ҳам дунёдан,
Ажални белгилаб қўйган Худойим.

Пайти келиб, бизни эсга олсалар,
Нима дейишаркан зурриётимиз?!
Ароқхўр, зинокор, фирибгар, фосиқ,
Деган; сифат билан, чиқса отимиз?!

Баъзи бир, имонсиз ўтганларни ҳам,
Эсламоққа лойиқ, сифатлари бор.
Эслашар уларни зурриётлари,
Ҳатто улар билан, қилар ифтихор.

Не бўлди, мўминлар зурриётига?,
Бунча тубанликга, ошно бўлдилар?!
Одамийлик турқин йўқотиб буткул,
Ҳайвондан баттарроқ, расво бўлдилар!

Ширку ноҳақ қатл, ёки ўғирлик,
Судхўрлик, қимору, ароқу, зино!
Ғийбат, тухмат, ҳасад, ё порахўрлик,
Турли фисқу-фасод, фаҳш ила, ғино.

Ҳамма ёқда фошдир бидъат, хурофот,
Қонун ҳам одамлар ихтиросидир.
Илоҳий низомга йўқдир, эътибор,
Имон йўқдир!, Ким шуларга розидир.

Шунинг учун бу юрт, боши чиқмайди,
Турли хил мусибат, офат балодан.
Имонга чақирса бир холис инсон,
“Фитначи” деб, қувилар эл ародан.

Ёки қамалади, ёки йўқ бўлар,
Золимлар уни ҳеч омон қўймайди.
Ўзлари яшайди тинч фароғатда,
Мўминлар қонини ичиб тўймайди.

Таърихлардан маълум бўлгани шуки,
Ё бу халқ бўлади, тез кунда хароб!
Ёки Аллоҳ Ҳақ йўлига қайтариб,
Ўз-раҳмати билан, қилади сероб!

Тилагим ё Роббим, нусратингни бер,
Ҳалок қилма бизни, бу залолатда!
Золимларга, офат кулфатингни бер,
Адлингни кўрсатиб, Сен қиёматда!

Керакмас

Жонни неъматлигин билишинг учун,
Бир марта жон бериб кўриш керакмас!
Имонни қадрига етишлик учун,
Жаҳолатда яшаб ўтиш керакмас!

Агар ҳақиқатни айтмоқчи бўлсанг,
Охиратни ғамин емоқчи бўлсанг,
Худо учун, бир иш қилмоқчи бўлсанг,
Албатта бировлар билиш керакмас!

Ҳаётда яшаркан ҳар турли одам,
Ҳар бирида бордир, албатта бир ғам,
Сени яшашинг учун тинч, хотиржам,
Бировлар тинчини бузиш керакмас!

Тополмадинг дилга маҳраму-сирдош,
Ўз элингдан олиб кетдинг охир, бош,
Ёмон бўлсада гар, қавму–қариндош,
Силаи-раҳмни, узиш керакмас!

Билар эдинг, ўзинг куюнсанг-пишсанг,
Ҳол сўрмаслар, боло чоҳига тушсанг,
Сан ўз мақсадинга агар,–етишсанг?
Ўзгаларнинг, шўри-қуриш керакмас!

Тушунгин, Худонинг ҳикматларига,
Сабр айлагил бало-кулфатларига,
Шукр айлагин, берган неъматларига,
Билки, «тинчлик» учун, «уриш» керакмас!

Дилинга яхшиликни муддао қил,
Фазлин сўраб Яратганга дуо қил,
Мисоқ ваъдасига, энди вафо қил,
Мўмин, ўз сўзидан қайтиш керакмас!

Тикмагил ҳеч бировларга кўзингни,
Эшитмасалар, гапирма сўзингни,
Агар ислоҳ эта олсанг, ўзингни,
Бировларга кўз кўз қилиш керакмас!

Кўз тутганларданман

Эй, мени “уйқу”дан уйғотмоқчи дўст,
Бас қил. – мен “уйқу”дан турганларданман.
Сен мени орзулар қаърига отма,
Мен орзу қилишдан, тўйганларданман.

Сени ҳали орзу-ҳавасларинг кўп,
Ҳали сен тушмаган қафасларинг кўп,
Сен олмаган совуқ, нафасларинг кўп,
Мен бу босқичлардан ўтганларданман.

Мен “улуғ ғоя”лар излаганим йўқ,
Чиқишга қоялар излаганим йўқ.
Ётишга соялар излаганим йўқ,
Қазою-Қадарни билганларданман.

Сен ўз амалидан мағрур одамсан,
Қафасда яшашга мажбур одамсан,
Фақат дунё билан машғул одамсан,
Мен булардан қўлни ювганларданман.

Кимлар фалокатда, кимлар нажотда?
Кимлар пиёдадир, ва кимлар отда?
Шу ёшгача яшаб, ушбу ҳаётда,
Озми-кўпми, китоб кўрганларданман.

Кўзинг ҳақиқатга боқмаса нетай?
Сув пастдан юқори, оқмаса нетай?
Сенга бу сўзларим ёқмаса нетай?
Мен дилда борини айтганларданман.

Суянган “тоғ”ларинг йиқилса- агар,
Қуруқ сафсатага дил тўлса-агар,
Ўз дилинга сўзинг зид бўлса-агар,
Мен бундай йўллардан қайтганларданман.

Сен мени “холис сўз айтмади” дема,
Ё “айтган сўзидан, қайтади” дема,
Ё “тикан симлардан қўрқади” дема,
Тикан сим ортида юрганларданман!

Яккаю–ёлғиздир Худойим мени,
Бандаликдир ишим, ҳар доим мени,
Қўп бўлсада гарчи, хатоим мени,
Ҳақ раҳматига қўз тутганларданман.

Бас, етар турли хил таъна маломат,
Яқинлиги аниқ, келгай қиёмат,
Ҳақ билур, ким борар имон саломат,
Мен ҳам умид қилиб, кутганларданман.

Лўттибозларга

Кимсан ўзи, эркакмисан-қизмисан?,
Ори-номуси йўқ, уятсизмисан?,
Оёқ остидаги кир кигизмисан?,
Сени бу ҳаётда ўз ўрнинг борми?!
Сени ҳам, йигитлик ғуруринг борми?!

Инсонийлик сифатларинг қолганми?,
Виждон,инсоф деган, дилда бўлганми?,
Жасад тирик қолиб, руҳинг ўлганми?,
Маъсиятдан бошқа, ҳузуринг борми?!
Сени заррачалик, ғуруринг борми?!

Уялиш ҳам керак, бу қилмишингдан,
Жирканмайсан ўзинг, қилган ишингдан?,
Ўлганинг афзалку, бу юришингдан!,
Сен ётишга лойиқ ер, гўринг борми?!
Сени ҳайвончалик ғуруринг борми?!

Қандай махлуқ эдинг, ирқинга қара?!
Эркакми-урғочи, жинсинга қара?!
Тенглашга мислинг йўқ, турқинга қара!
Бундай яшамоқга, ҳуқуқинг борми?!
Одамзодга лойиқ, ғуруринг борми?!

Аёлларга иснод– кўзингдан уёл!
Жирканч башарангдан, юзингдан уёл!
Ҳеч йўқса, бошқамас, ўзингдан уёл!
Ҳаётда, сени «бахт», суруринг борми?!
Эй, номи йўқ махлуқ–ғуруринг борми?!

Гўдакларга

Эритади тошюракларни,
Гўдак юзидаги кулгулар.
Беихтиёр, эрийди қалбинг,
Уйғонади, меҳр туйғулар.
Бу албатта, ширин ва ажиб,
Балки фитна ўшади, бироқ.
Шаксиз улуғ, неъмат экан бу,
Дилинг ўртар соғинчу, фироқ!
Балки инсон зотини қалби,
Чарчаса, бу дунё ғамидан.
Юзин қўйиб гўдак юзига,
Қувват олар, гўдак дамидан.
Кўрганида мусаффо юзин,
Унутади, ушбу дунёни.
Унинг меҳр кучи, шундайки,
Тиз чўктирар ҳатто, подшони!
Уни ожиз, заиф танаси,
Кучлироқдир, паҳлавонлардан.
Унга таслим бўлади, барча,
Яхшилардан ҳам ёмонлардан.
Қандай ажиб, қадрли экан,
Одамзодни гўдаклик чоғи?!
Орзу қилиб қўмсайман энди,
Қани Ота-Онам қучоғи?!
Начора, бу хаёлим менинг,
Бир ёлғончи тасаввур, халос.
Бор экан бу ҳаёт босқичин,
Ҳикматлари, ўз даврига хос.

Аллоҳ унутмайди

Ўлсам агар хору-зорликда,
Тутқунликда, ғарибу нолон.
Эшитсангиз, қайғуриб йиғлаб,
Охир унутарсиз, опажон.
Балки йиғлар эшитган онда,
Вафотимни, аҳли аёлим.
Аза тутар ғам чекар, аммо,
Унутади бир кун, хаёлим.
Йиғлар балки, эшитса синглим,
Ёки ака-укам, тўкар ёш.
Озми-кўпми вақт ўтгач, секин,
Унутади, қариндош-қардош.
Унутади дўсти-ёронинг,
Унутишар таниш-билишлар.
Унут бўлар, барча ғам-ташвиш,
Унут бўлар, ўйнаб-кулишлар.
Шундай асл воқеълик, фитрат,
Шундай, ушбу ҳаёт қонуни.
Хоҳлаймизми йўқми, барибир,
Ўзгартира олмаймиз уни.
Лекин унутмайди ҳеч кимни,

Ҳеч нарсани Қудратли Аллоҳ!
Булар бир кун, қиёмат қоим,
Тириламиз, шубҳасиз Валлоҳ!!
Ҳар нарсани билади Аллоҳ,
Кимдан рози-кимдан норизо?!
Маълум бўлар, ҳар кимга лойиқ,
Мукофот бирла, мангу жазо!

Бўлмас

Дегайлар; «бу дунё «бозор»га ўхшар»
Бормикан бир бозор.ғавғоси бўлмас?!
Ҳамма фойда кўзлайди бу «бозор»дан,
Лекин ҳар кимнинг ҳам «савдоси» бўлмас.

Бунчалар мафтункор дунё матоси?
Бўлган эмас ҳеч кимсага вафоси.
Шудир асли одамзоднинг хатоси,
Топган дунёсининг фойдаси бўлмас!

Кўплар ғафлат уйқусида ётибди,
Кўплар дунё учун динин сотибди!
Ким қайси йўл билан давлат топибди?
Имони йўқ бўлса, парвоси бўлмас!

Ғаму-ташвиш фақат шу,дунёвий ғам,
Мақсад шу,»бир-биридан бўлмасин кам».
Гўёки,»ҳеч қачон ўлмайди одам»
Орзу-Умидларни адоси бўлмас.

Нима учун келган инсон дунёга?,
Ақлинг етмабди ҳақиқий «савдо»га,
Ҳали жавоб беришинг бор Худога,
Дардинг оғир бўлар, давоси бўлмас!

Ўйлама, «пул билан битар барча иш»,
Тушар бошинга бир кун оғир ташвиш.
Ётиб ғафлатда ўтказдинг ёзу-қиш.
Энди ташвишинг интиҳоси бўлмас.

Ҳақни йўлига юр энди,чекинма!,
Қазодан қочиб бўлмасдир, бекинма.
Имкон бор,ноумид бўлма, ўкинма,
Борми бирор банда, хатоси бўлмас?!

Хато мерос бизга Одам Атодан,
Худойим асрасин энди, хатодан.
Эй, банда ноумид бўлма Худодан,
Но умид банданинг худоси бўлмас!

Турмадаги одамлар

Ётса, турса, сиқилади ўйлайди.
Ўз-ўзича, ҳар нималар сўйлайди.
Куйласа ҳам, ғамгин куйни куйлайди!
Юраги қон, турмадаги одамлар.
Кўнгли вайрон, турмадаги одамлар!

Изтироблар қуршаб олгай, хаёлин,
Соғинар оила аҳли-аёлин,
Ўзи ҳам билмайди, ўзини ҳолин,
Руҳи нолон-турмадаги одамлар!
Ақли ҳайрон-турмадаги одамлар!

Ўйланар,ўйланиб-ўйи битмайди,
Келажак не бўлар, ақли етмайди?
Яқинлари хаёлидан кетмайди,
Ҳоли ёмон-турмадаги одамлар!
Кўзи гирён-турмадаги одамлар!

Тор жой тўла, одам,-одам устига,
Топилар бундаям ғам-ғам устига,
Баъзида ерсан калтак ҳам,устига,
Мисли ҳайвон-турмадаги одамлар!
Эмас «Инсон»-турмадаги одамлар!

Тушларига тикан симлар киради,
Гоҳида дўст.гоҳ-ғанимлар киради,
Танишу-нотаниш, кимлар киради?!
Дилда гумон-турмадаги одамлар!
Қилар армон-турмадаги одамлар!

Ўйланади, қандай хато қилганин?,
Кимга қачон, жабру-жафо қилганин?,
Ўйин-кулги,кайфу-сафо қилганин?,
Қийнар виждон,-турмадаги одамлар!
Кўп пушаймон-турмадаги одамлар!

Кеча-кундуз ой-йил санар, тинмайди,
Бировдан ўтганни, биров билмайди,
Дилда умид учқунлари сўнмайди,
Умри хазон-турмадаги одамлар!
Кутар чандон-турмадаги одамлар!

Умри ўтар, бир кун касал, бир кун соғ,
Юрак, изтиробу армон билан, доғ,
Кечани ухламай, ўтказар уйғоғ,
Излар имкон-турмадаги одамлар !
Ўртар ҳижрон,-турмадаги одамлар!

Ёзнинг иссиғида, ҳам қаҳратонда,
Турлича ташвишлар бўлар ҳар онда,
Дарди юрагига сиғмай аҳёнда,
Қилар афғон-турмадаги одамлар!
Бағри бирён-турмадаги одамлар!

Қандайин азобу, қандайин ғамлар,
Кўрмагунча, тушунмайди одамлар,
Буни баёнига, ожиз қаламлар,
Яшар ҳамон-турмадаги одамлар!
Ранги сомон-турмадаги одамлар!

Шу аҳволда озодликни кутади,
Дарду-аламини дилга ютади,
Куни келса муддати ҳам битади,
Бўлар шодон-турмадаги одамлар!
Энди хандон-турмадаги одамлар!

Борса, кўрса, диёрини-ёрини,
Зиёфатга чорлаб, дўсти-ёрини,
Сўзлаб, кўрган кечирганни борини,
Қилар достон-турмадаги одамлар!
Тили бийрон-турмадаги одамлар!

Ибрат олса бўлар, турма ҳаёти,
Худодандир, ҳар банданинг нажоти,
Қафасда синмасин, ҳеч ким қаноти,
Ҳақ Меҳрибон! турмадаги одамлар!
Қилманг гумон! турмадаги одамлар!

Лавҳул Маҳфуз

Аслида битилган, тақдири азал,
Аллоҳ ҳукми билан, Лавҳул-Маҳфузга.
Қалам, нимаики битган ўша пайт,
Шуни кўриш насиб қилади бизга.

Лекин тан оламиз ҳаёт синовдир,
Бизларга берилган хоҳиш-ихтиёр.
Нимаики бўлиб ўтибди, барча,
Демак шу, азалда тақдирингда бор.

Бизнинг яхши ёмон қилмишларимиз,
Шубҳасиз, азалда битилган эди.
Аммо айбимизга иқрормиз, чунки...,
Бизларга, ихтиёр берилган эди?!

Азалда, қалам не битган бўлса бас,
Битикга мувофиқ тепар, юраклар.
Мен ёзарман, Қалам ёзганларини,
Мен ёзганни яна, ёзар Малаклар.

Ана шундай ҳаёт этади давом,
Азалий битикга мос ва мувофиқ.
Яшаб ўтган ҳаёт ёзилар яна,
Иккала фаришта доимий котиб.

Ё Раб,-охиримиз Ўзинг обод эт,
Азалда битигим хайрли бўлсин!
Ўқиминга таслимман, дилимни шод эт,
Ўар икки дунёмиз файзли бўлсин!

Бир йили Эронда ер қимирлаб бир кечада бир шаҳарни вайрон қилганини юз минглаб одамлар қурбон бўлганини телевизорда хабар қилишди.

Шу муносабат билан ёзилган шеър.

Ё Раб, Сен Қаҳҳорсан–Қудратли Зотсан,
Сенинг қудратинга таслим бу дунё.
Шаксиз ҳар нарсага Қодир Илоҳсан,
Ўзинг яғонасан яккасан, Танҳо!

Ўзинга маълумдир, ҳикмати недир?
Бутун бир шаҳарни, вайрон айладинг!
Неча минглаб ўлди, қолганларини,
Қудратинга лолу-ҳайрон айладинг!

Юз-минглаб одамлар, бир зумда қаранг,
Йўқ бўлди. қолмади ному-нишонини.
Эркакми-аёлми, ёшми-қарими,
Ўудо раҳмат қилсин, бўлса имонини!

Аллоҳ Қудратига бўлдингиз гувоҳ,
Унинг Қудратига ҳар нарса осон.
Бутун бошли шаҳар аҳлини Аллоҳ,
Бир зумда айлади, ер бирла яксон!

Ғафлат уйқусида, ухларди шаҳар,
Дилларида, турли орзу ният бор.
Аллоҳ ҳукми бирла, қимирлади ер,
Қўрсатди Қудратин, оламга Қаҳҳор!

Юз минглаб одамлар, қолди уй жойсиз,
Қаранглар мол дунё, қандай омонат!
Эй, одамлар кўриб ибрат олайлик,
Бор бўлса озгина, инсоф диёнат.

Тавбалар қилайлик гуноҳимизга,
Ўудони амрини қилайлик энди.
Дунё ва охират ҳаётимизга,
Аллоҳдан офият тилайлик энди.

Балога учраган қавмни кўриб,
Бир зумда унутиб, қулиб кетмайлик.
Дунё учун доим, елиб югуриб,
Бир балога учраб, ўлиб кетмайлик!

Ё Раб, Ўзинг сақла бизни балодан,
Бизларга нажот бер, ҳидоят айла.
Осий гуноҳқормиз мағфират қилғил,
Фазлинг раҳматингни иноят айла!!

Излаб яшайман

Айтмоқчи бўлганим қувончми ғамми?,
Ютганим дилимга қайғу-аламми?,
Ҳали кўрмаганим кўпми-ё камми?,
Билмайман-ўзимча, ўйлаб яшайман.

Ўтмишимга агар, қилсам эътибор,
Эслагудек, баъзи нарсаларим бор,
Ўтмаган дейман, гоҳ ҳаётим бекор,
Эсласам, энтикиб истаб яшайман.

Дилимни куйдирар аламлар битмас,
Толеъ қуёшимни тўсган, булутмас,
Ўтмишда кўп нарса қолди, унутмас,
Ҳаётимдан, маъно излаб яшайман.

Толеъ осмонимга тушганда кўзим,
Ҳануз милтиллайди, умид юлдузим,
Мен бугун ўзимни овутиб, ўзим,
Гўёки, юпатиб алдаб яшайман.

Менга таскин юпанч эҳсон, керакмас,
Дилимни дардига дармон керакмас,
Рост гапни айтаман ёлғон керакмас,
Қимнидир лаънатлаб, қарғаб яшайман.

Тугамас экан бу дил муддаоси,
Кўп бўларкан одамзоднинг хатоси,
Пайғамбар ҳам севган, дунё-матоси,
Аёл-муҳаббатин, қўмсаб яшайман.

Яратмоқлик сифатидир Раҳмоннинг,
Умидворлик сифатидир Инсоннинг,
Ноумидлик сифатидир Шайтоннинг,
Доим яхшилиқни, кўзлаб яшайман.

Умр мазмуни

Ўткинчи дунёда яшаймиз беш кун,
Баъзида ғамгинмиз баъзида кулиб.
Эслаймиз, ўтганлар кимлигин гоҳо,
Ё ҳурматлаб, ёки нафратга тўлиб.

Ота-боболару, қавму-қариндош,
Баъзиси “яхши” деб, эсланар доим.
Яқинда ўтамиз, биз ҳам дунёдан,
Ажални белгилаб қўйган Худойим.

Пайти келиб бизни эсга олсалар,
Нима дейишаркан, зурриётимиз?!
Ароқхўр, зинокор, фирибгар, фосиқ,
Деган, сифат билан чиқса отимиз.

Баъзи бир имонсиз одамларни ҳам,
Эсламоққа, лойиқ сифатлари бор.
Эслашар уларни зурриётлари,
Ҳатто, улар билан қилар ифтихор.

Не бўлди мўминлар зурриётига,
Бу сифатлар билан, ошно бўлдилар.
Одабийлик турқин йўқотиб буткул,
Ҳайвондан баттарроқ, расво бўлдилар.

Ширку, ноҳақ қатл, ёки ўғирлик,
Судхўрлик, қимору, ароғу, зино.
Ғийбат, тухмат, ҳасад ё фирибгарлик,
Турли фисқу-фасод, фаҳш ила ғино.

Барча ёқда фошдир, бидъат хурофот,
Қонун ҳам одамлар ихтиросидир.
Илоҳий низомга йўқдир эътибор,
Имонликми, ким шуларга розидир?!

Шунинг учун бу халқ, боши чиқмайди,
Турли хил мусибат, офат балодан.
Ислоҳга чақирса, бир холис инсон,
Фитначи деб, қувилад эл ародан.

Ё турмага тушар, ёки, йўқ бўлар,
Солимлар уни ҳеч, омон қўймайди.
Солимлар яшайди, тинч фароғатда,
Ичиб мўминлар қонини тўймайди.

Тарихлардан маълум бўлгани шуки,
Ё бу халқ бўлади, тез кунда хароб!
Ёки, Аллоҳ Ҳақ йўлига қайтариб,
Ўз-раҳмати билан, қилади сероб!

Тиларман, ё Роббим нусратингни бер,
Ҳалок қилма бизларни залолатда!
Солимларга офат, кулфатингни бер,
Адолатинг кўрсатиб қиёматда!

Яна бўлгай, ўшал вайрона обод!

Буни билгил Худонинг фазлидан деб,
Агар ўтса, ҳаётда бир кунинг шод?!
Ёмонлик, яхшилик, тақдир азалдан,
Шукр қил айласа, гар ғамдан озод!

Борми ўтган киши ҳайрона бўлмай?
Баъзида шод, баъзан гирёна бўлмай?
Ободлар қолмагай, вайрона бўлмай!
Яна бўлгай, ўшал вайрона обод!

Ақл етмас Худонинг ишларига,
Ажойиб ҳикматин мингдан бирига,
Биз ожиз бандамиз, таслим барига,
Ўз-ўрнингни унутма, одамизод!

Ўтармиз, қолмагаймиз бу ҳаётда,
Фарқи йўқдир пиёда, ёки отда,
Кимлар ҳалок бўлар, кимлар нажотда?
Ҳосили умрингни айлама барбод!

Ё Раб, Сенга маълум, яхши-ёмоним,
Ўзинг Меҳрибонсан, йўқдир гумоним,
Тирикликда унутди бу замоним,
Бизни эслаганни-Ҳақ айласин ёд!

Саҳвиё, ким сендек анойи эрмас,
Орзу ҳавасларни гадойи эрмас,
Бу олам айши-ишрат жойи эрмас.
Шудир, биз ушлаган йўлу эътиқод.

Бўлурман

Иқрорман ё Роббим, хатоларимга,
Бандаларинг хатокори бўлурман.
Санинг марҳаматинг, караминг кенгдир,
Мағфиратинг, умидвори бўлурман.

Мани фарёдима етмасанг ё Раб,
Солиҳлар сафидан битмасанг ё Раб
Агар Ўзинг раҳм этмасанг, ё Раб,
Уқубатнинг сазовори бўлурман!

Адашган бандаман яшаб оламда,
Туртинаман, қоқиламан, ҳар қадамда,
Кошки, қолган умрим ўтмаса ғамда,
Яхшиликлар, сабабкори бўлурман.

Ҳақиқатга даъват қилиб оламини,
Қавму-қариндошу ўз оиламини,
Насиб бўлса ҳали, ота-онамини,
Хизматида, хизматкори бўлурман.

Кемтик кўнглим тўлар бир куни ҳали,
Йиғлаганлар, кулар бир куни ҳали,
Умидим бор, келар бир куни ҳали,
Хонадоним, номус-ори бўлурман.

Камолга етмайин, кўрмай заволни,
Айтсам дилимдаги, орзу-хаёлни,
Насиб қилсанг, бир муслима аёлни,
Ҳурматига лойиқ ёри бўлурман.

Имон била ўтказиб ҳаётимни,
Яхшилик бирла қолдирсам отимни,
Иншооллоҳ, ҳали зурриётимни,
Фаҳр этурга, ифтихори бўлурман.

Деманглар, “бу банда шуҳрат гадоси”,
Албатта, мақсадим, Роббим ризоси,
Кечир, бўлса мақсадимнинг хатоси,
Роббим қазосига, рози бўлурман!

Айтсам, айтмасамда, дилимни зорин,
Роббим яхши билур, кўнгилда борин,
Насиб этса, жаннат ичра дийдорин,
Бандаларинг бахтиёри бўлурман!

Муҳаббат афсоналари

Ўқидим муҳаббат афсоналарин,
Кўрдим улар тутган йўлни фарқини.
Мен билмагандим, ишқ тариқатларин,
Лайли Мажнун кезган, чўлни фарқини.

Доим англамоқчи бўлдим, интилдим,
Дилимни талаби, шу бўлди, қилдим,
Бу ишқ бўстониға кирганда билдим,
Бир-бирга ўхшамас гулни фарқини.

Дилимда бу олов, бўлганда зоҳир,
Бўлдим гўё, Фарҳод, Мажнуну, Тоҳир,
Бошимга ишқ дарди, тушганда охир,
Билмадим ўнг билан сўлни фарқини!

Бу дардни чекмайин то, ҳис қилмассан,
Мажнун каби йиғлолмассан, кулмассан,
Муҳаббат домига тушсанг билмассан,
Эй, дўстим шоҳ билан қулни фарқини!

Сеҳрли бир туйғу, ажойиб бир ғам,
Изтиробда юрак, интилиб ҳар дам,
Муҳаббат кўзларин кўр қилса, одам,
Билмагай, бокира, тулни фарқини.

Дерлар; “Бошга тушганни, кўз кўради”,
Ҳамма нарса, унутилиб битади,
Тажрибада синаб кўрган билади,
Дарё, денгиз билан, кўлни фарқини!

Кулдир Худойим

Кутиб кутиб, тоқатларим тоқ бўлди,
Ҳарна қазо бўлса, бўлдир Худойим!
Ўлим ҳақдир, гар шу билан қутулсам,
Мени имон билан, ўлдир Худойим!

Мен мақсадимни кўп кутдим, келмади,
Аламларим дилга ютдим, келмади,
Мажнун бўлиб шеърлар битдим, келмади,
Ярим кўнглимни, Сен тўлдир Худойим!

Яшаб нима?,–ҳукминг қоим қилмасам,
Бир лойиқ бандалик, доим қилмасам?,
Золимга қул бўлиб, раъйим қилмасам?,
Менга қазо ҳукминг, қилдир Худойим!

Маъсият ишларим, оқлаб оқибат,
Имоним саломат сақлаб, оқибат,
Юрагимни ғамдан поклаб, оқибат,
Ўлимдан олдин бир кулдир, Худойим!

Фонийдан Боқийга кўчиргил мани,
Қилган саййиотим ўчиргил мани,
Ё Раб, гуноҳларим кечиргил мани,
Бир башоратингни билдир, Худойим!

Ўзингдан ўзгага, қулмасман асло,
Тоғутларга рози бўлмасман асло!
Ботилни Ҳақ дея, билмасман асло!
Билганим, Яккадир, Бирдир Худойим!

29 сентябр. 2003. йилда Навоий шаҳридаги турмадан уйдагиларни, келаётган Рамазон ойи муносабати билан табриклаб юборилган шеърий мактуб

Хурсанд бўлингизлар эй мусулмонлар,
Яқин келаяпди, файзли онлар.
Бизга Яратганнинг раҳматин олиб,
Кириб келаяпди, улуғ айёмлар!
Раҳмати Ҳақдин нишон, келмоқдадир!
Муборак ой Рамазон, келмоқдадир!

Ўтиб неча йиллар, неча асрлар,
Келади улуғ ой, покланар диллар,
Бу муборак ойнинг шарофатидан,
Ҳидоятлар топар, сўқир кўнгиллар!
Кўп асрлик “карвон”, келмоқдадир!
Муборак ой Рамазон, келмоқдадир!

“Мағфират ойдир”, – дерлар бу ойни.
Дилларин юшатар, шоҳу–гадойни.
Хайри-эхсон, сабаб бўлиб оқибат,
Биродари бўлар, камбағал бойни.
Тангрини фазли аён, келмоқдадир!
Муборак ой рамазон, келмоқдадир!

Қилинар бу ойда, тиловат қуръон,
Қилинар саховат, қилинар эҳсон,
Таровиҳлар ўқиб, тасбиҳлар айтиб,
Ҳақ ризосин истар, ҳар бир мусулмон!
Бандаларга имтиҳон, келмоқдадир!
Муборак ой Рамазон, келмоқдадир!

Ўликлар тириклар, инсу-жин, бари,
Мағфират истайди, барча ёш-қари,
Бу муборак айём сабабли, шаксиз,
Аллоҳнинг раҳматин топар, аксари!
Аҳли исломга омон, келмоқдадир!
Муборак ой Рамазон, келмоқдадир!

Бу ойни ғанимат, билмоқлик керак,
Тақвою-ибодат, қилмоқлик керак,
Қадр кечаларин ўтказиб бедор,
Аллоҳ раҳматига, етмоқлик керак.
Иззати вожиб “меҳмон” келмоқдадир!
Муборак ой Рамазон, келмоқдадир!

Ўтган аждодлар ҳам, эсланар бу ой,
Қариндош-уруғлар, йўқланар бу ой,
Ғариб мискинларга, яхшилик қилиб,
Диллар ғуборлардан, покланар бу ой.
Бир гўзал “моҳитобон”, келмоқдадир!
Муборак ой Рамазон, келмоқдадир!

Авф этсин, мағфират истаган одам,
Раҳм этсин, Ҳақ раҳмин истаган одам,
Расулга эргашсин, имкон борича,
Аллоҳ муҳаббатин истаган одам!
Мағфират ой, биз томон келмоқдадир!
Муборак ой Рамазон, келмоқдадир!

Мусулмонлар учун, улуғ неъмат бу,
Тақво хосил қилиш учун, фурсат бу,
Қадрини билмаган, ғафлат аҳлига,
Қиёмат кун бўлар, улуғ ҳасрат бу!
Беамалларга зиён, келмоқдадир!
Муборак ой Рамазон, келмоқдадир!

Насиб этгай ибодатлар, этишни,
Яхши орзу умидларга этишни,
Бу ҳаётдан кетар, вақтимиз етса,
Имонни саломат, олиб кетишни.
Жаҳаннамдан “соябон” келмоқдадир!
Муборак ой Рамазон, келмоқдадир!

Мен бундай йўллардан қайтганларданман

Эй мени “уйқу”дан уйғотмоқчи дўст,
Бас қил.–мен “уйқу”дан турганларданман.
Сен мени орзулар қаърига отма,
Мен орзу қилишдан, тўйганларданман.

Сени ҳали орзу-ҳавасларинг кўп,
Ҳали сен тушмаган қафасларинг кўп,
Сен олмаган совуқ, нафасларинг кўп,
Мен бу босқичлардан ўтганларданман.

Мен “улуғ ғоя”лар излаганим йўқ,
Чиқишга қоялар излаганим йўқ,
Ётишга соялар излаганим йўқ,
Қазою-Қадарни билганларданман.

Сен ўз амалидан мағрур одамсан,
Қафасда яшашга мажбур одамсан,
Фақат дунё билан машғул одамсан,
Мен булардан кўлни ювганларданман.

Кимлар фалокатда, кимлар нажотда?
Кимлар пиёдадир, ва кимлар отда?
Шу ёшгача яшаб, ушбу ҳаётда,
Озми-кўпми, китоб кўрганларданман.

Кўзинг ҳақиқатга боқмаса нетай?
Сув пастдан юқори, оқмаса нетай?
Сенга бу сўзларим ёқмаса нетай?
Мен дилда борини айтганларданман.

Суянган “тоғ”ларинг йиқилса- агар,
Қуруқ сафсатага дил тўлса-агар,
Ўз дилинга сўзинг зид бўлса-агар,
Мен бундай йўллардан қайтганларданман.

Сен мени “холис сўз айтмади” дема,
Ё “айтган сўзидан, қайтади” дема,
Ё “тикан симлардан қўрқади” дема,
Тикан сим ортида юрганларданман!

Яккаю–ёлғиздир Худойим мени,
Бандаликдир ишим, ҳар доим мени,
Кўп бўлсада гарчи, хатоим мени,
Ҳақ раҳматига кўз тутганларданман.

Бас, етар турли хил таъна маломат,
Яқинлиги аниқ, келгай қиёмат,
Ҳақ билур, ким борар имон саломат,
Мен ҳам умид қилиб, кутганларданман.

**Аллоҳу Таъоло раҳматига олиб мағфират қилсин азиз Ота Онамга бағишлаб турмадан
ёзилган шеърий мактублар туркумидан**

Йиғлайин...

Яна бағрингизга қайтсам бир куни,
Севиниб, қувониб, кулиб йиғлайин!
Қучоқлаб сизларни, кўнгил хотиржам,
Дилни поклаб, тўйиб-тўйиб йиғлайин!

Қутулсам бу ғурбат можаросидан,
Интизор кутишдек бир балосидан,
Эркин нафас олиб уй ҳавосидан,
Таниш туйғуларни, туйиб йиғлайин.

Хазон бўлган умр-дамларни эслаб,
Мени деб, чекилган ғамларни эслаб,
Хато нуқсонимни-камларни эслаб,
Дарду аламимдан куйиб йиғлайин.

Неки бўлса бўлиб ўтди илгари,
Унут бўлса ғамли ўтмишим бари,
Умид билан боқиб келажак сари,
Дилим қувончларга тўлиб йиғлайин..

Қўрмасин кўзларим бу кунни қайтиб,
Дилимга ёт бўлган, ҳаёту тартиб,
Яратган Роббимга шукрона айтиб,
Саждага бошимни қўйиб йиғлайин.

2002 йил.

Навоий турмасидан шеърий мактуб

Аллоҳ сизни кўзингизга нур берсин,
Дардингизга шифо берсин, Онажон!
Сабр-тоқат берсин, кенг кўнгил берсин,
Бўлинглар ҳамиша тинч, соғу-омон!

Ўткинчи дунёда асли ҳеч нарса,
Ғам билан ташвишга арзимас асло!
Худонинг хоҳиши бўлиши аниқ,
Бизга меҳрибондир, шубҳасиз Аллоҳ!

Бу қайғу-ташвишлар ўтмишда ўтган,
Хато-гуноҳларга-каффорат бўлсин!
Сабр қилган учун Ҳақ раҳматига,
Етишингизга, бир башорат бўлсин!

Аллоҳ насиб қилса, энди барчамиз,
Шодликда жамланар кунлар яқиндир!
Берган неъматига шукрлар айтиб,
Ибодатлар қилар тунлар яқиндир!

Азиз ота-онам–Аллоҳ Меҳрибон,
Сизларга жаннатин қилгай каромат.
Аллоҳни раҳмати етгунга қадар,
Яшанглар дунёда соғу–саломат!

15 октябр. 2003 йил.

**Навоий турмасидан уйга жўнатилган
шеърый мактуб.**

Дадажоним сизни–азалда Аллоҳ,
Шукрким–кўнглингиз кенг қилган экан.
Сабр косангизни ҳеч тўлмайдиган,
Гўёки уммонга тенг, қилган экан.

Мўминлар учун бу улуғ фазилят,
Ҳаётда ҳар кимга бермаган бун.
Ҳалимлик-босиқлик–бу икки сифат.
Кимда бўлса-Аллоҳ севаркан уни.

Роббим, сизга яна кўп неъмат берган,
Аждодингизни ҳам қилган мусулмон.
Ота-онангизга ҳам ўзингизга,
Насиб этган Худо, фазлидан имон!

Узоқ умр берди,-ризқу-рўз берди,
Имонли аёлу, кўп зурриётлар.
Бир икки фосиқлар учун, ғам еманг,
Кифир фарзанд кўрди, кўп улуғ зотлар!

Азиз Ота-Онам, сизларга беҳад,
Беҳисоб яхшилик қилган Худойим.
Неъматларин бир-бир, санаб бўлмайди.
Факат шукр айтмоқ керак, ҳар доим!

Қаранглар Иброҳим халилуллоҳни,
Отаю-Онаси кифир ўтдилар.
Нуҳ пайғамбар ўғли–Лутни аёли,
Имонн эмас, куфр йўлин тутдилар.

Гарчи бу ҳаётда чекдингиз кўп ғам,
Аллоҳим ажрини берсин буларни!
Ахир пайғамбардек улуғ зотлар ҳам,
Чекканлар ҳаётда кўп-қайғуларни.

Таърих ва замонга боқиб англадим,
Кўпларда йўқ, бу биздаги неъматлар.
Синов бобида ҳам бизга улардек,
Етган эмас улкан, оғир кулфатлар.

Худонинг ишига тафаккур қилиб,
Ҳикмати фикр қилмоқ лозимдир.
Бизда йўқ неъматга қайғу чеккандан,
Борин эслаб, шукр қилмоқ лозимдир.

Шукрким, Худойим ўз фазли билан,
Саломат сақлаган кўп саййиотдан.
Ҳар нарасада, биз билмаган ҳикмат бор,
Улуғ бахт пок бўлиб ўтмоқ ҳаётдан.

Мени Парвардигор сизларга фарзанд,
Қилганига беҳад шукр, ризоман.
Мен учун бебаҳо неъматсиз Ҳақдан.
Сизлар учун қиларман, илтижоман!

Солиҳ фарзанд бўлиб яшасак, кўриб,
Онажон кўзингиз нурга тўлсайди.
Дадажоним менинг ифтихоримсиз,
Сизни ахлоқингиз менда бўлсайди.

Аллоҳ учун рози бўлинг бизлардан,
Икки дунё сизни хотиржам қилсин!
Аллоҳ Ўзи рози бўлгай, сизлардан,
Ҳаммамизни жаннат ичра, жам қилсин!

Қиёслаб фикрлаб кўрсак, мабодо,
Маълум бўладики-ғамга ҳожат йўқ.
Аллоҳга ҳамд айтиб хотиржам яшанг,
Дунёда бундан бир афзал роҳат йўқ!

Соғиндим

.Самоларга боқиб, симлар ортида,
Ҳажрингизда дилни ёкиб соғиндим.
Қўмсаб дилим муҳаббатингиз беҳад,
Булутларга маъюс боқиб, соғиндим.

Изтироблар қуршаб олди хаёлим,
Ўзим ҳам билмайман ўзимни ҳолим.
Жавоби топилмас кўпдир саволим,
Армонлар баҳрида оқиб соғиндим.

Безди дилим баридан охир бориб,
Мақсадга етказар йўлни ахтариб,
Гўё осмондаги булутни ёриб,
Дилимда бир яшин чақиб соғиндим.

Дил баҳрида бўрон довуллар бўлди,
Қаърида садафлар, дурларга тўлди,
Умидим гуллари очилмай сўлди,
Хазон япроқларин қоқиб соғиндим.

Таскин олай дейман шеър қаламдан,
Ўзимни ўзим юпатиб аламдан,
Дилимдаги битмайдиган ярамдан,
Шеърларима безак тақиб соғиндим.

2002 йил.

Дунёнинг кори

Дунёнинг азалдан кори шу экан,
Топганда йўқотиш, йўқотса топмоқ!
Бўлди, битди!, Асли бори шу экан.
Лекин оғир, доим «топмоқ-йўқотмоқ»!

Ҳаётни паст баланд сўқмоқларида,
Одамлар, нимадир излайди доим.
Ҳаммада интилиш, ҳаммада ташвиш,
Қочган ҳам қувган ҳам дейди,-»Худойим»!.

Умид орзу билан яшайди инсон,
Ахир ғам бўлмаса, нажот бўлмайди?!
Қайғу-алам керак, қувонч бахт учун,
Шуларсиз дунёда ҳаёт бўлмайди!

Муҳаббат-у-нафрат, ёнма-ён доим,
Мутаносиб эрур барчаси, аммо?!
Инсоннинг ҳаёти бир кун тугайди,
Лекин, тугамайди, қайғу, муаммо!

Бизлар эса, келиб кетаверамиз,
Шундай бўлган ўзи аслида мудом.
Қўпларни кўрган, бу ташвишли дунё,
То қиёмат, шундай этади давом!

Гапирсин

Қўй, насиҳатингни, айтма бизларга,
Бизларга ҳақ йўлни, билган гапирсин.
Қуръону-ҳадисни, ўқиган, билган,
Кейин ўзи амал, қилган гапирсин!

Тил билан ҳар нарса осон гапирмоқ,
Ҳар хил сафсатадан, элга лоф урмоқ,
Сизларгамас бизни, ҳаққа чақирмоқ,
Ҳаққа, ҳақиқатни кўрган гапирсин!

Йўлимиз бор, бизлар йўлсизлар эмас,
Амал керак, қуруқ гап сўзлар эмас,
Имону-исломдан, бас, сизлар эмас,
Ҳаётида яшаб ўтган гапирсин!

Бас қил насиҳатинг, бошни қотирма,
Хаёлпараст, келажакдан лоф урма,
Аввал ўқи ўрган, ҳали гапирма,
Синовларда собит турган гапирсин!

Сиз чекаяпсизми, динни ғамини,
Ҳақ билур ҳар кимни кўпи, камини,
Жойини билмаслар, олсин дамини,
Бу ишларга ақли, етган гапирсин!

Сизга эмас бизга, йўлни кўрсатиш,
Кимни-кимлигини баҳолаш, айтиш,
Сизлар топган янги нарсамас бу иш,
Таърихларни ўқиб, уққан гапирсин!

Сизлардан маслаҳат сўрамадик биз,
Ҳақ билан ботилни, ўрамадик биз,
Маслаҳатингизга унамадик биз,
Бизга суннат йўлин тутган гапирсин!

Бас, сафсатангизни, бизларга айтманг,
Ўз билганингиздан орқага қайтманг,
Бизга қандай яшашликни ўргатманг,
Буни ҳақ йўлида, юрган гапирсин!

Ҳаёт кутишликдан иборат

Кутавериб тоқатларим тоқ,
Кутишга ҳам, қолмади мажол!
Кимларгадир, арзимас бироқ,
Менинг учун кўп, амри маҳол!

Бундай тўсиқ, муаммоларни,
Менинг ўзим, еча олмайман.
Барини тарк этиб, бош олиб,
Бирор ёққа кета олмайман.

Кимга керак, менинг ҳасратим?
Кимга керак, ортиқча бир ғам?!
Бир дардкашу, сирдош бўлмаса,
Қийин экан, яшаши одам?!

Ўйлаб хаёлларим, паришон,
Орзу килиш, мен учун одат.
Кутиб-кутиб, тушунганим шу,
Ҳаёт, кутишликдан иборат!

Йўқотганим

Бефарқ бўлиб кўзга илмаган учун,
Лойиқ, эътиборни қилмаган учун,
Қадру-қимматини билмаган учун,
Йўқотганим меҳру-муҳаббат бўлди.

Ўзаро оқибат ҳурмат экан бу,
Худойимни фазли, раҳмат экан бу,
Билсангиз бебаҳо, неъмат экан бу,
Зор бўлганим меҳру-муҳаббат бўлди.

Бошимга тушганда турли балолар,
Тушундим, кўп экан ўтган хатолар,
Жонимдан ўтганда жабру-жафолар,
Қўмсаганим меҳру-муҳаббат бўлди.

Ҳаёт -ҳаёт бўлмас экан, меҳрсиз,
Биласиз, меҳрсиз яшаб кўринг сиз,
Иложи йўқ экан яшашни шаксиз,
Тушунганим меҳру-муҳаббат бўлди.

Ҳаммамиз яшаймиз муҳаббатга зор,
Қадрини билмаган, бўлар экан хор,
Меҳр-оқибатга бўлиб интизор,
Излаганим меҳру-муҳаббат бўлди.

Сарсон бўлдим йиллар ғамларни ютиб,
Қадрдонларимни, меҳрини кутиб,
Тақдирим шу экан, шунча йил ўтиб,
Топмаганим, меҳру-муҳаббат бўлди.

Шифоси бўлса, айтинг!

Дилимни ўртайди ҳижрон балоси,
Бу дардни бир давоси бўлса-айтинг!
Бормикан васлидан ўзга шифоси,
Ўзга йўли шифоси бўлса, айтинг!

Тунлар бедор бўлиб чиқмоқ азобин,
Йиллар умид қилиб, кутмоқ азобин,
Аламларни дилга ютмоқ, азобин,
Бирор чора, иложи бўлса айтинг!

Фироғи бирла ўртанар кўнгиллар,
Булбул хониш қилмас, йўқ бўлса гуллар,
Фақат кутишлик бирла, ўтса йиллар,
Бундан ортиқ балоси бўлса, айтинг?!

Имонга фитналар кўп бўлди эвоҳ,
Зулм қилди, беҳад жоҳилу гумроҳ,
Нафсимиз ҳам ўртар яна, ё Аллоҳ,
Бир куни интиҳоси бўлса айтинг!

Дарди аламларни дилга ютганим,
Ҳали, яхши кунларга кўз тутганим,
Биродарлар, сабр қилиб кутганим,
Синовлар ибтидоси бўлса, айтинг?!

Ҳақдан Ўзга ҳеч ким, билмайди ҳолим,
Паришондир мани ҳар дам ҳаёлим,
Жаннат ҳурларидан бўлсин аёлим,
Бу орзуни, хатоси бўлса айтинг?!

Аллоҳ Ўзи сени ҳидоят қилган,
Имон неъматига, етган аёлсан!
Ҳадича, Оиша, Фотима каби,
Улуғ зотлар йўлин, тутган аёлсан!

Сенга ҳам ҳаётни заҳмати етди,
Ташвишу машаққат, меҳнати етди,
Имонингни синаш, муҳлати етди,
Сан бу синовлардан, ўтган аёлсан!

Номусингни сақлаб, бўлдинг намозхон,
Рўзалар тутарсан келса рамазон,
Эринг ҳам розидур, сендан бу замон,
Жаннат башоратин олган аёлсан!

Мусулмондир сани турмуш ўртоғинг,
Ўғил-қиз ортингда ёқар чироғинг,
Энди хазон урмай, яшнасин боғинг,
Ҳидоят неъматин, топган аёлсан!

Албатта, бу кунлар ўтар бир куни,
Ғам била ташвиш ҳам, битар бир куни,
Диллар мақсадига етар бир куни,
Сабр-тоқат қилиб, кутган аёлсан!

Ота-онамизга қилгандинг хизмат,
Мазлум эринга ҳам, кўрсатиб ҳурмат,
Бизларга ҳам қилиб, эҳсон-мурувват,
Имкон қадар, хизмат қилган аёлсан!

Бор экан ҳаётда, ҳар кимни ўрни,
Ҳар бир мусулмонни, аёлу-эрни,
Мен сенга бағишлаб, ёздим бу шеърни,
Ҳар кимни қадрини, билган аёлсан!

26 октябр. 2003 1 рамазон.

1992 йил. 27 ёшида касаллик туфайли вафот этган
(Аллоҳ мағфират қилсин) Дурхоним Янгага атаб

Шартмас, бу дунёда юз йил яшамоқ,
Невара тўйини кўриш ҳам шартмас.
Ғам-ташвиш касаллик кўрмай, кўп йиллар,
Дунёда, давронин суришлик бахтмас!

Динсизлар тушунар шуни бахт, дея,
Охиратни инкор қилганлар айтар!
Худонинг раҳмати, мангу жаннатдан,
Мутлақо ноумид бўлганлар айтар!

Асли бу исломнинг эътиқодида,
Шодлик бўлса яхши, ғам бўлса яхши.
Гуноҳи кам бўлса, савоби кўпроқ,
Ҳисобу-китоби, кам бўлса яхши.

Ҳаётга келдикми, кетамиз бир кун,
Фарқи йўқ, ким олдин, кимдир кейинроқ!
Муҳими, имонни сақласин бутун,
Имон билан кетиш, лозимдир бироқ!

Майли, кўп яшагин, майли оз яша,
Ҳамроҳ бўлсин, қалбингдаги имонинг!
Аллоҳ мағфирати-раҳмати учун,
Басдир, имон билан чиқса, бу жонинг!

Сен Аллоҳга имон келтирган эдинг,
Яхши ахлоқ берган эди, Худойим.
Ибодатлар қилиш насиб этмади,
Касалликдан, бошинг чиқмади доим!

Умринг қисқа экан, дард ҳам бир сабаб,
Ажалинг муддати етди оқибат.
Икки норасида қолди ортингда,
Армонлар, дилингда кетди оқибат!

Барчаси Аллоҳнинг қазоси ахир,
Имонинг саломат бўлсин, опагон!
Кечир мен дилингни, оғритган эдим,
Энди бугун эслаб, қиламан армон!

Чеккан дарду ғаминг, хатоларингни,
Покласин, Илоҳим, каффорат бўлсин!
Худо рози бўлсин, сен ҳам рози бўл,
Санга Ҳақ раҳмати, башорат бўлсин!

Қабринг нурга тўлсин, руҳинг шод бўлсин!,
Ҳеч кайғу кўрмагил қиёматда ҳам!
Аллоҳни раҳматин тополсанг басдир,
Яшаш ҳожат эмас, бу ҳаётда ҳам!

Авлодларинг бўлсин, мўмин-мусулмон,
Сенга, Яратганни раҳмати бўлсин!
Авлодларинг билан жамланиб охир,
Борар жойинг мангу, Жаннати-бўлсин!

16.ноябрь. 2003. Йил
21 Рамазон ойи.

Муслима Аёлларга

Сизларга Аллоҳнинг синови келди,
Оилада эрсиз, ёлғиз қолдинглар.
Эрларинг маҳбусдир, ва ёки шаҳид,
Ё, хижратда уйларда сиз, қолдинглар.

Муслима,мўъмина,мунис, аёллар.
Имон синовини кутмаганмисиз?!
Тинч-хотиржам ҳаёт, орзу қилганлар.
Асҳоблар тарихин, уқмаганмисиз?!

Барчангизда бордир ташвиш муаммо.
Орзу-умидлари сароб бўлганлар!
Хотиржам ҳаётда яшашни истаб,
Ҳузур ҳаловати хароб бўлганлар!

Аллоҳ барчасини билади шаксиз,
Отани боладан ажратганлар ким?!
Аламдан ёстиқни қучоқлаб тунда,
Сизларни қақшатиб йиғлатганлар ким?!

Кимда бор уч-тўртта фарзанд, ким ёлғиз,
Ким қамоққа,–эри ёнига чопган.
Бири дарагини тополмас эрин,
Хуллас, оромини бари йўқотган.

Билингки бу сизни айбингиз эмас.
Ва эрларингиз ҳам эмас айбдор.
Аллоҳ билар, қалбда ниятингизни,
Бу кунларни албат, охири ҳам бор.

Унутманг, эрингиз ўғри-каззобмас,
Улар имон йўлин тутган эдилар.
Яратган Аллоҳдан ўзга, ҳеч кимни,
«Ибодатга лойиқ эмас», дедилар.

Уларни «айби» шу, «жинояти» шу,
Шу айб қўйилгандир Пайғамбарларга.
Аллоҳнинг раҳмати, ҳидояти бу,
Бу неъматлар берилмас, ҳар кимларга!

Уларга ҳам етди, синов сизга ҳам,
Барчасини Аллоҳ кўриб турибди!
Бор хаммага лойиқ жазою-савоб,
Бизни икки манзил, кутиб турибди!

.....

Эй–бу дунёда “бахт” излаган синглим.
Сен “бахт” нималигин биласанми ҳеч?
Гар ҳақиқий “бахт”ни, ҳозир билмасанг.
Кейинчалик балки, кеч бўлади, кеч.

Сен оиланг билан тинч-тотув, тўкин,
Яшашликни ҳали, “бахт” деб, ўйлама!
Ислоний “бахт” бундай нарсалар эмас,
Ўзингни шу билан, ўзинг алдама.

Имонсизларда ҳам, бор молу—дунё,
Ўғил қиз фарзандлар, дабдаба, бисёр.
Лекин ҳаётимиз мазмунимас бу,
Булар билан бўлмас, одам бахтиёр.

Имонли мўминлар билади.., булар,
Келиб-кетгувчи бир дунё матоси.
Шунга машғул бўлиб ғафлатда қолгай,
Шудир одамзодни, катта хатоси.

Сен Ҳаққа буйсунгил, ибодатли бўл!
Ислом аёлларин ахлоқига боқ!
Насабинга фахр қилиш на ҳожат?,
Уларни букунги авлодига боқ!

Қани сизда амал, олий насаблар?,
Фалон-пистончининг зурриётлари?!
Сизда мўминликдан асар қолмади,
Фақат эшон, хўжа, сайид, отлари.

Ҳар ким ўзи амал, қилмоғи шартдир,
Йўқ ҳеч кимга фойда, олий-насабдан.
Айбини тан олган, одам ҳам марддир,
Сенга даъват қилдим ушбу жиҳатдан.

2003 йил декабрда Укамни Турмадан чиққанини эшитиб ёзилган шеър

Укажон қайтдингми олис сафардан,
Энди ғамларинг битгани ҳақ бўлсин!
Қутулибсан улкан, хавфу-хатардан,
Шояд синовнинг ўтгани ҳақ бўлсин!

Кўпайса шу сабаб, илму-имонинг,
Тақдир экан, анча қийналди жонинг,
Ажрли бўлса бас, бу имтиҳонинг,
Аҳли Исломни ютгани, ҳақ бўлсин!

Ҳарна бўлса бўлиб ўтдида майли,
Шундай бўлди бугун, замона зайли,
Отаю-онамизни ҳам, биз туфайли,
Ажру-савобга етгани, ҳақ бўлсин!

Худони амрига қулоқ тутдилар,
Дарди-ғамларини ичга ютдилар,
Шунча йиллар сабр қилиб кутдилар,
Аллоҳ мағфират қилгани, ҳақ бўлсин!

Ҳаётда ким қайғу-алам тотмаган,
Балоларга учраб боши қотмаган,
Улар дин учун турмада ётмаган,
Сани дин учун етганинг, ҳақ бўлсин!

Азиз дадамизни-волидамизни,
Умидворманки, Худоданбарчамизни,
Шу синовлар сабаб,с оиламизни,
Баракотларга ботгани ҳақ бўлсин!

2003 йил декабр

Жиянларимга

Жиянларим, сизга тилакларим шу,
Сизлар бу ҳаётда, қоқилмагайсиз.
Бизларку адашдик, кўп қилдик хато,
Бизларнинг хатони, сиз қилмагайсиз.

Билингким, албатта меҳрибон Аллоҳ,
Ўзидан марҳамат кутинг, укалар.
Бахтингизга бордир, момо, бобонгиз,
Шуларни қадрига етинг укалар!

Отаю-онангиз эслаб ногаҳон,
Сиқилманг, тақдирни тақозосига.
Ҳар ишда Худонинг ҳикмати бордир,
Рози бўлинг сиз ҳам, Ҳақ қазосига.

Илм ўрганинглар, Ҳақни танинглар,
Ихлос бида қилинг, Ҳаққа ибодат.
Етим ўсган эди, Расулуллоҳ ҳам,
Бу ҳам бир неъматдир, бу ҳам саодат!

Мўмин қобил бўлиб, яшанглар доим,
Худонинг каломи дилга ёд бўлсин!
Тиловатлар қилиб, дуолар қилинг,
Онангизни руҳи, сиздан шод бўлсин!

Оқибатли бўлиб, бир-бирингизга,
Исломга хос ҳаёт кечиринг доим!
Ҳар икки дунёнинг офатларидан,
Саломат сақласин, сизни Худойим!

Соғиндим

Самоларга боқиб, симлар ортида,
Ҳажрингизда дилни ёкиб соғиндим.
Қўмсаб дилим муҳаббатингиз беҳад,
Булутларга маъюс боқиб, соғиндим.

Изтироблар қуршаб олди хаёлим,
Ўзим ҳам билмайман ўзимни ҳолим.
Жавоби топилмас кўпдир саволим,
Армонлар баҳрида оқиб соғиндим.

Безди дилим баридан охир бориб,
Мақсадга етказар йўлни ахтариб,
Гўё осмондаги булутни ёриб,
Дилимда бир яшин чақиб соғиндим.

Дил баҳрида бўрон довуллар бўлди,
Қаърида садафлар, дурларга тўлди,
Умидим гуллари очилмай сўлди,
Хазон япроқларин қоқиб соғиндим.

Таскин олай дейман шеър қаламдан,
Ўзимни ўзим юпатиб аламдан,
Дилимдаги битмайдиган ярамдан,
Шеърларима безак тақиб соғиндим.

2002 йил

Ўлдирар

Қўрқаман бу дард мани зор ўлдирар,
Оқибат бир кун қилиб хор ўлдирар.

Менда ҳеч сабр ила тоқат қолмади,
Чунки, ҳар кимга сабаб бор, ўлдирар.

Найлайин гар бўлса дардим бедаво,
Бедаво дард келса, бемор ўлдирар.

Менга то вақти ажал етмай туриб,
Яратганнинг хавфи такрор ўлдирар.

Охиратга қилмадим солиҳ амал,
Найлайин бўлдим гуноҳкор, ўлдирар.

Бормикан бу дилдаги дардга даво,
Руҳи покни, номуси-ор ўлдирар.

Ҳолинга, Саҳвий агар раҳм этмаса,
Чора тадбир бўлар бекор, ўлдирар.

Навоий турмасида.

Навоий турмасидан уйга борган пайтда ёзилган шеър

Аллоҳга шукрим, келди бу кунлар,
Ўтган бўлсин каро даҳшатли тунлар,
Кетсин қалбингиздан ғамли тугунлар,
Энди ҳеч кеча кундузлар йиғламанг!
Энди биз йиғлаймиз, сизлар йиғламанг!

Зор бўлиб кутдингиз ваҳ шунча йиллар,
Мен туфайли маҳзун бўлган кўнгиллар,
Азиз Ота-Онам, ака, сингиллар,
Кўп хатолар қилдик бизлар, йиғламанг!
Энди мен йиғлайин, сизлар йиғламанг!

Ҳамд айтайлик бугун Улуғ Аллоҳга,
Бу кунга етказган Қодир Илоҳга,
Худонинг ҳикмати сиғмас изоҳга,
Қувончларга тўлсин кўзлар йиғламанг!
Бугун биз йиғлайлик, сизлар йиғламанг!

Кўр эдик гўёки, кўзлар очилди,
Лол эдик гўёдек, сўзлар очилди,
Ниқоблар ечилди, юзлар очилди,
Яйрасин шодликдан юзлар, йиғламанг!
Келинг, мен йиғлайман, сизлар йиғламанг!

Шу кунга етказди ўйнаб-кулайлик,
Аллоҳни фазлига шукр қилайлик,
Яратгандан яхшиликлар тилайлик,
Бу кунларга етдингизлар, йиғламанг!
Кўринг, мен йиғларман сизлар йиғламанг!

Ўтди қиш фаслини каҳратон –қори,
Бошланар энди ҳаётнинг баҳори,
Шеърларимга кўчиб дилимда бори,
Эриди тош қотган музлар, йиғламанг!
Доим мен йиғлайин, сизлар йиғламанг!

Шукрки жамлади бизни, Худойим,
Хотиржам айласин дилингиз доим,
Турайлик биз хизматингизда қоим,
Илтимосим шу азизлар, йиғламанг!
Энди биз йиғлайлик, сизлар йиғламанг!

Қадрдонлар ёш олмангиз кўзларга,
На ҳожат бор энди, ғамли сўзларга,
Азиз Ота-Онажоним сизларга,
Меҳрим изҳори бу сўзлар йиғламанг!
Бугун мен йиғлайман, сизлар йиғламанг!

Ота она меҳри

Отаю-онага азалда чексиз,
Меҳр берилгандир ақл етолмас.
Фарзандига меҳр беришда бошқа...,
Одам, ота-она ўрнин босолмас.
Ота-она каби меҳр беролмас!

Ёшлик жинниликнинг бир бўлагидир,
Иблисни ҳам асли, шу керагидир,
Ёшлар юраги тор, куч билагидир,
Дилида шайтоний ҳавас йўқолмас!
Ўзи билганидан ўлсада қолмас!

Ҳар кўрганни ҳавас қилар эргашар,
Ўзича тўғриман дейди-адашар,
То ақли киргунча шундайин яшар,
Интилади югуради, тутолмас!
Нимагалигини ўзи билолмас!

Истайди ҳаётда обрў-олишни,
Довруғи дунёда мангу қолишни,
Ҳамма ҳавас қилиб назар солишни,
Қилмишидан ўзи ҳали уялмас!
Ҳеч кимни гапини қулоққа олмас!

Юрар осмонларда фикру-хаёли,
Бўлса дейди; уй ва фарзанд-аёли,
Бўлса бир амалдор-беҳисоб моли,
Бу орзуларни у, ҳеч тарк этолмас!
Шошган билан ҳеч бир, иш битиролмас!

Чунки бор ҳаётни мавжуд қонуни,
Ҳатлаб ўтолмайди одамзод уни,
Тушуниб етгунча ғўр ёшлар бунни,
Уринади, баланд тоққа чиқолмас!
Турли тўсиқлардан ошиб ўтолмас!

Қоқилиб сурилиб, йиллар ўтади,
Хатони тушуниш вақти етади,
Ҳою-хаваслар ҳам тугаб битади,
Начора, замона зайлин бузолмас!
Илож йўқ, оқимга қарши сузолмас!

Бўлади турли хил балога дучор,
Машаққатлар чекиб, бўлиб хору-зор,
Заррача меҳрга бўлиб интизор,
Ўз хатоларини билар айтолмас!
Ўзини-ўзи ҳам ҳеч кечиролмас!

Уйланар ҳам, аёл меҳрига қонар,
Балки фарзанд кўрар, қучиб қувонар,
Эслаб ўйлаганда куюнар, ёнар,
Ота-она меҳрин ҳеч унотолмас!
У меҳрга ҳеч нарсa тенглашолмас!

Кўзини кўр қилган пардалар кетса,
Отаю-онани қадрига етса,
Истайди уларга хизматлар этса,
Энди излаб улар изин тополмас!
Армон билан ўтар ҳеч унутолмас.!

Навоий турмаси

Бевафо умр

Менда шундай бўлади гоҳо,
Ўтмишимни, эслаб қоламан.
Ҳаётимда ўтган ҳар турли,
Нарсаларни эсга оламан.

Кечагина ёш бола эдим,
Бугун ўттиз бешга кирибман.
Шунча ёшга кириб ҳаётда,
Ҳали ўзи нима кўрибман?!

Ҳали ёш боламан гўёки,
Катта одам бўлмадим ҳали.
Ақлу-фикрим шуурим ҳам ёш,
Камолотга тўлмадим ҳали.

Атрофимга боқсам ҳар турли,
“Катта”–одамларни кўраман.
Мендан, кичик эканин билиб,
Ўз-ўзимга ҳайрон бўламан.

Бу дунёдан ўтгунча, энди,
Ақлу-хушга тўлмасам керак?!
Ҳалигача ёш бўлсам, демак...,
“Катта одам”, бўлмасам керак?!

Тўрткўл

2005 йил

Меҳмонинг сени

Эй, ҳаёт биз неча кун, бағрингда меҳмонинг сени,
Бермас ҳеч ором бу меҳмонига, шайтонинг сени.

Кўп ўқидим одамизод, таъриху достонини,
Хиёнат бирла тўла, таъриху достонинг сени.

«Ҳақиқат ғолиб бўлур», дерлар,бу кунда аксидир,
Фарқи борми айт букун, рост бирла ёлғонинг сени.

Қон тўкилган доимо, мансаб амал дунё учун,
Қон билан гўё бўялган, қасру-айвонинг сени!

Макру-хийлангдан, яратгандан сўрайдирман паноҳ,
Бўлмагай ҳаргиз дилим, мафтунни ҳайронинг сени!

Қанчалар қочсамда баъзан, кўнглими ром айладинг,
Бормиди мендан ололмай, юрган армонинг сени?!

Ўтди умринг бу ҳаётда, энди яхшими-ёмон?
Саҳвиё, гар бўлса ҳамроҳ, басдир, имонинг сени!

2003 йил

ЖИЭМ 46

Бўлмаса

Йўлдан оздирмас эди шайтони малъун бўлмаса,
Қайси оқил нафсига қул бўлди, мажнун бўлмаса.
Оқибатда не бало офат бўлур пайдо қаранг,
Кошки мўминлар бу ғамлардан жигархун бўлмаса.
“Кун” деганда “фаякун” бўлгай, ҳаётда ҳарна бор,
Эҳтимол, бўлмас эди, шу “коф” ила “нун” бўлмаса?!
Ушбу аҳволга туширгач бизни шайтон оқибат,
Масхара айлаб кейин кулганда мамнун бўлмаса.
На узоқ тарихда на бизнинг даврда аҳли дин,
Бунчалар фитна фасодлар, ичра мафтун бўлмаса.
“Ойнинг ўн беши қоронғу,” дерлар, “ўн беши ёруғ,”
Нега биз зулматда қолдик, бир ёруғ кун бўлмаса?!
Саҳвиё, бу шеърларинг ҳам ғамлидир дунё каби,
Не қилай дилга сурур бергувчи мазмун бўлмаса.

.....

Куфрни ҳис қилмассан-имонни кўрмагунча,
Залолатни кўрмассан-қуръонни кўрмагунча.
Имон лаззатин тотмоқ, учун сабабдир куфр,
Билмассан яхши қадрин-емонни кўрмагунча.
Дарди балолар кўрмай яшаётган хотиржам,
Хурлик қадрига етмас-зиндонни кўрмагунча.
Албатта билмас одам-сидқу-садоқат қадрин,
Макру-хийлаю алдов, ёлғонни кўрмагунча.
Ҳайфдир ҳаёт неъматини, ҳар ким ношукр бўлса,
Бўлмас олимни қадри, нодонни кўрмагунча.
Ҳар нарасида ҳикмат бор-сен тафаккур этмассан,
Оламдаги муқобил-мезонни кўрмагунча.
Одам суратини кўриб, одам дегайлар, Саҳвий,
Сийратингда бир ваҳший, ҳайвонни кўрмагунча.

**Оят; Аллоҳ уларни азобламайди агар сиз (эй Муҳаммад алайҳиссалом)
ораларида бўлсангиз.ва Аллоҳ уларни нимага азоблайди агар истиғфор айтсалар.
(Анфол сураси 33 оят)**

Хушхабар

Келди бу оятда бизгаларга, фалокатдан хабар,
Ҳам нажот топмоқ йўли, улкан шарофатдан хабар.
Келмагай бизга бало, бўлса Расулуллоҳ ҳаёт,
Кетгани у зотни аслида, қиёматдан хабар.
Энди бизга қолди доим, айтмоқ истиғфор,халос,
Нажот топмоқ шарти ҳам, шу бўлди оятдан хабар.
Тавба бирла икки дунё, бўлса обод, йўқ ажаб,
Чунки, кўп келган бу мазмунли ривоятдан хабар.
Эй Худоё, мен тилайман, мағфират қилгил дея,
Шукр айтарман берибдур, бу саодатдин хабар.
Аслида мўмин мусулмонларга хос, бу хушхабар,
Чунки, имон бўлмаса, келмас башоратдан хабар.
Саҳвиё, Роббинг каломи бебаҳо неъмат эрур,
Унда бордир икки дунё,барча ҳолатдан хабар.

Илтижо

Илтижо айлай Худоё, мен букун даргоҳинга,
Раҳм этиб кўрсат ҳидоят йўлини гумроҳинга!
Кофиру-фосиқлар ичра, фосиқ бўлдим оқибат,
Масал борким;»Ўхшагайсан- бўлса, ким ҳамроҳинга».
Имтиҳон дунёсида бўлгил мададкорим Ўзинг,
Сақла тушмакдан, чиқиб бўлмас, чуқурли чоҳинга.
Тангрига этгил таваккул, ўзгалардан ибрат ол,
Тез йиқилгайсан суянсанг, молу-мулки жоҳинга.
Раҳматингла бу ҳаёт йўлинда ҳамроҳим қилиб,
Эй, Худо дуч эт, ҳидоят йўлидан огоҳинга.
Бандасига меҳрибондир Хожаси қил илтижо,
Ҳақ Ўзи фазли билан, етса ажабмас оҳинга.
Саҳвиё айла таваккул Тангрига, узма умид,
Илтижо айлай Худоё, мен букун даргоҳинга!

Истарман

Ярим кўнглимни ё Раб,тўлдирмоғинг истарман,
Дилимдаги оташни сўндирмоғинг истарман.
Ғарибман бу зиндонда,фисқу-фужур ҳар ёнда,
Яшагандан ҳайронда, ўлдирмоғинг истарман!
Тилагим шу ё Аллоҳ, имоним айла ҳамроҳ,
Раҳматинг бирла гоҳ-гоҳ, кулдирмоғинг истарман.
Ўзинг марҳаматингдан,нажот бер офатингдан,
Дилимни раҳматингдан, қондирмоғинг истарман.
Ожиздирман Илоҳим,кечгил қилган гуноҳим,
Ҳақ аҳлини ҳамроҳим, қилдирмоғинг истарман.
Кўпаймоқда ёмонлар, Золимлар зўравонлар,
Офиятли замонлар, бўлдирмоғинг истарман.
Саҳвий бас қил нолишни, машаққату ташвишни,
Қиёматга бу ишни, қолдирмоғинг истарман.

Эмасми

Оқиллар бу дунёга, лолу-ҳайрон эмасми?
Дунё ҳаёти асли, бир имтиҳон эмасми?!
Офият истаб олам, аҳли топмади ҳаргиз,
Чунки унинг асоси, мағзи, ёлғон эмасми?!
Бир-бирини рад қилиб, Ҳақ талашур одамлар,
Ҳақ устида ихтилоф, қилган ёмон эмасми?!
Дунё учун, мол учун, қон тўкишга на ҳожат,
Унинг барча бисоти, охир вайрон эмасми?!
Қани қанча жаҳонгир, дабдабали подшоҳлар,
Барчаси хоки тупроқ, ерга яксон эмасми?!
Арабми ё Ажамми, насабда не фарқи бор?
Барча одамни асли, битта Инсон эмасми?!
Ҳаёт муаммосига Саҳвий бўлмагил ҳайрон,
Булар шубҳасиз Одил, Ҳаққа аён эмасми?!

Айлар букун

Банданг арзини адо айлар букун,
Даргоҳинга илтижо айлар букун!
Ҳолима раҳм айла, ё Роббим менинг,
Раҳматинг, дил муддао айлар букун!
Битмади ташвиш муаммоим ҳануз,
Душманим беҳад жафо айлар букун!
Икки дунёда Ўзинг хор этмагил,
Мазлуминг нусрат рижо айлар букун!
Ношукр бўлма кўнгил сабр айлагил,
Ҳар неки Роббинг қазо айлар букун?!.
Бўлғуси шаксиз қиёмат ғам ема,
Ҳақ Ўзи одил жазо айлар букун!
Саҳвиё имон саломат бўлса бас,
Бўлмаса юзинг қаро айлар букун!

Айлама

Эй дўст дилингни бунча тор айлама!
Дардингни дардсизга изҳор айлама!
Дунёнинг ғамидан ҳаммада бисёр,
Охиратни ғамин ошкор айлама!
Бу дунё вайрони бўлмагай обод,
Бўлмагани энди сен бор айлама!
Қайғуни қўй билким, фурсат ғанимат,
Азиз ҳаёт неъматин хор айлама!
Орзу ният тузоғига тушибсан,
Ўз-ўзинга ғамни бисёр айлама!.
Шукр қилиб яша имкон борида,
Дилни балога гирифтор айлама!.
Саҳвиё, дилинга қилгил насиҳат.
Бир хато қилдингми, такрор айлама!

Муддаосидан мени

Баҳраманд этдинг шукр, имон зиёсидан мени,
Энди қилғайсан омон, иблис балосидан мени.
Қўп адашдим эй Худоё, асрагил фазлинг била,
Қилмагил нафси ҳавонинг мубталосидан мани.
Шубҳасиз афзал эрур, Ҳақнинг ризоси дунёдан,
Ёрутгил кўнглим муҳаббатнинг жилосидан мени.
Ҳақни дўст тутмоқ шуки, ботилни тарк этмак керак,
Сақлағайсан фитналик дунё матосидан мени.
Эй кўнгил дунё муаммоси била ғамлар чекиб,
Чалғитарсан охиратнинг, муддаосидан мени.
Ҳақни севмоқ шарти бўлди, расулига иттибоъ,
Сўфиё, чалғитмагил, суннат адосидан мени.
Саҳвиё, мангу саодат истасанг қилгил дуо,
Қилмағай ҳаргиз жудо, Роббим ризосидан мени.

Интиҳоси деб билинг

Дунёга келмоқ синовни, ибтидоси деб, билинг,
То ажал етганда сизлар, интиҳоси деб, билинг!
Эй биродарлар туғилмоқ, бирла ўлмоқ ораси,
Бизга “имон имтиҳонин можароси” деб, билинг!
Асли шу мақсад билан дунёга келди, инсу-жин,
“Ҳосили умринг яратганни ризоси” деб, билинг!
Ёлғиз Аллоҳга ибодат айламоқ, динга асос,
Сиз бу мақсадни “яшашни муддаоси” деб, билинг!
Гарчи неъмат, молу-мансаб, бирла фарзанду аёл,
Айни пайтда сиз булар, “жоннинг жафоси” деб, билинг!
Барчамиз навбат билан, бир-бир ўтармиз дунёдан,
Кимки имонсиз борар, бахтин қароси” деб, билинг!
Саҳвиё, шудир ҳаётда, инсу-жиннинг қисмати,
Ким бу маънидан узоқ, “Ҳақнинг қазоси” деб, билинг!

Арзимас

Эй биродарлар, фано, рағбат қилурга арзимас.
Бору йўғига анинг, ҳасрат қилурга арзимас!
Аҳли дунёнинг , Худонинг олдида йўқ қиймати,.
Сен уларни дўст билиб,, иззат қилурга арзимас
Одамизодсан ахир бир аслию, наслинга боқ,
Кибр этиб иблис каби, муртад қилурга арзимас.
Якка Аллоҳга ибодат айламай нақди умр,
Нафси ҳавойинг учун,хизмат қилурга арзимас.
Битмаган дунё муаммоси дилингни банд этиб.
Умри нақдинг сарф этиб,ҳиммат қилурга арзимас!..
Дилга маҳрам бирла, дил дардига малҳам истама,
Топмағайсан дарбадар, ҳижрат қилурга арзимас.
Эйки Ҳақни зикрида бўл, тарк этиб ёру диёр,.
Турфа нокаслар била, суҳбат қилурга арзимас.
Аҳли дунё истагингиз доимо дунё, билинг,
Ҳақни ҳурмат қилмаган, ҳурмат қилурга арзимас!.

Нафси ҳавойига қул бўлган ҳавонинг қуллари,
Қисқа умрингиз ётиб, роҳат қилурга арзимас.
Ҳарна тақдири азалда, битгани бўлгай ахир,
Яхшилиқни мутлақо, миннат қилурга арзимас!
Ҳаққа қайтинг борида имкони эй, гумроҳлар,
Сизки, жидду жаҳд этиб, даъват қилурга арзимас!!
Ҳақ қани, ботил қани, меёр қани, мезон қани?,
Бу ҳаво мезонлари қисмат қилурга арзимас.!!
Бизга кўп бўлди зулмлар, масҳара, қийноқ азоб,
Энди сиз ҳам бунчалар, тухмат қилурга арзимас!
Билки Аллоҳ ва расулининг ризосин тарк этиб,
Нафси шайтонинг сари рағбат қилурга арзимас!
«Эл мани ғийбат қилар» деб, бўлма маҳзун Саҳвиё,
Ҳар киши ҳам ортидан, ғийбат қилурга арзимас!

Бўлмаса

Қувонч бўлмасди агар, ёнида ҳам бўлмаса,
Яралмасди бу олам, жинсу одам бўлмаса.
Синов бўлмасди асли биз яралган бу дунё,
Бировдан биров ортиқ ва ёки кам бўлмаса.
Омонату оқибат иймон ҳосиласидир,
Яшай олмас одамзот хотири жам бўлмаса.
Дунёдаги ўткинчи шон-шарафдан не фойда,
Ҳақ қошида қиёмат, кун муҳтарам бўлмаса.
Қандай бўларди ҳаёт қилолмайман тасаввур,
Бир-бировдан ололмай юрган алам бўлмаса.
Саҳвийнинг дил баёни, дилидаги армони,
Охир тавобу насиб, байтул ҳарам бўлмаса!

Нодон эканман

Дўстлар бугун банди зиндон эканман,
Англадим бир ожиз инсон эканман.
Нега бўлдим бунча офатга дучор,
Билсамки соҳиби иймон эканман.
Имтиҳон тугамас ўтмай дунёдан,
Давом этар то мусулмон эканман.
Шундан иборатдир мўмин ҳаёти,
Буни тушунмаган нодон эканман.
Қандай тугар экан бу имтиҳонлар,
Оқибатни ўйлаб ҳайрон эканман.
Ё Раббим, йўлингда собитқадам қил,
Тоқат қила олмай гирен эканман.
Саҳвий яратганга айлаб таваккул,
Умид қилиб кутган бир жон эканман.

Кечалар

Илтимосим ушбу сиздан, кечалар, жон кечалар,
Айламанг бунча дилим мулкани вайрон, кечалар.

Сиз била бирга ғариб кўнглимга ҳам зулмат келар,
Келмангиз асло, нурафшон бўлсин осмон, кечалар!!
Кўнглим осмонин ёрутгудек қуёшу, ой, йўқ,
Дунё осмонин ёрутгай, моҳитобон, кечалар.
Балки юлдузлар мисоли кўздан оққан қатра ҳам,
Чунки, бу ҳижрон тунида, дилда сўзон кечалар.
На сабр қилмоққа тоқат йўқ, на дардимга даво,
Ғар муҳаббат даштида ёндирса ҳижрон кечалар.
Сўз деманг Фарходу-Ширин, Лайли-Мажнундин манга,
Ҳар кеча битмоққа арзир битта достон, кечалар!
Айланиб арзу-само, тинмас, шудир муддат, ҳаёт,
Сахвиё, парвонадек гирдингда сарсон кечалар!

Сўрарман

Роббимдан дилимга зиё сўрарман,
бедаво дардимга, даво сўрарман.
Алдамчи дунёга, мафтун этма деб,
Зулматли тунимга, рўшно сўрарман.
Ё Роббим қилмагил имоним зоеъ,
Ўзинг ато этгил, тақво сўрарман.
«Менга ҳам бир солиҳ, зурриёт бер» деб,
Закариё каби, Яхё сўрарман.
Риелик бўлмасин садоқат асло,
Қиёматлик дўсту-ошно сўрарман.
Мени Сендан ўзга, Илоҳим йўқдир,
Билиб Сени ёлғиз, Танҳо, сўрарман.
Азалда битганин кўрарсан Сахвий,
Буни тасдиқ қилиб, аммо сўрарман.

Ўртагай

Дилни ҳижрон дарди бисёр ўртагай,
Куйдирар, тунларда бедор ўртагай.
Неча йиллар дарди пинҳон қийнади,
Энди бора-бора ошкор ўртагай.
Қафас ичра гулни ҳажрида булбул,
Дилни-қилган нолаи-зор ўртагай.
Интизор бўлган юраклар найлайин,
Изтироб, такрор-такрор ўртагай.
Ҳақдан ўзга билмагай дардим мени,
Эсга тушса номуси-ор ўртагай.
Сахвиё, билсанг бу дард бир сен эмас,
Ҳар кишига бўлса дучор ўртагай.

Унутма

Эй дилим, номус-орингни унутма!
Ғурури эътиборингни унутма!
Қазо гирдоби тортса қай тарафга,
Униб-усган диёрингни унутма!

Агар етса мабодо, мулку давлат,
Унутма дўсти ёрингни унутма!
Ҳали барча халойиқдан ҳисоб бор,
Шулар ичинда борингни унутма!
Камтарин бўл, ўзингни катта олма.
Ўз имкон иқтидорингни унутма!
Якин бил, бандасан бечорадурсан,
Удуғ парвардигорингни унутма!
Қўлингдан келганинча яхшилиқ қил,
Омонат ихтиёрингни унутма!
Меҳр риштаси боғланган дилинга.
Дуоларинга зорингни унутма!
Қўп одамлар ўтди дунёдан Саҳвий,
Сан ҳам бир кун, борорингни унутма!

Ўзинга бандаман

Эй, Худоё, мен ўзинга бандаман,
Қўп гуноҳим найлайин шармандаман?
Бандаликда ихтиёрим йўқ эди,
Бўлдим энди ихтиёрсиз бандаман.
Ўтирарман тикан симлар ичинда,
Энди эркимдан жудоман, банддаман.
Мани ўз нафсимга ташлаб қўймағил,
Айлаёлмасман гуноҳни кандаман.
Тарк этиб дунёни, дарвишлар каби,
Истагим энди, кийишлик жанда ман.
На ғурбатда эрку ихтиёрим бор?,
На рўшноликни кўрдим ватанда ман?!
Толеинг шунча забунми Саҳвиё?,
Қайда бор офат балолар, анда ман.

Навоий 2004 йил

Мақсадим

Ҳақ ризосидир ҳаётим, ибтидосидан умид,
Ҳар киши қилғай ўзин Роббин ризосидин умид!
Мақсадим ушбу ҳаётдин ҳақ ризосидур фақат,
Банда албатта кутар ўз муддаосидин умид!
Ким оловдан, кимки тошдан, ким қуёшу – ойдан,
Ким қилар Маъбуд, дея нафси-ҳавосидин умид.
Кимки сувдан, кимдир ҳайвон, ким жину Шайтондин,
Ким кутар дардига арвоҳлар шифосидин умид.
Кимдир ўйлар молу дунё, мансаби бўлса, тамом,
Ким қилар фолбин дуохонлар давосидин умид.
Бир фараз айланг, турибди бирга, Шоҳ бирла гадо,
Турсалар халқлар тилаб, ҳожат гадосидин умид!
Бу масал оқил кишиларга етар ибрат учун,
Айлағай Савҳий фақат, ёлғиз Худосидин умид!

Истама

Бевафо дунёда вафо истама,
Айшу ишрат, кайфу сафо истама.
Бу дунёда роҳат фароғат кўзлаб,
Ўз жонинга ўзинг жафо истама.
Ҳақ зикрила бўлар дилинг хотиржам,
Бу дард учун бошқа даво истама.
Яна бу дунёга қўйиб муҳаббат,
Ўз бошингга битмас бало истама.
Гарчи кўнгил истар хотиржам ҳаёт,
Айни ўша катта хато, истама!
Дил мулкига Шайтон бўлар ҳукмрон,
Кейин тугамайди ғавғо, истама!
Дунё истаганлар кўп ўтди Саҳвий,
Улардан ол ибрат, асло истама!

Манга

Етди бу имон йўлида, кўп балолардан манга,
Асли бу мерос етиб келган, Боболардан манга.
Чунки, бу йўл анбиёлар, авлиёлар йўлидир,
Келди шу зотларга келган, кўп жафолардан манга.
Давр ўтар, инсон ўтар, имон ўша, инсон ўша,
Куфр ҳам келган, узоқ давру аролардан манга.
То қиёмат куфру-имон, ихтилоф этгай мудом,
Қолди ибрат, Ҳақ йўлида, жон фидолардан манга!
Айланиб даврон, бугун мен бу синов майдонида,
Ҳақ ризосига эришмоқ муддаолардан манга!
Сабр бер, собитқадам қил, ўткар имоним омон,
Ўлмак афзал, хорлигу, тўхмат жазолардан манга.
Бандаман рози қазога, келса нусрат йўқ ажаб,
Сабр этиб, шукр ила қилган, илтижолардан, манга.
Умид айлаб раҳматинг, Саҳвий қилур, ё Раб, нидо,
Офият бер, бу туганмас можаролардан манга!

Ярашмас

Бесабрлик, ақли бора ярашмас,
Ақл бериш, дилозора ярашмас.
Дунё матоси деб, имондан кечмоқ,
Жаннатидан умидвора ярашмас!
Албатта, охират иззат-икромиди,
Лаънатларга сазовора ярашмас!!
Салла кийиб тақво даъвосин қилмоқ,
Қалби мараз, гуноҳкора ярашмас.
Сабр лозим экан, ажал етгунча,
Сабр-тоқат кўнгли тора, ярашмас.
Эй Саҳвий, ношукр бўлма, шукр қил,
Сенга бу сифат, тобора ярашмас.

Англасанг

Дунё учун одамзод, фидо бўлар англасанг,
Умрим тугаб бир куни, адо бўлар англасанг.
Молу-мулк фарзанд аёл,зийнат экан дунёга,
Шуларни деб, подшоҳлар, гадо бўлар англасанг.
Соғинч азоби ёмон,мехр қўймайди омон,
То ўтгунча ҳаётдан, бало бўлар англасанг.
Тарк айла ўзни буткул,Аллоҳга қил таваккул,
Юрагинг дардига шул, даво бўлар англасанг.
Имоннинг йўли оғир, қон бўлар жигар бағир,
Топсанг ҳосили охир,тақво бўлар англасанг.
Иблисга қул кўп инсон,фарқи йўқ, куфру-имон,
Икки дунё бегумон, расво бўлар англасанг.
Билсангиз шарр ва офат,мўминларга шарофат,
Чунки, роҳи ҳидоят, пайдо бўлар англасанг.
Булар Ҳақ йулни тутти,аҳли дунё унутти,
Ғариб мазлумни дўсти, Аллоҳ бўлар англасанг.
Саҳвиё,қилма гумон,келар сен кутган замон,
Сабр тагинда сариқ, тилло бўлар англасанг.!

Билмаслар

Ҳаром ҳариш ейдилар, тўйганни ҳам билмаслар,
Қадр қимматига қўл қўйганни ҳам билмаслар.
Нафси тўла ҳукмрон, уни бошқарар Шайтон,
Инсофининг кўзини ўйганни ҳам билмаслар.
Дили тош қотса инсон, бўлар ҳайвондан ёмон,
Қалби қабоҳат билан тўлганни ҳам билмаслар.
Қалбни ўлгани шудир, жасаидан аввалроқ,
Лекин бу ўлик қалблар, ўлганни ҳам билмаслар.
Эси паст, бефаросат, бўлиш бу катта офат,
Ўзининг нафсига қул бўлганни ҳам билмаслар.
Саҳвий, дил ҳам гул каби, парваришдир талаби,
Лекин сўлар гул каби, сўлганни ҳам билмаслар.

Умид

Одамизод айлар эркан, чиқмаган жондан умид,
Саъй этиб борица имкон, узма Раҳмондан умид.
Эҳтимол орзуларинг рўёбга чиқмас, барибир,
Кўнгил узолмас экан, ҳеч Ўзбекистондан умид.
Тинмайин даврон, етар ҳар нарсанинг поёнига,
Даврдан эрмас, қилинг Соҳиби даврондан умид.
Ноумидлик бандага лозим эмас, ҳаргиз билинг,
Умидни узманглар ҳаргиз, бўлса имондан умид.
Сабаблар кўпдир, Мусаббибни унутманг ҳеч қачон,
Мумкин эрмас айламоқ инсонга, инсондан умид,
Охиратда маҳфиратдан, ноумид Шайтон экан,
Ноумид бўлмас ўшал кас, узмаса Ондан умид.
Гарчи кўпдир сенда беҳад, маъсиятлар Саҳвиё,
Узма ҳаргиз мағфират, Фирдавсу ризвондан умид.

Зикри Худонинг қадрини

Юрмаган зулмат аро, билмас зиёнинг қадрини,
Билмагай жоҳил одамлар, авлиёнинг қадрини.
Бўлди инсонга шараф, ростлик ила меҳру-вафо,
Бефаросат билмагай меҳру-вафонинг қадрини.
Бўлмаса эрда ғурур, бўлмас аёлида ҳаё,
Беҳаёлар билмагай, шарму-ҳаёнинг қадрини.
Масал бордирким; «касал бўлган одам бўлғай табиб»,
Токи дард чекмай туриб, билмас шифонинг қадрини.
Дарди-ғам меҳнат-машаққат тортмаса инсон агар,
Қайда билсин тинч-ҳаёт, кайфу-сафонинг қадрини?!
Одамизод билмагай, Оламда бўлмасдан жудо,
Ҳеч бирор неъматни, бир ютган ҳавонинг қадрини.
Зору-саргардон юриб, кўрмаганлар билмагай,
Ота-Она-дўсти-ёр, хеш-ақрабонинг қадрини.
Саҳвиё Роббинга-тоат, айламансан субҳу-шом,
Билмадинг ҳеч, лаззати зикри-Худонинг қадрини!

Йўқ иложим

Гуноҳ бўлса, юзинга солмоқ нигоҳ,
Йўқ иложим найлайин, қилмай гуноҳ?!
Дилда не бўлса, бари Ҳаққа аён,
Ҳақ Ўзи билса, етарликдир гувоҳ!
Иддао қилмоқ на ҳожат мақсадим?
Бу аёндир, шарт эмас энди изоҳ?!
Ҳам гуноҳкор, ҳам умидвор бандаман,
Гувоҳдирман, Ҳақдин ўзга йўқ Илоҳ!!
Оқибат, имон саломат қолса бас,
Ҳар қадамда учрагай, чоҳ узра чоҳ!
Ўзга боғларнинг гули, раъноси деб,
Саҳвиё, токай чекарсан бунча оҳ?!

Англадим

Соғиниб қалбим ватанни, қонлиғини англадим,
Етмайин орзусига ҳайронлиғини англадим.
Вужудим бу ердадир, руҳим ватанда дарбадар,
Қўҳна Жайхун бўйида қолғонлиғини англадим.
Мен зулмдан қочганимга шукр этарман ҳар замон,
Асли улканроқ жазо, бўлғонлиғини англадим.
Ўзга юртларда фаровон бўлсада, гарчи ҳаёт,
Менга ватан бўлғони, ёлғонлиғини англадим.
Найлайин тақдир азалда, ихтиёр қолдирмади,
Биз учун азму қарор олғонлиғини англадим.
Айро тушдим, азиз аждодларни хоки пойидан,
Қисматим ғурбатга йўл солғонлиғини англадим.
Саҳвиё, ғурбатда умринг ўтса улкан дард экан,
Соғиниб қалбим ватанни, қонлиғини англадим!

Санга

Эй, кўнгил, имон йўлинда етди бу меҳнат санга,
Билки пайдо бўлди имкон, топпагинг раҳмат санга.
Шукр қил Роббинга ушбу ғам учун, озор учун,
Сабр этиб ажрин олишга, етди бу фурсат санга,
Анбиёю-авлиёларнинг йўлидир ушбу йўл,
Бас, бу йўлда келмоғи турли бало, суннат санга.
Шукр айтгил етди бу суннат, зулм, зиндон учун,
Охиратга бўлса бир ҳужжат, улуғ давлат санга!
Кўр ўқиб таърихни, кўр Тангри каломин фикр этиб,
Келди бу майдонда турмоқлик учун навбат санга!
Куфр ила имон курашгай то Қиёматга қадар,
Қай тарафда колганинг эслаш, улуғ неъмат санга!
Бизга асхоби киромлар, ўтган аждод давридан,
Кўп эрур ҳужжат, далил, олсанг агар ибрат санга.
Сураи ёсин ўқиб кўргил Ҳабиб Ҳажжорни,
Ҳақ йўлини “Ҳақ!” демоққа, етдими журъат санга?!
“Унга айтилди; мукофотинг шуки “жаннатга кир”,
Кошки бўлгай ғамларинг ажри бориб жаннат санга.
Тарк этиб дунёни ўткинчи ҳавас орзуларин,
Бахт шудир, кўрсатса Ҳақ даргоҳида иззат санга!
Балки Роббинг гуноҳингни авф этиб фазли билан,
Берса Солиҳлар сафинда бир мақом қурбат санга.
Куфри имонни аросинда туганмас ихтилоф,
Аҳли имон бўлмагунча бўлмагай нусрат санга.
Чунки, Иблисдан сени Роббинг бўлур ғолиб мудом,
Бор бу ҳолатда агар билсанг улуғ ҳикмат санга!
Дилни қил хотиржам энди, беҳуда қайғуни қўй,
Ўлсанг имон бирла ўлмаклик бўлсин ният санга.
Балки золимлар сабаб етгай шаҳодат неъматини,
Бўлғуси аждоду авлодинга бу ҳужжат санга.
Эй Худоё, ато этгил аҳли Исломига нажот,
Бизга илтижо қилиш хосдир, ҳукм Кудрат Сенга!
Холиқо ожиз ғарибман, Сенга аҳволим аён,
Мағфират қил гарчи лойиқ қилмадим тоат Санга!
Ота-онам бўлди ё Раб, раҳматинга интизор,
Раҳмат этгил чунки хосдир мағфират раҳмат Санга!
Бирлигинг ҳаққи дуоимни ижобат қил мени,
Ўзга маъбудлик даъво этмак бўлур тухмат Санга!
Саҳвиё килғил таваккул роббинга, қил дилни шод,
Бил, Унинг тақдиридандир, етса не қисмат санга!

Оҳанграбоси борми?

Гўзалларни, билмайман, оҳанграбоси борми?!
Дилларни ром айлайди, ё бир балоси борми?!
Мафтун этиб бу кўзлар, куйдиради боққанни,
Шунчалар ҳам бу кўзлар, меҳригиёси борми?!
Деманг, «Фарҳоду Ширин»,» Лайли Мажнун» достонин,
Муҳаббат афсонасин ҳеч интиҳоси борми?!
Шоир қалам қоғози ожиз, баён этишдан,
Айтинглар бу туйғуни, шарҳин адоси борми?!
Интизор дилни ҳардам, куйдирса дарди ҳижрон,
Висолидан ўзга бу, дардни давоси борми?!
Қанчадан қанча мағрур, бошлар эгилди охир,

Бу йўлда фарқи йўқдир, Шоҳу-Гадоси борми?!
Ҳижронда ўтди умри, дўстлар Саҳвийни айтинг,
Шу жазога лойиқ бир, қилган хатоси борми?!

Ўлдирар

Қўрқаман бу дард мани зор ўлдирар,
Оқибат бир кун қилиб хор ўлдирар.
Менда ҳеч сабр ила тоқат қолмади,
Чунки,ҳар кимга сабаб бор,ўлдирар.
Найлайин гар бўлса дардим бедаво,
Бедаво дард келса, бемор ўлдирар.
Менга то вақти ажал етмай туриб,
Яратганнинг хавфи такрор ўлдирар.
Охиратга қилмадим солиҳ амал,
Найлайин бўлдим гуноҳкор, ўлдирар.
Бормикан бу дилдаги дардга даво,
Руҳи покни, номуси-ор ўлдирар.
Ҳолинга,Саҳвий агар раҳм этмаса,
Чора тадбир бўлар бекор, ўлдирар.

Хаёлингдан сени

Мен йироқ тушдим азизам ойжамолингдан сани,
Бўлмади топмоқ хабар имкони ҳолингдан сани.
Доимо сарсон, ғариблик даштида оввораман?,
Ўтди ойу-йилларим фикру-хаёлингдан сани.
Борми эй,дунё бирор кимсаки сен қилган вафо?
Фарқи йўқдир ҳеч камолотинг, заволингдан сани?
Эй кўнгил, тақдир экан шу, ўтди фурсат бўлди кеч,
Энди не фойда, бу қилган оҳу-зорингдан сани?!
Хотира, армон овунчоғим фироғинг шомида,
Эсласам хуш хотирим, дунёда борингдан сани.
Кўнгил боғида хазон бўлган, умидим гуллари,
Қисмат ўзгармас экан, азму қарорингдан сани.
Саҳвиё, сан бунча бахтим шўр» дебон, қайғурма кўп,
Чунки, бу ишлар эмасди, ихтиёрингдан сани!

Муҳаббат Туйғуси

Во ажаб, нима бу ишқу-муҳаббат,
Нега юрагинг титрайди, бўзлайди?!
Сеҳрми ё жоду,нечук синоат?
Дилни қиймалайди, гўё тузлайди!
Дарддидир илинжи, дарддидир туйғу,
Бу ҳисдан бенасиб, юрак музлайди.
Ажибдир азобу, ширин бир қайғу,
Дилни ўзи, бу туйғуни излайди.
Бу туйғу дилимни, қаърида пинҳон,
Уни авайлайди, доим сизлайди.
Руҳим беихтиёр асири унинг,

Изтиробидан, гоҳ унсиз йиғлайди.
Юракни ғамлари кўзда намоён,
Дардин кўзгу каби, тилсиз сўзлайди.
Қаъридан дур каби, ёшлар оқизиб,
Ўзига бир юпанч, ором кўзлайди.
Нималигин ҳали англаёлмадим,
Мени азоблайди фақат, тигʻлайди.
Муҳаббат туйғуси нималигига,
Инсоният, ҳануз жавоб излайди.

Айлар мани

Найларам бу дилни бунча, интизор айлар мани?
Барча пинҳон дардларимни, ошкор айлар мани?1
Таъна қилманг, беқарор бўлсам ҳамиша субҳу-шом,
Дарди ҳижрон дилни ўртаб, беқарор айлар мани!
Хотирим қилса паришон, фурқати айб айламанг,
Эй биродарлар, нетай,ҳижрони зор айлар мани?!
На сабр қилмоққа тоқат-йўқ,на дардимга даво,
Дам -бадам, бетоқату беихтиёр айлар мани.
Интизор бўлдим, ҳажр шомиди мен субҳим кутиб,
Келмайин ҳеч кутганим, ғамга дучор айлар мани.
Кўнгил истар энди дунёнинг ғамин тарк айламоқ,
Чунки, Ҳақ зикри дилимни, беғубор айлар мани!
Саҳвиё узма умидингни Худонинг фазлидан,
Мағфират айлаб, карамдин бахтиёр айлар мани!

Бўлмасин

Мен каби оламда ҳеч ким, зору-ҳайрон бўлмасин,
Топмайин дил мақсадин,хотир паришон бўлмасин.
Дарди-фирокин чекиб,юрмоққа тоқат қолмади,
Бўлса ҳам турли балолар, дарди-ҳижрон бўлмасин!
Олам ичра ҳеч мусулмон банда,туҳматлар билан,
Беайб озор чекиб, ҳам банди зиндон бўлмасин.
Дўсти ёридан-диёридан,жудо бўлгач яна,
Фитналарга дуч бўлиб, мосивои имон бўлмасин.
«Мусулмонмиз»деб, мусулмонларга қилганлар зулм,
Ўтгай имонсиз бўлиб, ҳаргиз мусулмон бўлмасин!
Дўстлар имонни саломат сақламок осон эмас,
Эътиқод-имон даъво, қилганда ёлғон бўлмасин!
Мен азал қисмат билан,кўрдим неки етган бало,
Дўстларим ҳайрону, душман шоду, хандон бўлмасин.
Истамоққа тоқатим йўқ, дилга малҳам бас, етар,
Бўлмаса,бу бедаво дардимга дармон,бўлмасин!!
Айбу-нуқсонига армон,айлагай Саҳвий бугун,
Борми бир инсон , хатосидан пушаймон бўлмасин?!

Изларингни излар эрдим

Изларингни излар эрдим, кечалар уйғоқ бўлиб,
Қонмади ҳаргиз лабинга, лабларим чанқоқ бўлиб,
Найлай армонингда ўтмоқ, бизга шу тақдир экан,
Бўйнинг тақилмадим гўёки, кўзмунчоқ бўлиб.
Мен сенга дарду дилимни, ҳеч қачон айтолмадим,
Қўрганимда юзларинги, тер босиб, титроқ бўлиб.
Ёрутар эрди хаёлинг, орзуим осмонини,
Ўтди умрим хаёлингда, неча йил бўйдоқ бўлиб.
Кечдингу мендан ва лекин, мен кечолмасман ҳануз,
Ларзага солганда ишқинг, кетмадим тупроқ бўлиб.
Сухбатинга ташна кўнглим, етмади орзусига,
Ҳилпирар эрди юраклар, талпиниб, япроқ бўлиб,
Хаёлинг то ҳануз Саҳвий, тарк этолмасдир уни,
Билмадим неларни ёздинг, бу кеча чарқоқ бўлиб?!

Мухаммаслар

Манга

Эй кўнгил, айтгил надир, дардинг давосини манга?,
Интилиб ҳеч топмаган, дил муддаосини манга,
Йўқ иложи қайтаришга, Ҳақ қазосини манга,
Дема, дунё аҳлининг, жабру-жафосини манга,
Борми ё, айтгил биров кўрган вафосини манга?!

Бу ҳаётда ғам-алам кўрган киши бисёр эрур,
То тирикдирсан, санга офат-бало тайёр эрур,
Бил ҳаётда Ҳақдин ўзга барчаси бекор эрур,
Мақсади Олийни билсанг, «давлати дийдор» эрур,
Дема, жаннат аҳлининг ҳури лиқосини манга.

Сен Худонинг раҳматидан, умид узма ҳеч қачон,
Орифи Биллоҳ бўлсанг, Олам аҳволи аён,
Олами Боқийни изла, бил яқин, қилма гумон,
Ҳар қачон азм айласа, Роббинг сари бу хаста жон,
Ҳақ Ўзи бергай адолатлик баҳосини манга!

Эй Худо, бергил дилимнинг муддаосин фазл этиб,
Бер Ўзинг бу бедаво, дардим давосин фазл этиб,
Энди кўрсатма ҳаёт, жабру-жафосин фазл этиб,
Айлагил осон қиёматнинг балосин фазл этиб,
Манфаатли қил ҳаёт, берган балосини манга.

Офиятда тут мани, юз пора кўнглимни яна,
Мақсадига етмаган оввора кўнглимни яна,
Поклагил исён билан қоп-қора кўнглимни яна,
Ғамга дуч этма Эгам, бечора кўнглимни яна,
ҳам унуттиргил қиёмат кун, хатосини манга!

Эй кўнгил, бўл камтарин, кибру-ҳавони тарк этиб,
Осий бўлма ҳеч қачон, хавфу-рижони тарк этиб,
Ҳаққа интил, Ҳақдин ўзга-Мосивони тарк этиб,
Эй мани кўнглим, сира амри-Худони тарк этиб,
Демагил: тутгил яна, нафсинг-ҳавосини,–манга!

Эй кўнгил, ўзгармагил йўқ бўлмасин ўзлик бориб,
Чунки, имон аҳли бўлгай кўрки-бир сўзлик, бориб,
Бузмагил аҳдингни энди, эй қаро кўзлик, бориб,
Аҳдни бузган Саҳвиё, бўлгай қаро юзлик-бориб,
Эй Худо, кўрсатмагил, юзлар қаросини манга!

Қолмади

Эй азизам, ҳажр аро сабру-қарорим қолмади,
Зор бўлдимки фироқингда мадорим қолмади,
Ой юзинга талпиниб дил, ихтиёрим қолмади,
Сан эдинг кўнглим баҳори, бас, баҳорим қолмади,
Хазон урди дилни боғин, лолазорим қолмади.

Элу-юртимдан жудоман, бошда ғурбат бор учун,
Йўқ иложим найлайин, аввалда қисмат бор учун,
Асли имон ҳам синалгайдир, мусибат бор учун,
Интилар доим дилинг-дилга муҳаббат бор учун,
Менда энди бору йўққа, эътиборим қолмади.

Сен мени кўнглим ҳамиша орзу қилган ёр эдинг,
Қайда бўлсам хотирамда, шеърларимда бор эдинг,
Билмадинг сан, ё билиб, билдирмадинг айёр эдинг,
Хар на бўлса бўлдию-кўнглимда сан дилдор эдинг,
Бўлмадинг сан ёрим энди, ўзга ёрим қолмади.

Ўртанар дил васлинга етмоғини имкони йўқ,
Меҳр боғин гуллари сўлди бугун боғбони йўқ,
Англадим, Фарҳоду Мажнун ишқининг ёлғони йўқ,
Чунки, оламда муҳаббат дардининг дармони йўқ,
Энди бу дардим олувчи, ғамгусорим қолмади.

Ҳақ билур, кўнгилдаги, ғамли китобингни сани,
Билмаса билмас, кишилар изтиробингни сани,
Тангрим ислоҳ айлагай ҳоли-харобингни сани,
Ҳақ енгил қилсин қиёматда ҳисобингни сани,
Найлайин, девона бўлдим, номус-орим қолмади!

Гарчи қай дилни, Худога эҳтиёжи йўқ экан,
Билки зулматдир ёритгувчи сирожии йўқ экан,
Дилни кўндирмок керак, гар иш ривожии йўқ экан,
Саҳвиё, дунёда дардингни иложи йўқ экан,
Баридан кечдим, бу дунёда диёрим қолмади!

Жудо бўлдим

Тушиб бошимга офат, мен диёримдан жудо бўлдим,
Нетай тақдир экан, гул юз нигоримдан жудо бўлдим,
Ётиб қисматда бори, дўсти-ёримдан жудо бўлдим,
Азизим, Ота-Онам, дилузоримдан жудо бўлдим,
Қолиб ғурбатда сарсон, ҳар на боримдан жудо бўлдим.

Паришондир хаёлим бу ҳаётнинг можаросида,
Етолмас охирига ҳеч ким, адо бўлмас балосида,
Сўнар тез завқи, боқий бўлмағайдир эҳтиросида,
Мусибат етди бошга, қолдим ҳайронлик аросида,
Бузилди ошиёним, рўзигоримдан жудо бўлдим.

Бари ўткинчидир, битгай қувончи-ғамни умри ҳам,
Азал қисматда оз битган экан, одамни умри ҳам,
Тугайди боқий эрмас, бу фоний оламни умри ҳам,
Дегайлар; йилни тўрт фасли каби, одамни умри ҳам,
Келибди энди «куз фаслим» «баҳорим»дан жудо бўлдим.

Вафоси йўқлигин асли, билардим охир оқибат,
Яна рўёби-орзулар, тилардим охир-оқибат,
Адашган бандаман, уммид қилардим охир-оқибат,
Гул ҳажрида қилиб нола, юрардим охир-оқибат,
Қафасда андалибдек, ихтиёримдан жудо бўлдим.

Қолибдирман букун ман, ғурбат ичра бир диёрим йўқ,
Ўзим афтода ҳолим ўнглагудек иқтидорим йўқ,
Балонинг каттаси ёнимда ҳеч бир дўсти-ёрим йўқ,
Нетай, бир дарбадардирман, қўлимда ихтиёрим йўқ,
Йўқолди қолмади, сабру-қароримдан жудо бўлдим!

Қилур кўнглимни пора, ҳар замон аввалгиси битмай,
Қутулмоқнинг иложи йўқ, экан бу дунёдан кетмай,
Азал қисматга мен таслим, неча оҳу-фиғон этмай,
Бўлиб Саҳвий каби, ғофил, азизлар қадрига етмай,
Келиб оқибат охир, эътиборимдан жудо бўлдим.

Мусамман

(саккизлик)

Бўлмаса

Боғ эмасдир ҳар субҳ, қушларни сози бўлмаса,
Жамланиб унда шуаро, наво сози бўлмаса,
Ҳам улар тузган ғазалларнинг баёзи бўлмаса,
Ҳар бирин имконича, назру ниёзи бўлмаса,
Бўлмағай уммон бари тубсиз, саёзи бўлмаса,
Бу гўзал боғ узра ҳаргиз, қиш аёзи бўлмаса,
Турмас эрди барқарор олам, тарози бўлмаса,
Бўлмас эрди ғам, ҳаётнинг кўпи-ози бўлмаса.

Ўтқарар умрини кимдир доимо, меҳнат билан,
Ё қазодан етса, бир офат ва ё захмат билан,
Ким ҳаёт сургай фароғат ичра кўп неъмат билан,
Ким безар қасру сайройини, зару зийнат билан,
Ўтса золим зўравонлар, ҳурмату иззат билан,
Эй биродарлар, буларнинг барчаси ҳикмат билан,
Не бўлар ўтса биров, зулм остида ҳасрат билан,
Адолат бирла ҳукм, қилгувчи «қози» бўлмаса?!

Эй ҳаёт фоний экан, бу боғи бўстонинг сани,
Ростга ўхшаб алдагайдир, бизни ёлғонинг сани,
Бунча мафтункор гўзалдир, қасру айвонинг сани,
Бизку, беш кунлик бу қасринг ичра, меҳмонинг санинг,
Бўлдику меҳмонларинг ҳам, зору ҳайронинг санинг,
Бизга маълум бўлди, ёлғончи эрур, номинг санинг,
Не керак дунёи фонийда, шараф шонинг санинг?,
Оқибатда Охиратнинг , сарафрози бўлмаса?!

Кимки огоҳ бўлса бу сўздан, дили беғам эмас,
Тун саҳарлар кўздан оққан, ёш эрур, шабнам эмас,
Гарчи Ҳақдан бизга етган, марҳаматлар кам эмас,
Раҳматига ташна кўнглимга, булар малҳам эмас,
Кимки, имонни йўлинда қоиму-маҳкам эмас,
Неъматни қурбатга етмоқликга ул, маҳрам эмас,
Сурати одам сифатдир, сийрати одам эмас,
Бандани ўз эътикод, фикру, овози бўлмаса!

Розиман, ё Раб турибман, ҳукминга тайёр бўлиб,
Қурбатинга мунтазирман, толиби дийдор бўлиб,
Музтариб бечораман қолдим нетай, ночор бўлиб,
Раҳматинг қилгил насибим, энди толеъ ёр бўлиб,
Етса тавфиқи ҳидоят, сирри Ҳақ ошкор бўлиб,
Айласам тақвою-тоат, кечалар бедор бўлиб,
Рўзи маҳшар турганимда, раҳматинга зор бўлиб,
Не саодат, менга Роббим, эътирози бўлмаса?!

Ўқидим кўп одамизод, тариху достонидан,
Кимлар ўтди, бу ҳаётнинг бебақо бўстонидан?,
Топди кимлар Ҳақ ризосин, бу синов майдонидан,
Кимлар ўтди, фойда топмай ғофил ўз имконидан,
Барибир бўлгай жудо, барча ҳаётда жонидан,
Бўлмасин маҳрум мусулмон, охири иймонидан,
Саҳвиё, сенга етишган марҳамат эҳсонидан,
Ўтқа ёққил бу юракни, энди рози бўлмаса!

Таржеъбанд

Мен турмага қамалиб қолгач уйга кетаётган қадрдонларимга «бориб Онажонимга айтинглар»деб, айтмоқчи бўлган кўнгилдаги сўзларим шеър бўлиб ёзилди.

Бевафо дунё адо бўлдим, заволингдан сени,
Жонима етган бу жабри, бемалолингдан сени,
Келди заволинг ҳали кўрмай камолингдан сени,
Қолмади фарқи ҳаром бирла ҳалолингдан сени,
Шодмисан бошимга солган, ушбу ҳолингдан сени?
Мен тиларман энди Қодир Зулжалолингдан сени,
Йироқ қилгай турли хил фитна маҳолингдан сени!
Бевафо бу барча мансаб, мулки молингдан сени.
Истагим топмоқ нажот, дунё малолингдан сени!
Бунга етсам бас, халос бўлсам хаёлингдан сени!

Етказинг борганда мендан қадрдонларга салом,
Қариндош-қардошларимга, меҳрибонларга салом,
Бизни ҳол-аҳволимиздан бағри қонларга салом,
Эшитган билган биродар, мусулмонларга салом,
Кўнгил қўмсар, туғилиб ўсган томонларга салом,
Зулм остида эзилган, нотавонларга салом,
Гирифтор ўлган бу янглиғ, имтиҳонларга салом,
То ҳануз оламда, имони омонларга салом,
Истагим топмоқ омон, дунё малолингдан сени!
Кошки бўлса дил халос, мутлақ хаёлингдан сени!

Сўраса гар ким гирифтори бало бўлди, дейинг,
Яна тутқун бўлди, эркидан жудо бўлди, дейинг,
Турли дарди бедаволар ичра жо бўлди, дейинг,
Яна шу дафтар қаламга ошино бўлди, дейинг,
Зўравонлар зулми бошига бало бўлди, дейинг,
Доғи ҳижрон ичра қолдию, адо бўлди, дейинг,
Энди сизларни дуонгизга гадо бўлди, дейинг,
Тикди Ҳақ йўлига жонини, фидо бўлди, дейинг.
Истагим топмоқ нажот дунё, малолингдан сени!
Кошки фориг бўлса дил, фикру хаёлингдан сени!!

Айтингиз бу дин таралди, Олама меҳнат билан,
Анбиёю Авлиёлар айлаган, даъват билан,
Ётмаган чунки, улар дунёда ҳеч роҳат билан,
Сарф этиб Ҳақ йўлига, молу-жон давлат билан,
Қайтмадилар, бошга тушган офату кулфат билан,
Таваккул айлаб Худога, турдилар журъат билан,
Мукофоти бўлди охир, мағфират раҳмат билан,
Ҳам ҳаётни иззати, ҳам охират жаннат билан!
Истадим топмоқ омон, дунё хаёлингдан сени!
Фориг ўлса кўнгил ҳеч битмас малолингдан сени!

Онажоним билмасин чунки, оғир бемордир,
Бир ғарибу нотавон имкони йўқ, ночордир,
Қўргани фарзанд туфайли ғам билан озордир,
Йўқ илож кўрмай одам, тақдирда ҳарна бордир,
Ким балога мубталодир, кимни бахти ёрдир,
Осий ўғлингиз букун бу ғам билан дучордир,
Соғиниб Ота-Онасин, меҳрингизга зордир,
Лекин имон имтиҳонига ҳали тайёрдир,
Истагим топмоқ омон, дунё малолингдан сени!
Бўлса шояд дил халос, орзу-хаёлингдан сени!!

Ушбу йўлга кирмагим Ҳақдин иноятдир манга,
Ҳақни БИР билмоқ улуғ, бахту-саодатдир манга,

Бу қазо қисмат қилиб қўйган ҳидоятдир манга,
Жонима етган жабр, дилга ҳаловатдир манга,
Чунки, Ҳақдир ушбу йўл, қуръон қафолатдир манга,
Бу бало офат қиёмат кун шаҳодатдир манга,
Англадимки, барчаси шаксиз шарофатдир манга,
Менга басдир бўлса, имоним саломатдир манга!
Истагим топмоқ халос дунё малолингдан сени!
Дил нажот топса фано бўлса хаёлингдан сени!

Чунки, имон йўли Ҳақ йўлдир, Худонинг йўлидир,
Бу ҳаётни бошидан, Одам Атонинг йўлидир,
Ҳазрати Нух, Халилulloҳ, Зикриёнинг йўлидир,
Яъқубу, Юсуфу, Мусою, Исонинг йўлидир,
Анбиёлар ҳотамининг Мустафонинг йўлидир,
Барча асҳоби киромни, Авлиёнинг йўлидир,
Солиҳу Сиддиқ Шахидлар, жонфидонинг йўлидир,
Яъни жаннатнинг йўли, Дорул-бақонинг йўлидир!
Истагим топмоқ нажот дунё хаёлингдан сени!
Бунга етсам, дилни пок этсам хаёлингдан сени!

Онажоним сабр этинг бўлгай Худойим ёрингиз,
Ажри бўлгай, бунчалар тортган ғаму озорингиз,
Бизга неъматдир, ғаниматдир ҳаётда борингиз,
Бўлолмадим олдингизда, сизни хизматкорингиз,
Қодир Аллоҳ Ўзи бўлгай, доимо ғамхорингиз,
Жаннатин қилгай каромат, сизга Бируборингиз,
Дадажоним бўлсалар, жаннат ичида ёрингиз,
Насиб этгай кўрмоғим жаннатда мен дийдорингиз,
Истагим топмоқ нажот дунё малолингдан сени!
Насиб этса фориг ўлса дил, хаёлингдан сени!

.....

Хотима

Бу китобдаги шеърлару ғазаллар Тўрткўлда, Товоқсойда, Навоийда, ва Остонада юрган йилларимда ёзилган. Олдинги йилларга қараганда, Можайскда турмасида ўтирганимда анча самарали ижод қилиш имкони пайдо бўлди. У ердаги шеърларим «Умид интиҳоси» тўпламимдан жой олган. Аллоҳу Таоло буларни ўқувчиларга ва муаллифга ҳам икки дунёда манфаатли қилсин! Сўзимнинг охири Оламлар Парвардигори Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин!

Саҳвий.

Швеция.

21. 12. 2016